

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

М. Нишонов, И. Тургунов

**ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМ  
ВА ТЕРРОРИЗМГА  
ҚАРШИ КУРАШНИНГ  
МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ  
АСОСЛАРИ**


Наманган - 2006

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

М. Нишонов, И. Турғунов

ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМ  
ВА ТЕРРОРИЗМГА  
ҚАРШИ КУРАШНИНГ  
МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ  
АСОСЛАРИ



“Наманган” нашриёти

2006

*Ушбу ўқув-қўлланма Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2005 йил 12 февралдаги "Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари" махсус курсини ўқитишни ташкил этиш ҳақидаги 3-сонли буйруғи ҳамда ушбу махсус курс бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент ислом университетига тайёрланган ўқув намунавий дастури асосида тайёрланди. Мазкур буйруққа кўра ушбу махсус курс олий ўқув юртлирида бошқа барча ижтимоий-сиёсий йўналишдаги фанлар билан бир қаторда умумий ҳажми 14 соат миқдорида (10 соат маъруза, 4 соат семинар) дарс жадвалига киритилган ҳолда ҳар йили ўқитилиб, рейтинг назорати билан якунланиши тавсия этилган.*

**Тузувчилар:** фалсафа фанлари доктори,  
проф. **Мамашариф Нишонов,**  
ўқитувчи **Иномжон Турғунов**

**Масъул муҳаррир:** фалсафа фанлари доктори,  
**Й. Раҳимов**

**Тақризчилар:** фалсафа фанлари доктори,  
проф. **М. Хожимирзаев**  
фалсафа фанлари номзоди,  
доц. **А. Мирзааҳмедов**

Мазкур ўқув-услубий қўлланма Наманган Давлат университети Олимлар Кенгашининг 2006 йил 26 апрелдаги мажлисининг 10-сонли қарори билан нашрга тавсия этилган.

”Инсоният тарихида диний онгинг ажралмас қисми бўлган одамлардаги эътиқоддан фақат бунёдкор куч сифатида эмас, балки, вайрон қилувчи куч, ҳатто, фанатизм (ўта кетган мутаассиблик) сифатида фойдаланилганлигини кўрсатувчи мисоллар кўп. Айнан фанатизм иллатига йўлиққан одамлар ёки уларнинг гуруҳлари жамиятда беқарорлик тўлқинини келтириб чиқаришга қодир бўладилар”

*И. Каримов.*

## СУЗ БОШИ

XX асрнинг сўнги йилларида ислом динини ўзларига ниқоб қилиб олган бир гуруҳ кимсалар ва тоифалар пайдо бўлдики, улар жамият ўртасида бузғунчилик, ноҳақ қон тукилиши каби салбий ҳолатларни авж олдириб мусулмонлар тинчлигини бузиб, дунёю охираатнинг барча эзгуликларига чорловчи Ислом динига зарар етказиб одамлар орасида низо чиқаришга, нифоқ солишга ҳаракат қилмоқдалар.

Кейинги пайтларда бундай фанатик оқимлар ҳақида турли асосли ва асоссиз фикрлар пайдо бўлмоқда. Баъзи маълумотларда мазкур оқимларнинг ўта мутаассибликка берилганлиги таъкидланса-да, аксарият ҳолларда ҳар тарафлама асосли, ишончли далил-исботлар билан суғорилган батафсил фикру хулосаларни билиш имкониятидан кўпчилик бебахра қолмоқда. Шу боисдан, ушбу дастур орқали илмий асосланган фикрлар билан фундаментализм, терроризм, экстремизм каби иллатларни фош қилиш, Ўзбекистонда мустақиллик йилларида виждон эркинлигига амал қилиш ҳамда диний ташкилотлар билан алоқалар юзасидан фикр билдирмоқчимиз. Шунингдек, экстремизм ва терроризмнинг моҳияти, келиб чиқиш сабаблари, манбалари ҳақида ҳам маълумот берилади.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий ислоҳотлар жамият ривожининг асосий омили эканлиги, миллий истиқлол гоёси руҳида ёшларга сабоқ бериш, демократик ҳуқуқий давлат қуриш барча пок ниятли ҳар бир Ўзбекистон фуқаросининг вазифаси эканлигини ушбу қўлланма орқали яна бир бор эслатиб ўтишни лозим топдик.

**Муаллифлар.**

# **"ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМ ВА ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ ҚУРАШНИНГ МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ АСОСЛАРИ" КУРСИНИ ҲАҚИДАШДАН КЎЗЛАНГАН МАҚСАД**

Биринчи курс талабалари учун мўлжалланган мазкур курснинг мақсади, ҳозирги кунларда диний экстремистик кайфиятдаги айрим кишиларнинг ортидан эргашувчи ёшларни мустақил ватанга садоқатли қилиб тарбиялаш, иймон, эътиқод, виждон эркинлиги каби тушунчаларни илмий асосда улар онгига етказишдир. Шунингдек, мамлакатимиз Президенти И. А. Каримовнинг мазкур масалаларга оид асарларини чуқурроқ ўрганиш ва ҳаётга тадбиқ этиш ҳар бир олий ўқув юрти талабасининг асосий вазифаси эканлигини тушунтиришдир.

Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти, социология, политология ва бошқа ижтимоий-сиёсий фанларни ўрганиш жараёнида эса диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асосларини янада чуқурроқ ўзлаштириш, талаба ёшлар онгида янгиликларни фикрлаш, дунёқарашни янада такомиллаштиришга эътиборни кучайтириш талаб этилади.

## **КУРСНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ:**

А). Республикада мустақиллик йилларида амалга оширилган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳамда маънавий-маърифий ишлар ҳақида таҳлиллар қилиш. Келгусида бажарилиши лозим бўлган вазифаларни белгилаб олиш, Ўзбекистонда яшовчи кишилар онгида мустақилликнинг улуг неъмат эканлиги ва уни асраб-авайлаш барчанинг бурчи эканлигини асослаб бериш;

Б). Республика Президенти И. А. Каримов томонидан олиб борилаётган саъйи ҳаракатлар, Парламент ва ҳукумат томонидан қабул қилинаётган қарорлар ва фармонларнинг, шунингдек, "Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари" тўғрисидаги Конституция моддаларининг қай даражада бажарилаётганлиги диний экстремистик кайфиятдаги кишиларнинг асосий мақсади нима эканлигини ўрганиш;

В). Мазкур курсни ўқитишдан мақсад бугунги ёшларни диний ва дунёвий билимларни илмий асосланган ҳолда чуқур эгаллашларида ёрдам бериш. Ёшлар онгида Ватанга муҳаббат, садоқат, унинг ҳимояси учун керак бўлса ўз жонини фидо қилиш, Ватан хоинларининг кирдикорларини очиқ ташлаш;

Г). Ватан, миллат тарихини чуқурроқ ўрганиш, ота-боболарнинг меросларини асраб-авайлаш ва уларнинг ишларини ижодий давом этдириб, келажак ёшларга етказиш ва бошқалардир.

## **КУРСНИНГ ҲАҚИДАШДАН КЎЗЛАНГАН МАҚСАД**

Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари" курсининг ҳажми жами 14 соат бўлиб, шундан 10 соати маърузалар ва 4 соати семинар машғулотларига мўлжалланган. Талабаларнинг иншо ёки реферат ёзишларида ўқитувчи ҳар бир талаба

билан яккама-якка тарзда шуғулланиб, бунда уларнинг ёзма ишлари мавзуларини белгилаш, унинг режасини тузиш, адабиётлар танлаш ва улар устида ишлаш, ёзма ишларни тайёрлашда ўзлари ўзлаштирган материалларга шахсий муносабатларини баён этиш масъулиятини ошириш бўйича тегишли кўрсатмалар беради. Мазкур курс 1-курснинг 2 семестрида ўқитилади.

## **КУРСНИ ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА Ў Қ И Т И Ш**

Мазкур курсни замонавий технология бўлмиш компьютер ва сайдлардан фойдаланган ҳолда ўқитиш, шунингдек, Наманган Давлат университети олимлари, хусусан “Ахборот гуруҳи” томонидан тайёрланган “Диний экстремизм ва терроризмга қарши кураш” мавзусидаги мақола ва рисолалар, ҳужжатли видеолар, “Андижон воқеалари: ҳақиқат ва иғво” махсус туплам материаллари билан таништириш. Кўргазмали воситалар, тарқатма материаллари ва бошқа кундалик матбуот материаллари асосида машғулотларни олиб бориш тавсия этилади.

### **”ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМ ВА ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ КУРАШНИНГ МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ АСОСЛАРИ” КУРСИНИНГ МАВЗУЛАРИ, ДАСТУРИ ВА ЎҚУВ РЕЖАСИ:**

№	Маъруза мавзулари	Ажратилган соат
1	Давлат ва дин. Ўзбекистонда давлатнинг дин ва диний ташкилотлар билан муносабати	-2 соат.
2	Ислоннинг Марказий Осиё минтақасидаги урни ва аҳамияти: тарих ва ҳозирги замон	-2 соат
3	Диний экстремизм ва терроризм-жамият барқарорлигига таҳдид	-2 соат.
4	Мусулмон дунёсининг диний экстремизм ва терроризмга қарши кураши	-2 соат.
5	Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг халқаро сиёсий- ҳуқуқий асослари	-2 соат.
	Жами:	-10 соат
№	Семинар машғулотлари мавзулари	Ажратилган соат
1	Марказий Осиёдаги барқарорлик ва хавфсизликка таҳдид солаётган диний экстремистик ва террористик ташкилотлар	-2 соат.
2	Ўзбекистоннинг диний экстремизм ва халқаро терроризмга қарши кураши	-2 соат
	Жами:	-4 соат.
	Ҳаммаси	-14 соат

**I-ДАРС**

**МАНВУ: Давлат ва дин.**

**ЎЗБЕКИСТОНДА ДАВЛАТНИНГ ДИН ВА ДИНИЙ  
ТАШКИЛОТЛАР БИЛАН МУНОСАБАТИ**

**РЕЖА:**

1. Эътиқод тушунчаси. Диний эътиқоднинг ўзига хос хусусиятлари.
2. Ҳозирги даврда дин ва давлат муносабатлари. Дунёвий давлат ва унинг динга муносабатини белгилаб берувчи тамойиллар.
3. Ўзбекистоннинг дунёвий ривожланиш йули. “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонуннинг янги таҳрири.

1. Эътиқод (арабча “иътақода” - ишонч, имонли бўлиш) ақл, хис ва ирода воситасида анланган билим, ғоя ва шу асосда шаклландиган мақсадлар мажмуи бўлиб, шу билим ва ғояларнинг тўғрилигига ишонч билан боғлиқ бўлган психологик ҳолатдир. Инсон томонидан анланган билим ва ғоялар унинг ҳам ақли, ҳам қалби билан ўзлаштириб олингандагина эътиқодга айланади. Эътиқод, кенг маънода, инсон фаолияти учун маънавий асос, йўл-йўриқ ва мўлжал бўлиб хизмат қилувчи, шахс, гуруҳ ва оммани жипслаштирувчи, одамларни ижтимоий ҳаётининг фаол аъзосига айлантирувчи омил ҳисобланади.

Ижтимоий жиҳатдан эътиқод инсоннинг фаолияти билан боғлиқ бўлиб, у фақат амалий фаолият жараёнида ўзлигини намоён қилади. Инсон вояга етиш билан боғлиқ ҳолда тупланган билимлар, ўзига хос эҳтиёж ва манфаатлар ҳаётий тажриба асосида шаклланиб, мустаҳкамланиб боради ва шу жараён билан боғлиқ ҳолда эътиқод ҳам юзага келади ва ўз навбатида, бундай жараёнда шаклланган эътиқод шахс фаолиятининг изчил, мантиқий, мақсадли бўлишига олиб келади.

Шу билан бирга, эътиқодда журъатсизлик, қатъиятсизлик ва бефарқлик каби ҳолатлар ҳам мавжуд бўлиши мумкин, бундай ҳолатлар эътиқоднинг заифлигини кўрсатади. Бундай эътиқодли кишилар кўпинча бошқаларга эргашиб ёки тақлид қилиб яшайдилар. Улар ўзгарган вазиятга қараб гоҳ у, гоҳ бу томонга оғадилар. Бундай эътиқоди заиф кишилар ўзларининг хатти-ҳаракатлари билан бошқаларга, айниқса ёшлар камолотида салбий таъсир кўрсатади.

Ҳақиқатан ҳам, агар эътиқоди мутаассибли, ирқий, миллатчилик

руҳида, тор сиёсий ва иқтисодий манфаатлар билан чекланган бўлса, бундай эътиқод бузгунчиликка, беқарорликка хизмат қилади, ривожланишга тўсиқ бўлади. Шунинг учун ҳам тараққиётга, ҳурликка етакловчи эътиқод билан бузгунчи, алдамчи, адаштирувчи “эътиқод”ни фарқлаш зарур. Кишиларда буюк келажакка, тараққиётга бўлган ишонччи, озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишга бўлган эътиқодни шакллантириш муҳим вазифа бўлиб қолмоқда.

Эътиқод мазмун-моҳиятига кўра диний ёки дунёвий характерда бўлиши мумкин. Дин ҳам эътиқоднинг ўзига хос кўриниши сифатида жипслаштирувчи, йўналтирувчи хусусиятларга эгадир.

Дин ижтимоий ҳаётни, воқеликни, унинг ҳодисаларини ўзига хос тарзда инъикос эттирувчи ижтимоий онг шаклларида бирийдир. Дин ибтидоий жамоа тузуми даврида вужудга келган ва ўша даврда яшаган инсонларнинг дунёқарашини акс эттирган. Дин дунё, инсон, мавжудотларнинг келиб чиқишини, ҳаётнинг мазмуни ва маъноси, инсоннинг яшашдан мақсади каби саволларга ўзича жавоб берувчи дунёқараш шакли бўлиб келган.

Диний эътиқод диний онгнинг асосий хусусиятларини ифода этиб, диндорнинг кечинмалари ва хулқ-атворини белгилайди. Дин диний дунёқарашни, диний маросимларни, шунингдек, диний туйғуни ўз ичига олади.

Демак, диний эътиқод тушунчаси бу - инсон иродасидан юқори турган зотга имон келтириш, ундан мадад олиш, асоратий воқеа-ҳодисаларнинг такрор содир бўлиши ва унга даҳлдорлик ҳамда муайян тасаввур, ақида, муқаддас китоб, пайғамбар, авлиё ва ҳоказоларга ишонч маъносини англатади.<sup>1</sup>

Ўрта асрларда дин маданиятнинг барча турларини (илм-фан, фалсафа, ҳуқуқ, ахлоқ ва бошқа шунга ўхшашларни) ўзида мужассамлаштирган ва уларга таъсирини ўтказган. Ҳозирги вақтда дин маънавиятнинг бир тури ва маънавий маданиятнинг таркибий қисми ҳисобланади.

Динларнинг ўзаро муносабатлари ҳамкорлик, ҳамдўстлик ва тенг ҳуқуқлилик асосида амалга оширилади. Ўзбекистоннинг миллий истиқлол ғояси тамойилларининг бири ҳам диний бағрикенглик (толерантлик) ва унинг моҳиятини чуқур таҳлил қилиб беради. Бундай муносабатларнинг сабабларидан бири ҳозирги вақтда дунёда умуминсоний манфаатлар ва қадриятларнинг мамлакат, халқ ва синфлар манфаатлари ҳамда қадриятларидан устун туришидир.

Бугунги кунда мустақил Ўзбекистон диний бағрикенглик ва муроса

<sup>1</sup>Қаранг. Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари. Т., 2005, 6-бет.



борасида нафақат МДХ давлатлари, балки бутун дунёга намуна бўлмоқда. Сиёсий мустақилликка эришган Ўзбекистон давлатида ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида, шу жумладан, таълим йўналишининг мазмун-моҳияти ҳам ўзгарди, давлат тили, анъаналари, миллий маданиятга эътибор ортди, буларнинг ҳаммаси, диний омил аҳамиятига давлатнинг муносабатини ўзгарганлиги сабаблидир.

II. Мустақиллик туфайли ўзлигимизни англаётган, маънавий қадриятларимиз қайта тикланаётган ҳозирги шароитда ота-боболаримиз дини, имони, виждони бўлиб келган бизнинг минтақавий ислом динимиз ўзига хос ўзбекона тусга эга, яъни, ўзбек урф-одатлари, анъаналари билан уйғунлашиб кетган. Маданиятимиз, тарихимиз, ахлоқимиз, тарбиямиз қарийиб XIII асрдан бери ислом дини билан бирлашиб кетган. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, кўпгина демократик давлатлардаги каби диннинг давлат ишларига аралашмаслиги асосидаги дунёвий ривожланиш йўли сақлаб қолинди. Конституциямизда ҳар бир фуқаро учун виждон эркинлиги кафолатланади: ҳар бир инсон хоҳлаган динига эътиқод қилиш ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди<sup>2</sup>, - деб таъкидланади.

Ўзбекистон Республикасида 14 конфессия вакиллари яшайдилар. Диний ташкилотлар ва бирлашмалар давлатдан ажратилган ҳамда қонун олдида тенгдирлар. Давлат диний бирлашмаларининг фаолиятига аралашмайди. (61-модда).

Дин билан давлат ўртасида мустаҳкам иттифоқ тузилган бўлиб, дин давлат тараққиётига, осойишталикка, фуқароларни Ватанга фидойлик, Оллоҳга ишонч, имонли-эътиқодли, ростгўй, покиза, ўз меҳнати эвазига кун кўрадиган, ҳаромдан ҳазар қиладиган, кишининг ҳақидан кўрқадиган, адолатли, ўз ҳуқуқини танийдиган, бошқаларни ҳурмат қиладиган, мамлакатда мавжуд қонунлар асосида иш юритадиган руҳда тарбиялашга кўмаклашмоқда.

XX асрнинг II-ярмидан бошлаб умуммусулмон цивилизацияси худудида жойлашган айрим давлатлар тараққиёти тажрибаси, афсуски, баъзиларида, хусусан, ғарб дунёсида Ислом динининг жамият ривожланишига кўрсатиши мумкин бўлган ижобий таъсири ҳақида жиддий шубҳалар туғилишига сабаб бўлади. Масаланинг таассуфли жиҳатларидан яна бири шундаки, ҳақиқий исломнинг асл моҳиятидан йироқ кўринишлар кейинги йилларда айрим олимлар томонидан олға сурилаётган цивилизациялараро қарама-қаршилик ва зиддиятлар ҳақидаги сунъий назарияларни озиқлантирмоқда, турли

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 31-модда. Т. 2003 йил.

маданиятларни қиёслаш жараёнида умуммуслмон маданиятининг салбий жиҳатларини бўрттириб кўрсатишга уринишлар бўлмоқда. Бунга мисол қилиб Афғонистондаги сиёсий-ҳарбий беқарорлик, Тожикистон воқеаларини кўрсатиш мумкин.

Президентимиз И. А. Каримовнинг “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” китобида мамлакатимиз шароитида дунёвий давлатнинг дин билан муносабатларини аниқлаштирувчи асосий тамойиллар қаторига:

- диндорларнинг диний туйғуларини ҳурмат қилиш;
- диний эътиқодларни фуқароларнинг ёки улар уюшмаларининг хусусий иши деб тан олиш;

- диний қарашларга амал қилувчи фуқароларнинг ҳам, уларга амал қилмайдиган фуқароларни ҳам ҳуқуқларини тенг кафолатлаш ҳамда уларни таъқиб қилишга йўл қўймаслик;

- маънавий тикланиш, умуминсоний ахлоқий қадриятларни қарор топтириш ишида турли диний уюшмаларнинг имкониятларидан фойдаланиш учун улар билан мулоқот қилиш йўллари излаш зарурати;

- диндан бузғунчилик мақсадларида фойдаланишга йўл қўйиб бўлмаслигини эътироф этиш кабилар киритилган<sup>3</sup>.

- Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида таъкидланганидек, Ўзбекистон ҳудудида яшовчи ҳар бир фуқаронинг манфаатлари, ҳуқуқ ва бурчлари қонун асосида белгилаб қўйилган. Ўзбекистон Республикасининг “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонуни (Янги таҳрири)нинг 5-моддасида бир диний конфессиядаги диндорларни бошқасига киритишга қаратилган ҳатти-ҳаракатлар (прозелитизм), шунингдек, бошқа ҳар қандай миссионерлик фаолияти ман этилади. (Миссионерлик - бошқа диний эътиқодга эга бўлган аҳолини ўз динига оғдириб олишлик бўйича диний ташкилотлар вакиллари томонидан амалга оширилаётган фаолият, Прозелит - ўз динидан кечиб, бошқа динга ўтган одам)<sup>4</sup>.

III. Асосий Қонунимиз Ўзбекистон фуқаросини миллати, ирқи ва динидан қатъий назар тенг ҳуқуқли деб билади, шунингдек, уларнинг виждон эркинлигини, урф-одатлари, миллий анъаналарини ҳурмат қилинишини кафолатлайди. Ушбу қомусий қоида 1998 йил 1 май куни қабул қилинган янги таҳрирдаги “Виждон эркинлиги ва диний

<sup>3</sup>Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.Т. 1997. 43-44 бетлар

<sup>4</sup> Қаранг, “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни.Т. 1998.

ташкilotлар тўғрисида“ ги қонунда ҳам ўз ифодасини топган. Қонуннинг 23-моддасида белгиланганидек, “Виждон эркинлиги ва диний ташкilotлар тўғрисида“ ги қонун ҳужжатларини бузишда айбдор бўлган мансабдор шахслар, диний ташкilotларнинг хизматидагилар ва фуқаролар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар. Бу модда қонун олдида барча бир хил жавобгар бўлишини таъминлайди.

1998 йилнинг 1 май куни Ўзбекистон Республикасининг жиноят ва маъмурий кодексларига ҳам қўшимча ўзгартиришлар киритилди ва янги моддалар билан тўлдирилди.

Ўзбекистон Республикаси маъмурий кодексининг 184, 184/1, 201, 202/1, 240, 241-моддалари, жиноят кодексининг 53, 145, 156, 158, 159, 190, 216, 216/1; 216/2; 229/2; 242; 244/1; 244/2 ва 246-моддалари шулар жумласидандир. Айни чоғда янги таҳрирдаги қонуннинг 11-моддасида диний ташкilotларнинг марказий бошқарув органларини рўйхатга олиш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан, бошқа диний ташкilotларни эса тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар, Тошкент шаҳар Адлия бошқармалари томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги диний ишлар бўйича қўмита билан келишилган ҳолда амалга оширилади. Диний ташкilotларни рўйхатга олиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

- диний ташкilot тузиш ташаббускори бўлган юз нафардан кам бўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқароси имзолаган ариза;
- диний ташкilotнинг устави;
- таъсис йиғилишининг баёни;
- тузилаётган диний ташкilot жойлашган манзилни тасдиқловчи ҳужжат;
- рўйхатга олиш йиғими тўлангани тўғрисидаги ҳужжат ва бошқалар.

Диний ташкilotларнинг фаолияти ўз уставига мувофиқлигини назорат қилиш диний ташкilotни рўйхатга олган орган томонидан амалга оширилади.

Рўйхатдан ўтмаган диний ташкilotлар фаолият кўрсатишига йўл қўйган мансабдор шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар, дейилади.

Динларнинг ўзаро муносабатлари ҳамкорлик, ҳамдўстлик ва тенгҳуқуқлик асосида амалга оширилади. Бундай муносабатларнинг сабабларидан бири ҳозирги вақтда дунёда умуминсоний манфаатлар ва қадриятларнинг мамклакат, халқ ва синфлар манфаатлари ҳамда

<sup>5</sup>Ўзбекистон Республикасида диний ташкilotларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисида. Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 20 июндаги қарори. Т. 1998.

кадриятларидан устун туришидадир.

Мустақил Ўзбекистонда барча динларга тўла эркинлик берилган. Аҳолининг асосий қисми ислом дини ва христианликнинг православия мазхабига эътиқод қилсада, улар билан бир қаторда католиклар, протестантлар, бошқа мазхаблар вакиллари ҳам истиқомат қиладилар. Уларнинг асосий фаолият йўсини давлатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, сиёсий-ижтимоий барқарорликни таъмин этишга хизмат қилиш, бунинг учун эса, турли динларнинг ҳамкорлигини такомиллаштиришдир.

Мустақиллик туфайли Ўзбекистонда диний ташкилотларнинг сони ва нуфузи тобора ўсиб бормоқда. Агар 1990 йилда республикада 119 та диний ташкилот, 2 та диний ўқув юрти мавжуд бўлган бўлса, ҳозирги кунда 2186 та диний ташкилот эркин фаолият кўрсатмоқда. Улардан энг йириклари Ўзбекистон мусулмонлар идораси, Рус православ черковининг Тошкент ва Ўрта Осиё Епархияси, Евангел христиан-баптистлар черкови, Рим-католик черкови, Тулиқ Инжил христианлари черкови, Ўзбекистон Библия жамияти. Шунингдек, 1987 та масжид, 163 та христиан черкови, 8 та яҳудий ибодатхонасида турли миллат ва динларга мансуб фуқароларнинг эмин-эркин ибодат қилишлари учун барча шароитлар яратилган.<sup>6</sup>

Мустақилликка эришилгандан сўнг динларга, шу жумладан ислом динига муносабат тубдан ўзгарди. Бу ўзгаришларнинг моҳияти Президент И. А. Каримовнинг қўйидаги сўзларида ўз ифодасини топган: “Ислом дини ота-боболаримизнинг муқаддас эътиқоди. У туфайли халқимиз минг йиллар мобайнида маънавияти, бой меъроси ва ўзлигини омон сақлаб қолган”.

Мустақиллик туфайли Рамазон ва Қурбон ҳайити кунлари байрам ва дам олиш кунлари деб эълон қилинди. Шўро йилларида ҳар йили бор-йўғи 15-20 кишига ҳаж сафарига боришга рухсат берилган бўлса, 1991 йилдан бошлаб ҳар йили 3-3,5 минг Ўзбекистонлик фуқаролар ана шу муқаддас сафарга бормоқдалар. Шўро давридаги 84 ўрнига, ҳозирги даврда 3600 дан ортиқ рўйхатга олинган масжидлар фаолият кўрсатмоқда. “Қуръони карим” ўзбек тилига таржима қилиниб 100 минг нусхада нашр этилди. Ўнлаб, юзлаб диний мазмундаги китоблар чоп этилди, рўзнома ва ойномаларда, радио ва телевидение орқали ислом тарихи, маданияти, ахлоқи, буюк муҳаддислар, муфассирлар, фақиҳлар, мутасаввуфларга бағишланган маълумотлар эълон қилинмоқда, ислом тарихига оид кўп қисмли фильмлар намойиш қилинмоқда.

<sup>6</sup>Ўзбекистон Республикасида диний ташкилотларни давлат рўйхатига олиниши ҳақида маълумотнома. 2005 й. 14 январ. Т. 2005 й.

Ҳозирги пайтда мамлакатимиз пойтахтида 1995 йилда ташкил қилинган Халқаро Ислом тадқиқод Маркази фаолият курсатмоқда. Ислом Олий маъҳади, мадрасалар ёшларга исломий ва дунёвий таълим бермоқда.

Эндиликда халқимизнинг диний таълим даражасини янги поғонага кутаришимиз, диний саводсизлик урнига диний маърифат киритибгина биз мутаассибликнинг йулини тўса оламиз, чунки қораниятли кимсалар кенг омма ислом маърифати чироғига интилишини ва айни вақтда бу омма мустабидлик нуқтаи назаридан саводсиз булганини кўзда тутиб, бу омилдан усталик билан фойдаланмоқчи буладилар.

### **Таянч иборалар:**

1. Виждон эркинлиги - Диний эътиқод эркинлиги.
2. Конфессия-дин, диний эътиқод.
3. Мутаассиблик-ўз ғоясини тўғри деб, бошқача фикр эгаларини тан олмаслик.
4. Экстремизм-ўз мақсади йўлида ҳар қандай кескин тадбир-чоралар кўришга тарафдорлик.
5. Эътиқод-дунёқараш. Бирор динга эътиқод қилиш-уни ҳақ деб билиб, унинг таълимотини тан олиш.
6. Миссионерлик - бошқа диний эътиқодга эга булган аҳолини ўз динига оғдириб олишлик.
7. Прозелит - ўз динидан воз кечиб, бошқа динга ўтган киши.

### **Такрорлаш учун саволлар:**

- \* Экстремизм деганда нимани тушунасиз?
- \* Диний эътиқод эркинлиги ҳақида Ўзбекистон Республикасининг қайси қонунида сўз юритилади?
- \* Диний ташкилотларга кимлар аъзо бўла олади?
- \* Турли конфессиялар орасида низо чиқмаслиги учун давлат қандай тадбирларни қўллайди?
- \* Ўзбекистонда фаолият курсатувчи қандай диний ташкилотлар бор?

# МАВЗУ: ИСЛОМНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁ МИНТАҚАСИДАГИ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ.

## ТАРИХ ВА ҲОЗИРГИ ЗАМОН

### РЕЖА:

1. Марказий Осиёда исломгача бўлган даврда динларнинг ривожланиши.

2. Ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида ислом тарихи. Марказий Осиёлик мутафаккирларнинг ислом илмлари ва маданияти ривожигаги ўрни.

3. Ҳанафийлик - исломдаги энг муътадил мазҳаб.

4. Ҳозирги даврда минтақа халқлари ҳаёти ва кишиларнинг маънавий-ахлоқий қарашлари шаклланишида ислом дини аҳамиятининг ўсиб бориши. Бунёдкорлик ва бағрикенглик.

1. Дин сўзи луғатларда қадимги сомит ва яҳудий тилларидан келиб чиққан ижтимоий ҳодиса сифатида изоҳланиб, воқеликни ҳаёлий-фантастик образларда, тушунча ва тасаввурларда акс этишдир, дейилган. Лекин ислом луғатларида дин Оллоҳнинг ўз бандаларига юборган нажот ҳамда тақиқ ва рухсатларини қамраб олувчи икки дунё саодатига элтувчи ҳидоят йўлидир, деб тариф берилган. Дунё динлари миллий, уруғ-қабилла, жаҳон динларига бўлинади.

Жаҳон динлари деб, ўзининг миллий, иркий мансублигидан қатъий назар, бутун Ер юзи бўйлаб ёйилган динларга айтилади. Ҳозирги дунёда христианлик, ислом ва буддавийлик ана шундай динлардан ҳисобланади. Бугунги кунда христианлик 254 та мамлакатда тарқалган бўлиб, унга 2 миллиард киши эътиқод қилади. Исломга 172 та мамлакатда яшовчи 1,3 миллиард аҳоли эътиқод қилади. Буддавийликка эса 86 та мамлакатда истиқомат қилувчи 700 миллион киши эътиқод қилади.

Христианлик Ўрта Осиё минтақасига милоднинг илк йилларидан кириб кела бошлаган. Минтақада тарқалишида унга эътиқод қилган жамоаларнинг Шарқ ва Жанубга ҳаракатлари даврида амалга оширилган кенг миссионерлик фаолияти катта аҳамият касб этган. Шарқ давлатларида биринчи юз йилликлардаёқ тарқалган христианлик сиёсий сабаблар билан боғлиқ ҳолда бўлган. Кейинчалик насронийлик Эронда кучайди, VII асрда минтақада насроний жамоалар сони ортган, Самарқандда митрополия фаолият кўрсата бошлаган. Илк ўрта асрларда (IV-VIII аср) Суғд, Усрушана, Шош, Хоразмда несториан хочлари суратлари, тасвири туширилган тангалар забт этилгани

маълум. Сўгга кўчиб келган насронийлар билан бирга уларнинг урф-одатлари ҳам қириб келган.

Умуман, исломга қадар христианлик вакиллари Марказий Осиёда зиёли ва ҳунармандлардан иборат бўлиб, бу дин минтақа маънавий ҳаётида муҳим ўрин тутган.

Буддавийлик Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида эрамиз бошларида тарқала бошлаган. Унинг Ҳиндистондан Марказий Осиёга кириб келиши Кушонлар ҳукмронлиги билан боғлиқдир. Император Конишқа (1-аср охири 2-аср бошлари) даврида Кушон подшоҳлиги ушбу диннинг марказларидан бирига айланган. VII аср бошларида Термизда 10 та буддавийлик хонақоҳи (сангарама) ва мингта роҳиб фаолият олиб борган. Сурхондарёнинг Қора-тепа, Фаёз-тепа, Далварзин-тепа, Қоровул-тепа, Фарғона водийсининг Қува каби тарихий жойларида Будданинг олтин суви югуртирилган ҳайкаллари, бронза шамдонлари, турли ҳунармандчилик буюмлари топилган. Милоднинг 1-асрида Амударё ҳавзасидаги ерларда ҳукмрон дин саналган буддавийлик араблар келишига қадар сақланиб турган.

Миллий динларга битта миллатнинггина эътиқод қилишини, масалан, синтоизм (японлар дини), иудеизм (яхудийлар дини), даосизм (хитойлар дини), индуизм (ҳинд дини) кабиларда кўриш мумкин.

Бизнинг юртимизда исломгача зардуштийлик (зороастризм) дини тарқалган эди. Ҳозир ҳам Эрон ва Ҳиндистонда 115 мингдан зиёд аҳоли зардуштийликка эътиқод қилади.

Ўзбекистондаги исломгача мавжуд бўлган ибтидоий динлар сифатида фетишизм, тотемизм, анимизм, шаманизм, магия ва сеҳргарлик каби динлар турини санаб ўтишимиз мумкин.

**Фетишизм** (французча fetishe-“буг“, “санам“, “тумор“, умуман муқаддас буюм) моҳиятига кўра табиатдаги жонсиз нарсаларга сифиниш ҳисобланиб, унга кўра алоҳида буюмлардаги илоҳий қудрат воқеа-ҳодисаларни ўзгартиради. Бунга эътиқод қилиш, унга маъно-мазмун бағишлаш, ўз ҳаётини муайян даражада тартибга солиш ушбу дин эътиқоди хусусиятини аниқлайди. Албатта бундай эътиқод шаклини жаҳон динларига тенглаштириб бўлмайдди. Чунки, бундай ибтидоий эътиқод туфайли ҳаётнинг деярли барча ижтимоий-иқтисодий маънавий-руҳий жиҳатларини қамраб олишдек мукамал тизим йўқ.

Фетишизм қолдиқлари ҳозирги кунда ҳам баъзи урф-одатларимизда, турли тумор, кўзmunчоқ ва ҳар хил рамзларга бўлган муносабатларда сақланиб колган.

**Тотемизм** (Шим. Американинг ҳинду қабиласи тилидан - “О тотем“ - унинг уруғи) - одамнинг ҳайвонот ёки ўсимликнинг муайян турларига қариндошлик алоқаси бор, деб эътиқод қилишдир. Бундай эътиқод

шаклига кўра, фақат баъзи диний маросимларда, руҳонийлар ва баъзи қабила бошлиқларигина тотемни ейишлари мумкин. Бу динга кўра тотем ҳисобланган ҳайвон ёки ўсимликни озуқа сифатида истеъмол қилиниши тақиқланган. Ҳозир ҳам баъзи жойларда тотемизм унсурлари сақланиб қолган. Масалан, ҳиндларда сигирни муқаддаслаштириш, қирғизларда оқ буғунинг афсонавий бахт келтирувчи ҳайвон сифатида улуғланиши мавжуд..

**Анимизм** (лот. “anima” - “руҳ”, “жон” маъносида) руҳларга сифиниш, табиат кучларини илоҳийлаштириш, ҳайвонот, ўсимлик ва жонсиз жисмларда руҳ, онг ва табиий қудрат борлиги ҳақидаги таълимотни илгари сурувчи диний қараш шакллари билан бири. Анимизмда табиатнинг қудратли кучларини - Ер ва осмон, қуёш ва ой, ёмғир ва шамол, момақалди роқ ва чақмоқ қабила рни илоҳийлаштириб, уларда руҳ мавжуд деб билинган. Бундай илоҳий кучлар яхшилик ва ёмонлик келтириши мумкин деб, бундай руҳлар ҳаққи га дуо қилинган, қурбонликлар қилиниб, маросимлар уюштирилган. Жумладан, ўтганлар руҳи доимо тириклар билан бирлигига ишониш, Ер, сувдан оқилона фойдаланмасликнинг гуноҳ ҳисобланиши тўғрисидаги тасаввурларимиз илдизлари анимистик қарашларга бориб тақалади.

**Шаманизм** (тирик тунгус тилида “шаман” сўзи - “сеҳргар” маъносини англатади) реал натижалар олиш учун илоҳий кучларга таъсир этиш мақсадида сеҳргарлик афсун, магияга асосланган ҳолда амалга ошириладиган маросимлар, урф-одатлар мажмуи. Унда ота-боболарнинг руҳлари билан хаёлан боғланиш асосий амалиёт ҳисобланади.

Марказий Осиёда сеҳргарлик маросимларини яқка ҳолда ёки жамоа бўлиб амалга ошириш амалиёти кенг тарқалган. Масалан, “иссиқ” ёки “совуқ” қилиш учун ишлатиладиган севги, даволашда ишлатиладиган тиббий афсункорлик каби шаклларда намоён бўлган. Сеҳргарликдан ёмғир чақириш ёки об-ҳавони ўзгартириш мақсадларида фойдаланилган. Минтақамиз аҳолиси орасида ёвуз ва севги афсунгарлигининг кучига ишонч ҳозирги кунда ҳам ҳаётда учраб туради.

**Зардуштийлик** Марказий Осиёда милоддан аввалги 2-1 минг йилликларда вужудга келган. Бу дин дунёдаги энг қадимги динлардан бири бўлиб, унга милоддан аввалги 7-6 асрларда Марказий Осиё, Озарбайжон, Эрон ва Кичик Осиё халқлари эътиқод қилганлар.

Зардуштийлик дини Зардушт номига нисбатан берилиб, аслида эса “Авесто” китобида у “Маздаясна” дини деб аталган. Бу сўзни “Маздага сифинмоқ” деб таржима қилинади. “Мазда” сўзи “дониш”, донишманд, оқил каби маъноларни англатади. Шунингдек,



Зардуштийлик “Беҳдин”, яъни “Энг яхши дин” деган ном билан ҳам улуғланган. Унинг таълимотига кўра, борлиқ Мазданинг иродаси билан яратилган. “Мазда” сўзи олдига улуғлаш маъносини англатувчи “Ахура” қўшилиб, зардуштийликнинг илоҳиёти - Ахура-Мазда номи пайдо бўлган. Бу “Жаноб Мазда” ёки “Илоҳ” демакдир.

Зардуштийлик негизида оламнинг қарама-қаршиликлар кураши асосида қурилиши, яхшилик ва ёмонлик, ёруғлик ва қоронғулик, ҳаёт ва ўлим ўртасидаги абадий кураши ҳақидаги ғоялар ётади. Барча яхшиликларни Ахура-Мазда ва барча ёмонликларни Анхрамайню (ёки Ахриман) ифодалайди. Ҳар бир зардуштий кунига беш марта ювиниб, покланиб, қуёшга қараб, уни олқишлаб сифиниши шарт ҳисобланади. Зардуштийлик ибодатхоналарида доимий равишда олов ёниб туради. Зардуштий эътиқодида тўрт унсур- сув, олов, ер ва ҳаво улуғланади.

Марказий Осиёга ислом дини кириб келгунга қадар минтақада монийлик, маздакийлик каби динлар ҳам мавжуд бўлган.

**Монийлик** диннинг асосчиси Сурайик Патик (216-277) ҳисобланади. Унга моний-“руҳ” лақаби берилган ушбу дин асосини нур ва зулмат ўртасидаги азалий кураш, нурнинг зулмат устидан ғалаба қозонишига ишониш ғояси ташкил этади. Монийлик зардуштийликдаги дуализм - яхшилик билан ёмонлик, нур билан қоронғулик, руҳий олам билан моддийлик орасидаги кураш ва христианликдаги миссия (халоскорнинг келиши) ҳақидаги таълимотларни ўзида мужассам қилган. Моний ўзини “Само нури элчиси” деб ҳисоблаган ва ўз таълимотида одамларни урушмасликка, мол-дунё тўпламасликка даъват этган.

Маздакийлик дини асосчиси - Маздак (470-529) бўлиб, бундай диний эътиқод асосида худо олдида ҳар қандай инсон тенг, жамият бойликлари ҳамма учун баробар деган ғоя ётади. Бунда жамият аъзолари ўзаро ёрдам, адолат ва тенгликка чақирилган. Бойликка ружу қўйиш, шахсий манфаатлар учун кураш инкор этилган. Бу дин V аср охирларида Марказий Осиё ва Эрон ҳудудларида ижтимоий тенгсизликни йўқотиш учун кураш сифатидаги ҳаракатга асос бўлган.

Шундай қилиб, юқорида қайд этиб ўтганларимиз, Марказий Осиёда исломгача мавжуд бўлган динлар, бу ҳудудларда исломдан аввалги маънавий-ижтимоий ҳаётни белгиловчи асосий омил бўлиб келган. Бу динлар минтақа аҳолисининг диний эътиқоди ва маънавий-маърифий ривожланишида катта рол уйнаган.

II. Ёшлар онгида миллий истиқлол ғоясини шакллантиришда аждоқларимиз дини ва эътиқоди бўлган ислом дини ва унинг тарихини ўрганиш ҳам катта аҳамиятга эгадир.

Ислом динининг ташкилотчиси ва тарғиботчиси Муҳаммад

алайҳиссалом 570 йилда Макка шаҳрида қурайш қабиласида дунёга келди. Унинг 40 ёшида пайғамбарлик фаолияти бошланиб, Қуръони карим оятлари ваҳий қилинди. 63 ёшида эса ваҳий жараёни тугади ва у вафот этди. V-VI асрларда араб қабилаларининг диний эътиқодлари фетишизм, тотемизм ва анимизм каби тасаввурлар аралашмасидан иборат эди. Аксари қабилалар бут ва санамларга, тошларга эътиқод қилар, яхши ва ёмон руҳлар, ёвуз жин ва шайтонлар тўғрисидаги тасаввурларга ишонар эдилар. Бу даврни ислом тарихида “Жоҳилият даври” дейилади. Ислом таълимотида Одам яратилгандан бери барча пайғамбарларга фақат ислом юборилган, деб ўргатилади, лекин қавмлар тўғри йўлдан адашиб кетишган ва турли эътиқодларни ўзларича ўйлаб топганлар. Пайғамбарлар айрим қабилла, қавм, миллатга алоҳида-алоҳида қилиб юборилган. Фақат охириги пайғамбар барча миллатларга, бутун ер юзига юборилган. Муқаддас “Қуръони карим” Муҳаммад алайҳиссалом вафотидан сўнг анча вақт ўтгандан кейин, яъни, халифа Усмон даврига келиб бирин-кетин йиғилиб, китоб ҳолатига келтирилган. Бу ишда пайғамбарнинг асранди ўғли Зайд ибн Собит жонбозлик кўрсатган.

Арабларда исломни тарқатиш ва ривожлантириш даврини “Асри саодат” деб атайдилар. Исломнинг ўзи арабларнинг ҳаёт тарзини, маънавиятини ривожлантиришга сабаб бўлди. Жоҳилият давридан саодат асрига ўтилганлиги инқилобий ҳодиса бўлган эди. Исломнинг тарқалиши ҳам қаршиликларсиз, қурбон беришларсиз ўтмади.

Ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида ислом динининг тарқалиши бу ўлкага арабларнинг кириб келиши ва уларнинг ҳукмронлиги даври билан боғлиқдир. Арабларнинг Марказий Осиёга юришлари 643-644 йилларда бошланган бўлиб, минтақанинг араб халифалиги таркибига киритилиши Қутайба ибн ал-Боҳимий (704-715) даврида амалга оширилди. Араблар босиб олган ерлар “Мовароуннаҳр” (“Дарё ортидаги ер”) ва арабларга бўйсунмаган ҳукмронлар ерлари “Ароди ат-турк” (“Турклар ерлари”) деб аталди. Мана шу икки ҳудудда исломлашув жараёнлари турли хил кечди.

Абу Муслим (747-755) кўзғолонигача Марказий Осиёда исломдан аввалги давр ҳукмдорлари маҳаллий аҳолини бошқариш ва улардан араблар учун солиқ йиғишдек вазифаларни бажариш орқали ўз мавқеларини сақлаб турдилар. Араб ва араб бўлмаган мусулмонларнинг тенг ҳуқуқлилиги учун курашнинг бошланиши ҳам айнан шу даврга тўғри келади. Бу ҳаракатда муржийлар етакчи ўринни эгалладилар.

Ўлкада араб бўлмаган мусулмонлар ҳақ-ҳуқуқларининг араблар томонидан поймол этилишига қарши Муржийий ал-Хорис ибн Сурайж

қўзғалонини Мовароуннаҳрнинг бутун аҳолиси қўллаб-қувватлади. Муржийларнинг ислом амалларини бажармаган киши иймондан ажралмаслиги ҳақидаги қарашлари эса ерли аҳолининг исломни қабул қилишини осонлаштирди ва араб ва ажам (араб бўлмаган) халқларининг тенг ҳуқуқлилиги, миллий-маданий қадриятларининг сақланиб қолинишини таъминлашга имкон яратиб берди. Абу Муслим ҳаракати (749 йил) ғалабаси оқибатида бунинг амалда таъминланиши муржийлик ғояларининг сиёсий-ижтимоий соҳадан илоҳиёт фани соҳасига кўчишига замин яратди.

Агар ислом илмлари VIII асрда Хуросон орқали Мовароуннаҳрга кириб келган бўлса, IX асрдан бошлаб мазкур илмлар минтақанинг ўзида ривож топа бошлади. Бу даврга келиб аввал ислом оламида тан олинган олти саҳиҳ ҳадислар тўплами (ас-сихох ас-ситта), сўнгра уларнинг қаторига уч тўпلام қўшилиб, тўққиз китоб (ал-кутуб ат-тисва) шаклланди. Улардан учтаси мовароуннаҳрлик уламолар-Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Доримийлар томонидан жамланди.

Мўғуллар босқини минтақада барча соҳа каби ислом дини ва илмлари ривожига жиддий салбий таъсир кўрсатади. Ерлик уламолар қирилди ва қолганлари узоқ ўлкаларга қочишга мажбур бўлдилар.

Темурийлар сулоласи ва ундан кейинги давр Мовароуннаҳрда тасаввуф йўналишининг ривожланиши билан боғлиқ бўлди.

Чор Россияси ва Совет давлати ҳукмронлиги вақтида ислом динини халқ ҳаётидан узоқлаштиришга ҳаракат қилиш, дин уламоларининг ярим яширин фаолиятга ўтиш даври бўлди.

Мустақиллик даврида диний қадриятларга эркинлик берилиши исломнинг жамиятдаги ўз ўрнини эгаллашига имкон яратди.

Исломнинг муқаддас китоби бўлмиш Қуръони карим, башариятни ҳидоят сари етаклайдиган, тўғри йўлни кўрсатадиган бебаҳо хазинадир. Унда барча халқларга хос фалсафа, адабиёт, тарихга доир маълумотлар мужассамдир. Ибн Сино, Форобий, Беруний, ал-Хоразмий ва бошқаларнинг илмий меросларида, Жомий, Навоий, Бобур, Машраб, Сўфи Оллоёрнинг назмий ғазалларида қуръон оятлари ҳамда ғоялари катта ўрин эгаллаган. Биринчи хижрий асрда ислом оламида 100 дан ортиқ машҳур муфассирлар етишиб чиқди. Жумладан, бизнинг ўлкамизда ҳам қуйидаги машҳур муфассирларни тилга олиш мумкин:

1). Имом Абу Мансур Мотурудий - Самарқанд яқинидаги Мотурид қишлоғида туғилган (вафоти 333 хижрий). Ул зот “Таъвилоти аҳли сунна” номли тафсир китобини калом йўлида ёзган ва сунний мазҳабларини тафсир қилган.

2). Имом Абу Лайс Самарқандий (вафоти 373 хижрий). Ул зот қўллаб

китоблар ёзган, булардан машҳурлари “Баҳрул улум”, “Тафсир бил маъсур” бўлиб уларда Қуръони карим тафсир қилинган.

3). Имом Жорулло Маҳмуд Замахшарий (467-538 хижрий) Хоразм яқинидаги Замахшар қишлоғида таваллуд топган. “Кашшоф ан ҳақойиҳи ва уйунил ақовили фи вужухут таъвия” китоби Қуръони карим тафсири бўлиб, ҳозир ҳам мадрасаларда “Кашшоф” номи билан машҳур дарслик саналади.

4). Имом Абдулло ибн Аҳмад Насафий (612-701 хижрий). Қарши шаҳрида таваллуд топган. У ўзининг “Модарик Танзил” асари билан машҳур. Имом Замахшарийнинг “Кашшоф” китобига шарҳлар берган ва араб тили грамматикасини ҳам ёзганлиги билан шуҳрат қозонган.

Юртимиз алломалари дунёвий илмларда ҳам диний илмларда ҳам ислом оламида пешқадам бўлганлар.

Собиқ муфтий Муҳаммадсодиқ Муҳаммадюсуф 1990-2000 йилларда “Тафсири Хилол” деб номланувчи тафсирни ёзиб халқимизга ҳадя этди. Қуръони карим мазмуни ҳақида китоб ёзиб чоп эттирди.

III. Ислом таълимотида мазҳаблар алоҳида аҳамиятга эгадир. Мазҳаб сўзи арабча йўл, оқим ёки таълимот маъносини англатади. Мазҳабларнинг асосида ҳуқуқий ёки шаръий ҳукмлар тизими ётади. Суннийлик йўналишида тўртта мазҳаб бўлиб, уларнинг энг йириги (70 фоиз суннийларни бирлаштиради) Ханафия ёки Имоми Аъзам мазҳабидир. Унинг асл исми Абу Ханифа ан-Нумон Ибн Собит (699-767 хижрий) бўлиб, Куфа шаҳрида дунёга келган. Келиб чиқиши форс. Юсуф Товсалийнинг “Ҳикматлар хазинаси” китобида келтирилишича, Имоми Аъзам олти ёшлигида Қуръони каримни уч кунда ёд олган. Шариат ҳуқуқларини тадқиқ қилиб, илми қиёс билан Қуръони карим ва ҳадислар асосида “Буюк ҳуқуқшунослик”, яъни “Ал фикҳ ал Акбар” деган машҳур китобни яратди. У ўз таълимотида маҳаллий ҳуқуқ меъёрларини шариат билан келтириб қўллашни таклиф қилади. Имоми Аъзамда ибодатнинг енгилроғи тарғиб қилиниб, рационализм элементларидан кенг фойдаланилганлиги маълум. Масалан, сафардаги кишининг номозини қаср қилиб (тўрт ракат ўрнига икки ракат) ўқиш каби. Имоми Аъзам эътиқодда бевосита, иймонда бениҳоя юксак зот бўлганлиги ҳақида кўп ривоятлар бор. Имоми Аъзам ҳақида Фаридиддин Аттор “Чироғи миллат, шамъи дину давлат, ҳадойиқи дин, орифу олиму сўфи, имоми жаҳон Абу Ханифаи Куфий раҳматиллоҳи алайҳ ҳатто фаришталар учун ҳам маҳбуб саналган.

Имоми Аъзам исломда бош имом мақомига эришган маънони билдиради. Унинг “Мабсут” номли асарида олтмиш тўрт мингта масалага жавоб берган деб ёзилади.. Умри давомида 55 марта ҳаж қилган, етти минг марта Қуръони каримни хатм қилган.

Имоми Аъзам номи билан боғлиқ мазҳаб шарият қоидаларини Африка, Туркия, Ҳиндистон, Покистон, Бангладеш, Афғонистон, Хитой ва Урта Осиё давлатларида маҳкам тутилади. Чорвадор, деҳқон, касб-ҳунар эгалари учун бу мазҳаб талаблари жуда мос тушган. Унинг таълимотини Абу Юсуф Ёқуб, Муҳаммад аш-Шайбон, Қудурий каби фикхшунослар қиёмига етказадилар. Бурҳониддин Марғинонийнинг “Ҳидоя” номи тўплами (4 жилдлик) ушбу мазҳаб талабларини кенг ёритади. Ислоҳ мадрасалари ва университетларида ҳозир ҳам бу китоб ўқитилмоқда. Бутун дунё мусулмонларининг 92 фоизи суннийлик йўналишида бўлсалар, уларнинг 47 фоизи ханафия мазҳабидадир.

Иккинчи ўринда шофиъия мазҳаби бўлиб, унинг асосчиси Ибн Идрис аш-Шофиъия (767-820) Макка шаҳрида таваллуд топган. У ҳадисларни ва фикх илмини ўрганган. У ижмоъдан (қиёс) фойдаланиб “Китоб ал-умм” деган тўпламни яратди. Ибодатларда бироз фарқ бор. Масалан, таҳоратда имоми Аъзам мазҳабида иккала қўлни чиганоғигача ювиш, оёқни ошиғи билан қўшиб ювиш талаб қилинса, шофиъийларда иккала қўлни елкагача, оёқни тиззагача ювиш талаб қилинади. Ғуслда битта фарз, яъни бутун баданни ювиш талаб қилинади. Имоми Аъзамда эса ғуслда 3 та фарз бор (оғизга сув олиб томоғигача етказиш, бурун ичига сув олишлик ва бутун баданга сув етказиш).

Учинчи мазҳаб моликия бўлиб, унга Молик ибн Анс Абу Абдуллоҳ асос солган (721-795). Моликия мазҳаби нисбатан консервативлиги билан фарқ қилади. Унинг ўзи Муҳаммад (с.а.в.) давридаги анъаналарни ёқлаб чиқиб, зоҳидликка, тарки дунёликка берилган. У ўз шаърий қоидаларини “Ал-Муаттаъ” (барчага тушунарли) асарида баён қилган. Бу китобда юздан ортиқ ҳадис келтирилади. Моликийлар Қуръон ва ҳадисларни ақлга асосланган ҳолда талқин қилиш тарафдорларига қарши чиққанлар. Дастлаб бундай ақида эгалари Хижоз ва Мадинада, ҳозир Ливия, Марокаш, Жазоир, Тунис каби мамлакатларда яшайдилар. Моликийлар дунё мусулмонларининг 17 фоизини ташкил қилади.

Туртинчи сунний мазҳабга Ханбалия деб ном берилган, чунки унга Имом Аҳмад (Аҳмад ибн Ханбал аш-Шайбоний) асос солган. У 780 йили Арабистонда туғилган ва 855 йили вафот этган. Халифа Маъмун (813-833) ва унинг давомчилари даврида мўътазилийларга қарши чиққани учун уч марта қамалган ва жазоланган. Диний ҳуқуқшуносликка оид “Муснар” (суянчиқ ёки тиргак маъносида) асари ханбалийларнинг асосий мафқураси ҳисобланади. (Қоҳира, 1895 йил). Бу мазҳабда ҳар қандай эркин фикр юритиш, “янгилик” қаттиқ

қораланади. Шу сабабдан Ислом оламида доимо келишмовчиликларни келтириб чиқарганлар. 860 йилда Араб халифалигида муътазилийликнинг ва ҳурфикрликнинг таъсири бироз кенгайди. XII ва XIII асрларда мустақил Мазҳабга айлантиради. Сурия, Эрон, Фаластин, Арабистон ярим оролида XIII-XV асрларда унинг тарафдорлари кўпайди. Лекин, ўта мутаассабликка асосланган ханбалийлик XVI-XVII асрларда инқирозга юз тутди. XVIII асрда “Ваҳҳобийлар” деб, аталмиш жангари гуруҳлар пайдо бўлганидан кейин ханбалийларнинг тегирмони яна ишлай бошлади. XX асрнинг 20-йилларида ваҳҳобийлар Саудия Арабистонида ҳокимиятни қўлга олганларидан кейин ханбалийликнинг шарият қонунлари ўрнатилди. Ҳўш, ваҳҳобийлар кимлар эди?

Ироқлик жамиятшунос Муҳсин Абдулҳамид ўзининг “Ислом ва империализм” деган китобида ваҳҳобийликни исломга зид, уни бўлиб ташлаш учун империалистик гуруҳлар ҳошиш-иродаси ва маблағи ҳисобига пайдо бўлган оқим деб ҳисоблайди (М. Абдулҳамид, “Ислом ва империализм”, Анқара, 1970, арабча нашри) Маълумки, ислом пайдо бўлгандан буён ўзининг ҳуқуқий тизими, маънавий пухталиги билан насронийлик эътиқодидаги кишиларни, хусусан ғарб империалистик гуруҳларини ваҳҳимага солиб келган. Ўрта асрларда Европа давлатлари исломни тағ-томири билан йўқотмоқчи бўлдилар, лекин, бу ишни эплай олмадилар. Масалан, 1096 йилдан 1295 йилгача саккиз марта салб юришлари бўлиб ўтди. Буларнинг ҳаммаси муваффақиятсизликка учраган эди.

Европаликлар бу ҳолатни тадқиқ этиб, мусулмонларнинг қуввати қуръон ва ҳадисда деб, хулоса қилдилар. Улар тезлик билан мусулмон давлатлари орасига нифоқ солиш дастурини ишлаб чиқдилар XVIII асрнинг иккинчи яримда миссионерларни тайёрлаб, чўнтақларини олтинга тўлғазиб, араб мамлакатларига жўнатдилар. “Улар исломга зид фикрлар тарқатиш, мусулмон болаларини маънавиятдан йироқ, материалистик тарбия билан вояга етказиш, ўз тарихидан жудо қилиш, машҳур алломалар ҳаётини ва меросини унуттириш билан шуғулландилар”, деб ёзади Муҳсин Абдулҳамид.

Ана шу шароитда, 1703 йилда Арабистон ярим оролининг Нажд водийсида таваллуд топган Муҳаммад ибн Абдулваҳҳоб вояга етди ва кейинчалик “Ваҳҳобийлик” номли жангари оқимга асос солди. Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, у ёзган “Китоб ат-Тавҳид” асарига инглиз жосуси ва миссионери Хемпир ҳомийлик қилган ва ваҳҳобийларнинг юришлари тарихда талон-тарожлик билан ўтганлиги бизга маълум. Ваҳҳоланги, бировнинг ҳаққини ейиш қуръонда харом ҳисобланади. Абдулваҳҳоб эса ўзининг китобида “Оллоҳнинг

борлигига ишониш, қалб билан, тил билан ва амал билан бўлмоғи керак, кимда булардан бири етишмаса, у инсон мусулмон ҳисобланмайди. Бу кабиларнинг моллари ва жонлари ваҳҳобийлар учун ҳалолдир“. Эътибор беринг, жонлари ҳам ҳалолдир. Демак, ваҳҳобийлар бошқаларни қанча кўп ўлдирсак, шунча кўп савобга эришамиз, деб ўйлайдилар. Масалан, Ваҳҳобий жангарилари томонидан қилинган босқинчилик ва талончилик урушлари, 1773 йилда Макка ва Мадина шаҳарларини вайрон қилиш, 1802 йил 12 апрелдаги Карболога ҳужум ва имом Хусайн Масжидини вайрон қилиб, унинг олтин ғиштарини талон-тарож қилиш, бир кунда тўрт мингдан ортиқ одамни қиличдан ўтказиш, ҳатто ҳомиладор аёллар ва болаларни чопиб ташлаш каби хунрезликларини тарих ҳеч қачон унутмайди.

Ваҳҳобийлар Юнус сурасининг 108 оятини пайғамбар алайҳиссаломни тан олмаслик учун важ қилиб кўрсатадилар: унда айтиладики, “Эй инсонлар! Роббингиздан сизга ҳақ (қуръон) келгандир. Энди тўғри йўлга кирган ўзи учун кирар ва озган ҳам ўз зиёнига озар. Мен сизнинг устингиздан вакил эмасман“ дейилган. Шу оят туфайли ул пайғамбаримизга вакил бўлмиш ҳуқуқи берилмаган, унга сиғиниш кофирликдир дейдилар. Лекин Моида сурасидаги 35-оятда “Эй инсонлар! Менга яқинлашмоқ учун васила ахтаринг“ дейилган. Бизнинг юртимиз уламолари ёки ҳамма ханафия мазхабидагилар пайғамбарлар ва авлиёларни шундай васила деб биладилар.<sup>7</sup>

IV. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов “Ўзбек том маънода бунёдкордир“, деган эди. Бунёдкорлик халқимизга ота-боболардан мерос бўлиб қолган. Инсоният тарихида одамлар онги ва шуурига адолат, ҳақиқат, эзгулик, меҳнатсеварлик каби юксак ғоялар уруғини сепган зотга ҳамду санолар айтиш, олқишлаш одат тусига айланган.

Шарқда, яъни Турон заминида жамият ривожига ва бунёдкорлик ғоялари хусусида Абу Носр Фаробий, Ибн Сино, Алишер Навоий қарашлари ўзига хос ўрин тутди. Фаробийнинг (873-990) “Фозил одамлар шаҳри“, “Фуқаролик сиёсати“, “Бахт-саодатга эришув ҳақида“ каби асарларида Олижаноб жамият, адолатли тузум ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини баён қилиб, ўз даври учун изчил таълимот яратдилар.

Абу Райҳон Беруний ва Абу Али ибн Синонинг бу борадаги қарашлари ҳам ўзига хосдир. Улар тажриба асосида ўрганишга, кейин ҳулоса чиқаришга интилганлар, барча бунёдкорлик инсоннинг меҳнатига боғлиқлигини таъкидлаганлар. Буюк ўзбек шоири,

<sup>7</sup> Ортиқов Т.О. Муқаддас динимиздаги эзгулик ва дин ниқоби остидаги разолат. Андижон. 2004, 17-бет.

мутафаккири ва давлат арбоби А Навоий эса ўз асарлари билан жамият тараққиётининг замонасига хос фазилатларини ёритишга ҳаракат қилди. Маърифатга асосланган жамият яратишни орзу қилган. Унинг бу орзулари “Фарҳод ва Ширин”, “Садди Искандарий” каби дostonларида ўз ифодасини топган. Шоирнинг бевосита ўзи ҳам қатор бунёдкорлик ишларига бош-қош бўлган.

Кўҳна Турон ўз бошидан кечирган буюк тарихий воқеалар ичида Амир Темурнинг бунёдкорлик ғоялари ва амалий фаолияти катта аҳамиятга эга. У гарчи фотиҳлар қаторидан урин олиб, беҳисоб жанг-жадалларни бошидан кечирган бўлсада, асосий мақсади бунёдкорлик ва яратувчилик бўлган. Жумладан, у “Темур тузуклари” да “Агар фуқаролардан бирининг уй-иморати бузилиб, тузатишга қурби етмаса, керакли ускуналар етказиб бериб, унга ёрдам берилсин”, деб кўрсатма беради. Зеро Соҳибқироннинг Мовароуннаҳр, Хуросон ва бошқа жойларда бунёд этган иншоотлари, унинг ўзи ва темурийлар сулоласи давридаги маданият, фан, адабиёт соҳасидаги ютуқлари мисол бўла олади. Бироқ инсониятнинг, жумладан, Ўзбекистоннинг бир неча юз йиллик солномасида турли босқинчиликлар оқибатида зулм, зўрлик, кулфат уруғларини сочиш ва қон тукилишига сабаб бўлган бузғунчи ғоялар ва мафкураларнинг ҳалокатли таъсири билан боғлиқ қайғули саҳифалар кўп. Бу ғоялар ўзларида сиёсий босқинчилик ва мустабитликка интилишларни хоҳ яширин, хоҳ ошкора ифодалаган ҳолда диний, миллий, синфий шиорларни байроқ қилиб майдонга чиқмоқда. Аммо бундай вайронкор ғоя тарафдорларининг умидларини ҳалқимизнинг Ватанга бўлган муҳаббати, ҳалоллиги ва аждодларнинг муқаддас ғояларини амалга оширишдаги сайъи ҳаракатлари пучга чиқармоқда. Миллий қадриятларнинг асрлар оша безавол яшаб келаётгани сабабларидан бири диний қадриятлардир. Чунки дунёдаги динларнинг барчаси эзгулик ғояларига асосланади ва яхшилик, тиянчилик, дўстлик каби хусусиятларга таянади. Одамларни ҳалоллик ва поклик, меҳр-шафқат, биродарлик ва бағрикенгликка даъват этади. Шу боисдан ҳам ҳар бир ватандошимиз, айниқса ёшлар, аввало динлар тарихини, уларнинг асл моҳиятини чуқур билиши лозим. Шундагина уларни ғаразли мақсадларни кўзлаб юрган кучлар йўлдан чалғитолмайди.

Ҳозирги замонда динлараро бағрикенглик ғояси жамият аъзоларининг эзгулик йўлидаги ҳамкорлигини назарда тутаяди ҳамда тинчилик ва барқарорликни мустаҳкамлашнинг муҳим шарти ҳисобланади. Азал-азалдан она юртимизда ислом, насронийлик, иудавийлик каби динлар ёнма-ён яшаб келган. Асрлар мобайнида йирик шаҳарларда масжид, черков ва синагогаларнинг мавжуд бўлиши,



турли миллат ва динга мансуб бўлган қавмларнинг ўз диний амалларини эркин адо этиб келаётгани бунинг тасдиғидир. Тарихимизнинг энг мураккаб, оғир даврларида ҳам улар орасида диний асосда можаролар бўлмагани халқимизнинг динлараро бағрикенглик борасида улкан тажриба тўлаганидан далолат беради.

Ўзбекистонда эркин фуқаролик жамияти, дунёвий давлат барпо этилмоқда. Қурилаётган жамиятнинг тамойиллари, ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилган ва халқимиз томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Давлат қонуний асосда барча динларга, барча эътиқод эгаларига тенг имкониятлар яратиб берди. Диний ташкилотлар билан муносабатларни уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳурмат ва ҳимоя қилиш асосида тикланаётгани эътиқод эркинлигини амалда мустаҳкамламоқда. Ватанимизда турли динлар ва дин вакиллари ўртасида умумбашарий қадриятлар асосида биродарликни мустаҳкамлашга муҳим эътибор берилмоқда. Тошкентда ўтказилган “Жаҳон динлари тинчлик йўлида” халқаро анжумани бунинг тасдиғидир.

### Таянч иборалар:

1. Фетишизм - французча “Fetico” сўзидан олинган бўлиб, турли жонсиз буюмларни илоҳий қудратга эга деб билиш.
2. Ислом - “Буюрувчининг буйруқлари ва таъқиқларига эътирозсиз бўйсунуш” маъносини англатади.
3. Мазҳаб - (араб) йўл исломдаги шариат қонунлари тизими.
4. Магия - (юнон. магус, араб, магнус) - сеҳргарлик
5. Монотеизм - (юнон. Моноягона, тео-худо) яккахудолик.
6. Политеизм - (юнон. Поли - кўп, тео - худо) кўпхудолик.
7. Мусулмон - ислом динига эътиқод қилувчи киши.
8. Будда -(Санскр. Нурланган, олий ҳақиқатга эришган) Буддавийлик асосчиси Сиддхартха Гаутамага берилган ном.

### Такрорлаш учун саволлар:

- \* Дин сўзининг луғавий маъноси нима?
- \* Марказий Осиёдаги қадимги динлар ва уларнинг шаклларини айтиб беринг?
- \* Диннинг ижтимоий функциялари нималардан иборат?
- \* Ислом ақидалари ва арконлари нималардан иборат?
- \* Ҳанафийлик мазҳабининг бошқа мазҳаблардан қандай афзаллиги бор?
- \* Бунёдкорлик, вайронкорлик ғоялари ҳақида нималар биласиз?
- \* Республикамизда дин ва диний ташкилотлар тўғрисида қандай қонунлар қабул қилинди?

## МАВЗУ: ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМ ВА ТЕРРОРИЗМ — ЖАМИЯТ БАРҚАРОРЛИГИГА ТАҲДИД.

### РЕЖА:

1. Экстремизмнинг мазмун-моҳияти ва келиб чиқиш сабаблари.
2. Терроризмнинг моҳияти, пайдо бўлиш сабаблари ва намоён бўлиш шакллари.
3. Диний экстремизм ва терроризмнинг жаҳон ҳамжамиятидаги барқарорликка таҳдиди.
4. Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашда маърифий ва мафкуравий тарбиянинг ўрни.

Диний экстремизм тушунчаси матбуотимизда ҳозирги вақтда тез-тез қўлланилмоқда. Диний экстремизмнинг асл маъноси нима? Экстремизм сўзи аслида французча-лотинчадан келиб чиққан бўлиб, кескин фикрлашнинг билдирилиши ва қаттиқ тадбирларнинг қўлланилиши ёки кескин фикр ва чораларни ёқловчи деган маъноларни англатади. Бундай кескин фикрлар аслида соғлом ёки носоғлом бўлиши мумкин. Шу сабабли жамият учун носоғлом маънодаги кескин чора ва фикрларни ёқловчиларни экстремистлар ёки жаҳолатпарастрлар ҳам дейилади. Диний экстремизм фақат ислом оламига тегишли бўлиб қолмай, балки дунёдаги барча динларга мансубдир. Айниқса, ўрта асрларда Христиан руҳонийлари муқаддас китобларда белгиланган ҳар қандай ақидаларга қарши чиқиш худонинг иродасини бузиш демақдир, деб уқтирдилар. Экстремизмни “Шаккоклар” деб атардилар ва уларни аёвсиз жазолардилар. Чунки илғор фикрли кишилар барчани ҳалол меҳнат эвазига ўз қўл кучи билан кун кечиришга даъват қилардилар. XIII асрда Папа қўшинлари Франциянинг жанубида 20 минг кишини қириб ташладилар, айниқса, илғор фикрли зиёлиларга қарши инквизиция (лотинча текширув, қидирув) жорий этилиб, мустақиллик учун курашган Ян Гус ўлдирилди. Осмон илмининг юлдузларидан бири Жордано Бруно ўтда куйдирилди.

Ислом экстремизмининг пайдо бўлишидаги асосий сабаблардан бири Европа давлатларининг Осиё, Африкани босиб олиб талаш, босқинчилик сиёсатидир. Кейинчалик бу ҳаракат дунёдаги бошқа давлатларга қаратилганлиги ҳам маълум. Ислом экстремизмининг ғоявий илдишлари сифатида қуйидаги тарихий шахсларни келтириш мумкин.

1. Тақийиддин Ибн Таймия (1263-1328) Унинг ақидаси:  
- Шариат буйича яшамаган кишига муносабат;

- Ислом асосида давлатни бошқармаган ҳокимга муносабат ва бошқалар.

Унинг ислом қонунларига тула амал қилмаётганларга (улар иймон келтиришган бўлсалар ҳам) қарши уруш олиб бориш, исломнинг асосий шартларини бажармаган ёки бошқараётган давлатга уни бузилишга имкон берган ҳокимга қарши жиҳод эълон қилиниши шарт, деб ҳисобланади.

2. Хасан ал-Банно (1906-1949). “Ислом давлати” ғоясини ишлаб чиқди.

Унинг ақидаси: бошланғич. Умумий маърифий ва хайрия фаолияти, яъни оммага ислом ғоясини сингдириш;

Ташкилий. Гуруҳларга жалб қилинган аъзоларни жанговар кураш усулларига ургатиш, мужассидлар тайёрлаш;

Куч ишлатиш “исломий тартиб ўрнатиш учун ҳал қилувчи жангга киришиш”.

Мазкур босқичлар кетма-кет, навбат билан амалга оширилиши шарт эмас, балки, бир вақтнинг ўзига ҳар учала босқич олиб борилиши мумкин.

3. Саййид қутб (1906-1965). Унинг ақидаси: ...ўзини мусулмон деб ҳисобловчиларнинг аксарияти аслида мусулмон эмас ва дунёдаги барча давлатлар исломга қаршидирлар.

Ҳозирги замон мусулмон жамиятлари жоҳилия давридаги ҳолатдадир. Шу боис уларни тарбиялашдан наф йўқ:

- Кенг халқ қўзғалони эмас, балки катта бўлмаган “ҳақиқий мусулмонлар” жамоаси бошлаб берадиган фуқаролар уруши ҳал қилади.

4. Абдуссалом Фаррож ақидаси: “... ҳозирги мусулмон жамиятлари кофирлар жамияти эмас, балки ҳамма гап мамлакат бошлиқлари ва улар тадбиқ этган қонунлардадир”;

- Маҳфий гуруҳлар ташкил этиш;

- армия ва давлат таркибларига ўз вакилларини киритиш орқали ҳокимиятни қўлга олиш;

- жамиятни исломлаштириш кабилардир.

Ислом дини экстремистлари айниқса ўз фаолиятини ХХ асрда Мисрда кенг авж олдирдилар.

Ислом экстремизми ташкилий жиҳатдан ягона партияга бирлашмаган, балки халқ оммасининг турли табақалари орасида иш кўрувчи гуруҳлардан иборат.

Энг таъсирчан экстремистик гуруҳлардан бири “Мусулмон биродарлари” (Ал-Ихвон ал Муслимин) уюшмасидир. Мазкур ташкилот 1928 йилда Шайх Хасан ал Банно ташаббуси билан Мисрнинг Исломия

шаҳрида ташкил этилган. Бу ташкилот фаолияти мафкура, қонун, ахлоқий норма ва бошқаларнинг ягона манбаи сифатида ислом тамойилларига асосланган “Адолатли ислом жамияти” ни қуришга қаратилган.

“Мусулмон биродарлар” ташкилоти хайр-эҳсон ва маърифатчилик фаолиятдан то сиёсий ҳаётда - террор методини кенг қўллашгача бўлган мураккаб тараққиёт йўлини босиб ўтди.

Бугунги кунда терроризм ер юзасида инсониятга унинг тараққиётига даҳшат солаётган сиёсий воқеликка айланиб қолди. Бу ижтимоий сиёсий офатни шунчаки қоралаш билан бартараф этиб бўлмайди. Шу боис башарият истиқболига таҳдид солаётган терроризмнинг асл туб моҳиятини ўрганиш, уни юзага келтираётган ижтимоий сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий ва маънавий омилларни таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир.

1. Террор (лотинча, terror - қўрқитиш, даҳшатга солиш маъносини англатади), терроризм кишларнинг ҳаётига чанг солиш демакдир. Терроризм кеча ёки бугун пайдо бўлиб қолган ижтимоий офат эмас. Унинг тарихи инсоният тарихи билан биргадир. Одам ва Ҳавонинг ўғиллари Қобил ва Ҳобилларнинг орасидаги кўраолмаслик, ҳасад натижасида уларнинг бирини ўз биродари томонидан ўлдирилиши ҳам дастлабки террордир. VIII аср бошларида арабларга қарши курашган Хоразм шаҳзодаси Хурзод, Самарқанд султони Мирзо Улуғбек ҳам терроризм қурбони бўлдилар. 1881 йилда Россия императори Александр II, 1884 йилда Франция Президенти Сади Карно, 1990 йилда Италия қироли Умберто I, 1901 йилда Америка Президенти Уильян Маккели, 1973 йилда Чили Президенти Сальвадор Альенде, 1978 йилда Италия бош вазири Альдо Моро, 1981 йилда Миср Араб Республикаси Президенти Анвар Саодат, 1984 йилда Ҳиндистон бош вазири Ражив Ганди ва ўзбек жадидлари А. Чўлпон, А. Фитрат, А. Қодирий кабилар терроризм қурбони бўлган эдилар. 1937-39 йилларда Ўзбекистон НКВДси томонидан 40-минг киши қамалиб, 36800 киши судланди ва олти мингдан зиёд кишининг қатл этилиши оммавий террор эди. Ҳозирда уларнинг номлари оқланди ва Тошкент шаҳрида, вилоятлар, туманларда хотира хиёбонлари ташкил этилди. XX аср охири ва XXI аср бошида Исроил, Миср, Ливан, Иордания, Фаластин давлатлари орасидаги келишмовчиликлар халқаро террористик ташкилотлар фаолияти учун қулай шароит яратди. Мисрда ўтган асрнинг 70-йилларида ташкил этилган “Ислом жиҳоти” ташкилоти, 1977 йилда тузилган “Исломий гуруҳ” каби жанговар ташкилотлар ҳозир ҳам фаолият кўрсатмоқда. “Мусулмон биродарлари” ташкилоти ҳозир ҳам фаолият кўрсатмоқда, унинг

жойларда турли номларда янги ташкилотларга айланганлиги жаҳон жамоатчилигига маълум.

Кейинги йилларда терроризмнинг мафкуралашуви кузатилмоқда. Яъни иқтисодий ва бошқа мазмундаги терроризм фан техника ютуқлари, генетика, биология, химия каби соҳалар ютуқларидан ҳам фойдаланмоқдалар. Захар, ханжар, револьвер, ясама бомбалар, портловчи моддаларнинг янги турларини ўйлаб топмоқдалар. 2000 йилнинг августида Сурхондарёнинг Сарийосиё, Узун туманларида қўлга олинган “Ўзбекистон ислом ҳаракати” ташкилоти жангарилари ҳам ана шундай қуроолларга эга эдилар.

Ҳозирда ген “муҳандислари” фан учун “сунъий одам” яратиш устидаги тадқиқотлари билан шов-шувга сабаб бўлмоқда. Бу ишнинг террорчилар қўлига тушиб қолишидан эҳтиёт бўлиш зарур. Англия ва Германия давлатлари бундай тадқиқотларни тақиқловчи қонунга эгалар. Одамларни клонлаштириш иши лабораториядан чиқиб кетса, ёки инсонга хавф солувчи касаллик вируси тажриба хонасидан чиқиб кетса, бутун инсоният ҳаёти хавф остида қолиши мумкин. Террорчилар учун эса бунинг аҳамияти йўқ. Улар ўз ғайри-инсоний мақсадларини амалга ошириш учун ана шу фан ютуқларидан фойдаланишлари эҳтимолли бор.

Шахсга руҳий таъсир кўрсатишнинг “илмий” усулларидан бири зомбилаштириш (манқуртлаштириш) дастуридир. Руҳий зомбилаш кучли (қаттиқ) ва кучсиз (юмшоқ) бўлиши мумкин. Биринчи ҳолатда инсон очиқ тажовузкор манқуртга айланади: буюрилган ҳар қандай жиноятни сўзсиз бажаради. Иккинчи ҳолатда у оддий одамдан фарқ қилмайди. Лекин дастурлангани боис юклатилган вазифани бажаради. Зомбилаштиришда инсонни аввалги яшаган муҳитидан руҳий усул билан “суғуриб” олинади, сўнгра тиббий препаратлар ва гипноз ёрдамида уни ўзлари хоҳлаган дастур билан кодлаштирадilar. Унинг онгидаги аввалги ахборотлар ўчириб ташланиб, унинг ўрнига муайян ғоя ва мафкура сингдирилади. Ана шу йўл билан “Камикадзе” (ўлишга маҳкум этилган одам) ҳосил қилинади. 2001 йил 11 сентябрда тўртта “Боинг” самолётини эгаллаб олган комикадзелар жаҳон савдо уйи (манхеттен микрарайони) ва пентагонни вайрон қилдилар. Ана шундай руҳий таъсир кўрсатиш лабораториялари “Ал-қоида” гуруҳларида фаолият кўрсатиб турибди.

Ўтган асрнинг охириги йилларида “Кибернетик терроризм” атамаси пайдо бўлди. Кейинги компьютерлар тармоғига хужум қилувчи “Киберпартизан”ларнинг фаолияти сабабли корхоналар, вазирликлар ва ҳатто давлатлар катта иқтисодий зарар кўрмоқда. Халқаро ахборот тизими бўлган интернетга уланганда АҚШ мудофаа вазирлиги

компьютерларига хорижий “Киберпартизанлар” 250 минг марта бузиб киришган. АҚШ бундан йилига 100 млрд доллар атрофида зарар кўрмоқда. Федератив Германиянинг жиноят ишлари федерал бюроси маълумотларига кўра, охириги уч йил ичида экстремистик материаллар сони 10 марта ортган.

Бугунги кунда матбуотда ядровий терроризм тушунчаси ҳам пайдо бўлди. Бунда гап жиноятчилар томонидан радиактив моддалардан фойдаланиб ихчам ядровий қурол ясаб олиш ҳақида кетади. Ядровий моддалар ўғирланиши кузатилмоқда. 2002 йилда Россия АЭСлари ҳудудидан 17 марта уран тузлари ўғирланган Москва-Мюнхен йўналишидан учувчи самолёт Германияга етиб борганда ундан яширин Контейнер топилган. Унда 363 грамм Плутонийнинг 239-инчи изотопи яширилган экан. Улар ушбу ноқонуний товарни катта миқдордаги АҚШ доллорига пулламоқчи эканлар. Террорчиларнинг ҳар бир гуруҳи улар олаётган мўмай маблағ ва валюталар учун ўз “Хўжайинлари” олдида ҳисоб берадилар.

III. Ҳар қандай экстремистик ва террористик фаолиятнинг моҳияти ўзгалар устидан ҳукмронликка ёки мавжуд сиёсий-мафкуравий, ижтимоий-иқтисодий тартиботга қарши зўравонлик, дахшат солиш, жисмоний куч ишлатиш орқали ўзларининг ғаразли мақсадларига эришишдан иборатдир. Шунинг учун ҳам экстремизм ва терроризм бутун жаҳон афкор оммаси, прогрессив кучлари томонидан қораланмоқда. XXI аср бошида инсоният тақдирига, унинг тараққиётига, равнақиға таҳдид солаётган халқаро терроризмга қарши қандай кураш олиб бормоқ лозим?

Муҳтарам Президентимиз Ислон Абдуғаниевич Каримов таърифи билан айтганда: “Ғояга қарши фақат ғоя, фикрга қарши фақат фикр, жаҳолатга қарши фақат маърифат билан баҳсга киришиш, олишиш мумкин”.<sup>8</sup> Терроризм том маънода жаҳолатдир. Бузғунчи ғояларга асосланган халқаро терроризм ва унинг ҳар қандай кўриниши кишилиқ жамиятининг ўтмишида ҳам, бугунида ҳам бут-бутун халқлар бошига оғир кулфатлар ёғдирмоқда. Ҳар йили унинг тажовизидан 100 мингдан ортиқ бегуноҳ кишилар қурбон бўлмоқда, жамият ривожланиши, айрим давлатлар, минтақалар ва инсоният цивилизациясининг тараққиётига жиддий таҳдид солмоқда ва мудхиш оқибатлар келтириб чиқармоқда. Дунё бўйича қурол савдосининг ўсиши ва тарқалиши ҳам экстремизм ва терроризмнинг жаҳон миқёсида кенг кўламда авж олишига сабаб бўлмоқда. Халқаро стратегик тадқиқотлар

<sup>8</sup>Каримов И. А. Жамиятимиз мафкураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин. “Тафаккур”, 1998, 2-сон, 6-бет.

институтининг Лондонда тақдим этилган маърузаларга кура, жаҳон миқёсида йилига ўртача 50 миллиард доллордан зиёд миқдорда қурол-аслаҳа сотилар экан. Бунда албатта АҚШ етакчидир. Экспортининг деярли 50 % и шу мамлакат ҳиссасига тўғри келар экан. Бу соҳада иккинчи ўринни Буюк Британия, учинчи ўринни Франция, тўртинчи ўринни Россия эгаллаб турибди.

Дунё миқёсида халқаро терроризм авж олишининг яна бир сабаби, уни қўзғатувчи омиллардан бири наркобизнесдир. Халқаро экспертлар маълумотига кўра, Афғонистонда етиштирилиб сотилаётган наркотик моддалардан келаётган 8 миллиард АҚШ доллари миқдоридеги йирик даромаднинг нақд бир миллиарди дунёда биринчи рақамли халқаро террорист - Усама бин Лоденнинг ҳисобига келиб тушар экан. Наркобизнес ҳам халқаро терроризм билан эгизакдир, ундан манфаатдордир ва уни юзага келтирувчи омиллардан биридир. Терроризмнинг амал қилган тамойили аҳоли ўртасида вақти-вақти билан “қўрқинч инстинктини” юзага келтириш ва шу асосда ўзининг ғаразли мақсадларига эришишдир. Қайд этилган фикр ва мулоҳазалардан келиб чиққан қуйидаги таклиф ва мулоҳазаларни баён қилиш лозимдир:

1. Терроризмнинг ҳар қандай кўриниши, у ўзи олдиға қандай мақсадни қўйган бўлмасин ва қандай ижтимоий-сиёсий муаммолар билан боғлиқ бўлмасин, ўзининг туб моҳияти билан бузғунчилик ғоясига асосланади. Унинг оқибатида бегуноҳ одамлар қурбон бўлишади, халқнинг меҳнати билан яратилган моддий ва маънавий бойликларининг вайрон қилинади.

2. Халқаро терроризмнинг ҳар қандай кўриниши инсоният тақдирига, унинг тараққиёти ва истиқбоиға жиддий хавф солаётган таҳдиддир. Унга қарши курашда ҳеч бир инсон четда қолмаслиги лозим.

3. Халқаро терроризмға қарши кураш, дунё миқёсида тобора авж олаётган қурол-яроғ савдосиға наркобизнесға қарши кураш ялпи вайрон этувчи қуролларни бутунлай йўқ қилиш орқали ҳам амалға оширилиши лозим. Ўт очиш қуроллари савдосини ҳамда оммавий ва бактериологик қуролларни ишлаб чиқараётган мамлакатларнинг сиёсий доиралари шуни яхши англамоқлари зарурки, ўзлари яратаётган бундай қуроллардан биринчи навбатда ўзлари зарар қўришлари мумкин.

4. Муҳтарам Президентимиз Ислон Каримов таъкидлаганидек, терроризмға қарши курашнинг яна бир муҳим йўли: “Халқимизнинг табиатиға мутлақо ёт бўлган сиёсий, диний экстремизм, ақидапарастлик ва бошқа ёвуз оқимларнинг минтақамизға кириб келиши ва тарқалиши

тинчлик ва осойишталикка, фарзандларимизнинг келажагига катта хавф туғдиришни одамлар онгига чуқур сингдириб бориш керак“.<sup>9</sup>

5. Терроризмга қарши кураш йўлларида яна бири Президентимиз кўрсатиб берганидек “Одамларимиз авваламбор, ёшларимизнинг иймон-этиқодини мустақкамлаш, иродасини бақувват қилиш, уларни ўзининг мустақил фикрига эга бўлган баркамол инсонлар этиб тарбиялаш. Уларнинг тафаккурида ўзлигини унутмаслик, ота-боболарнинг муқаддас қадриятларини асраб-авайлаш ва ҳурмат қилиш фазилатини қарор топтириш. Уларнинг мен ўзбек фарзандиман, деб гурур ва ифтихор билан яшашига эришишдир“.<sup>10</sup>

6. Террорчилик ҳаракатлари оқибатида айнан олинган у ёки бу давлатга етказилган маънавий ва моддий талофотлар саногининг адоғига етиб бўлмайди. Моддий талофотларку майли, вақти-соати келиб, уларнинг ўрни қопланар, вайрон этилган иморатлар жойида, эҳтимол, улардан-да гузалроқ ва махобатлироқ бинолар қад кўтарар. Бироқ етказилган маънавий зиённинг акс садоси асрлар оша ўчмаслиги муқаррар, бу заҳматнинг излари Халқлар хотирасида абадул-абад муҳрланиб қолиши аниқ. Экстремизм ва террорчилик деган иллат таг-томири билан суғуриб ташланмас экан, бундай аччиқ қисмат ҳар бир инсон ёки халқнинг бошига тушиши мумкинлигини бутун жаҳон аҳли теран англамоқда. Тарихнинг гувоҳлик беришича, кўпчилик томонидан бир тан бўлиб амалга оширилган тadbир, шубҳасиз ҳақ ишдир ва табиийки, ҳар қандай қийинчиликлару тўсиқларни енгиб ўтиб, пировард натижада, албатта, зафар билан якунланади.

IV. Шуни ишонч билан айтишимиз мумкинки, миллий аънаналаримизга мутлақо ёт бўлган экстремистик ва террористик ғояларнинг жамиятимизга кириб келишини бартараф этувчи қудратли воситалардан бири бу инсонпарварлик, тинчликсеварлик, маърифатпарварлик, бунёдкорлик ва шунингдек, миллий ва диний қадриятлардир.

Ислом динига эътиқод қилувчи Ўрта Осиё халқлари асрлар оша бошқа дин вакиллари билан аҳил яшаб, оламшумул кашфиётлар қилиш ва умумжаҳон тамаддунига беназар ҳисса қўшиш бахтига муяссар бўлдилар. Бошқача айтганда, динлараро бағрикенглик, уйғунлик бунёдкорликнинг қудратли манбаи эканлигини амалда исботлаб келдилар.

<sup>9</sup> Каримов. И.А. “Ўзод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз”. Т. 2000 йил. 29-бет.

Каримов И. А. Донишманд халқимизнинг мустақкам иродасига ишонаман. “Фидокор” газетаси. 2000 йил. 8 июн сони.



11 сентябрь куни АҚШ да содир этилган фожиали террористик ҳаракатлардан кейин диний экстремизм, террорчилик деганда кўпчиликнинг кўз ўнгида ислом динини ниқоб қилиб олган радикал диний гуруҳлар гавдаланмоқда. Муқаддас динимизнинг эзгуликка йўғрилган даъватлари билан нотаниш кишиларда ислом фанатизмга мойил дин, деган нотўғри тасаввур пайдо бўлаётган бўлса, айримлар эса, ушбу вазиятдан фойдаланиб, ислом динига эътиқод қилувчиларга таъна тошларини отмоқдалар. Бу билан турли динларга эътиқод қилувчилар ўртасида адоват уруғларини сочиб, низолар чиқаришга ва шу тариқа ўзларининг нопок мақсадларига эришишга интилмоқдалар. Ҳолбуки, ҳаётнинг ўзи кўрсатганидек, зўравонлик билан сиёсий ҳокимиятга эришишни мақсад қилиб қўйган экстремист ва террорчиларнинг на дини, на миллати ва на ирқи бор.

Ўз вақтида христиан динини ниқоб қилиб олиб, ашаддийликнинг энг олий чўққисига чиққан иеузит сулукига мансуб католикларнинг қилмишларини француз материалисти Д. Дидро қуйидагича таърифлаган эди: “Иеузитлар мавжуд бўлган икки аср мобайнида улар томонидан амалга оширилмаган биронта ҳам жиноят колмади”. Иеузит сулукининг генерали Тамбурини (1706-1730) эса Франция маршали герцог де Бриссак ҳузурида ўзининг чексиз ҳокимият соҳиби эканлигини кўрсатиш учун мақтаниб, шундай деган экан: “Ушбу хонада туриб мен нафақат Париж, балки Хитойни, нафақат Хитойни, балки жумлаи жаҳонни бошқараман. Буни қандай амалга оширишимни бирор кимса ҳам билмайди”. Юқоридагилардан шу нарса аён бўладики, террорчилар - сиёсий ҳокимиятга қонуний йўллар билан эриша олмагач, бири хонадан, бошқаси эса панадан туриб дунёни бошқаришни орзу қилган ва бир лаҳза бўлсада ушбу жирканч орзуни рўёбга чиқариш учун ҳеч қандай қабоҳатдан тоймайдиган нобакорлардир. Мозийни қайта тиклашга қаратилган иддаолар, бу кечагина пайдо бўлган янгилик эмас. Агар тарихимизни синчиклаб ўрганадиган бўлсак, гарчи шаклан бошқачароқ кўринишда бўлсада, лекин мазмунан айнан шундай иддаолар олдин ҳам бўлганлигининг гувоҳи бўламиз. Яна шунга амин бўламизки, соғлом идрок, ҳақиқат бундай сохта иддаолар устидан ҳамиша ғалаба қозониб келган. Улуғ бобокалонимиз Абу Мансур Мотурудийнинг илмий меъроси бунга яққол мисол бўла олади. Унинг “Китоб ат-тавҳид” номли асарида айрим кишиларнинг сохта ва бидъат таълимотларга эришиши сабаблари ҳамда соғлом диний қарашларга эга бўлиш учун билимнинг қандай йўлларидан бориш лозим, деган саволларга жавоб берилади. Мотурудийнинг қатъий фикрича, маълум диний йўналишларнинг ҳақиқий ёки сохталигини кўрсатувчи ишончли далиллар, шубҳасиз,

мавжуд. Гап уларни аниқлаш ва очиб беришдадир.

Кўр-кўрона тақлиддан халос була олган инсонгина диний эътиқодни белгиловчи мезонларни топа билишга қодир. Мотурудийнинг таъкидлашича, ҳақни ноҳақдан ажратиш учун инсон ихтиёрида учта усул бор:

1. Жаъми жонзотларга хос бўлган умумий сезги аъзолари.

2. Фақат инсонга хос ақл орқали амалга ошириладиган назарий мулоҳазалар.

3. Ишончли нақл - ахборотлар.

Ушбу усуллар кундалик муаммоларни ҳал этишда доимо қўл келади.

Мотурудийнинг янги оқимларга муносабати унинг илоҳиёт масалаларида қай даражада эҳтиёткорлик ва ишнинг кўзини билган ҳолда ҳаракат қилганини кўрсатади. Узоқ даврлар Мовороуннаҳрда одат бўлган ва кенг тарқалган мунозаралар ҳамда муҳолифликнинг бошқа усуллари алломани каноатлантирмаган. Мотурудий янги даврга мос ва ўзига хос йўл излаган. Бу йўл эса уни исломий оқимлар ва фирқалар билан бир қаторда, собийлар, монийлар, маргинонийлар ва бошқа фирқалар олға сурган иддаоларнинг асоссиз эканлигини фош этишга имкон берган. Шунингдек, Мотурудий фақатгина исломни ҳимоя қилиш билан чекланмаган, балки, айна пайтда, ислом ичидаги ботил оқим ва фирқаларнинг ҳақиқий моҳиятини ҳам очиб берган. Айниқса, харурийлар, рофизийлар, қадарийлар, жабарийлар, жаҳмийлар, муржибийлар, хорижийлар, муътазилийлар, карромийлар, ва исломийлар каби исломий оқимларнинг у ёки бу масалага ёндашувидаги заифлигини ишончли далиллар билан исботлаб берган.

Мотурудийнинг қатъий фикрига кўра, ҳар бир “инсон имтиҳон учун яратилган. Унинг шахсий интилишлари уни туғри йўлдан ўздиреди, аммо унга синовлардан ўтиш учун барча воситалар (сезги аъзолари, ақл, нақллар) берилган”. Агар шу нуқтаи назардан келиб чиқиб тариф бериладиган бўлса, террорчилар - ўзларининг шахсий интилишларини жамоа интилишлари билан уйғунлаштиришни истамаган, янада аниқроқ айтилганда, ўзларининг ғаразли мақсадларини халқаро ҳамжамиятдан юқори кўювчи, ҳаёт синовларига дош беролмай, инсонийлик қиёфасини йўқотган иродаси зайф жоҳиллардир. “Китоб ат-Тавҳид” да таъкидланган “дин буюкларга эътиқод қилиб, тақлид қилишга эмас”, “Ҳеч ким гуноҳ содир қилгани туфайли кофир деб эълон қилинмайди. Биз жами “қибла кишилари” - қалбини эса Оллоҳга ҳавола этамиз”, “бидъатчилар билан шунчаки юзаки дўстона муносабатда бўлишнинг ўзиёқ хатодир”, “Суннатнинг туғрилигини аниқлаш учун, бир-бирига зид нақлларга таяниш мумкин эмас, балки мустақил фикрлаш керак”,

72 гуруҳ мавжуд, фақат 73 гуруҳгина нажот топдики, бу жамоадир“ каби ғоялар гўёки бундан минг йил илгари эмас, балки кечагина айтилгандек долзарбдир.

Миллий - диний қадриятларимиз халқимизни, айниқса ёш авлодни Ватанга муҳаббат, аждодларга садоқат, зуравонликка нафрат руҳида тарбияловчи, уларни эзгулик ва бунёдкорликка даъват этувчи битмас-туганмас куч-қудрат манбаидир. Улар на фақат мафкуравий бўшлиқнинг юзага келишига, балки минг йиллардан бери ҳалол меҳнати ва оламшумул кашфиётлари ила жаҳон тамаддунига салмоқли ҳисса қушиб келаётган халқимизнинг менталитетига тамомила зид бўлган террорчилик ғояларининг кириб келишига қарши қаратилган мустаҳкам қалқондир. Миллий ва диний қадриятларнинг тарғиботи, шубҳасиз, оммо онгида ҳар қандай ғоянинг сарасини сараг, пучини пучга чиқарувчи, айниқса, экстремизм ва терроризм ғояларига қарши мустаҳкам иммунитетнинг шаклланишига хизмат қилади. Бу борада берпарволик ва лоқайдликка йўл қўйган жамият, шубҳасиз, ҳалокатга маҳкумдир. Зотан, “Маънавиятни мустаҳкамлаш учун меҳнат ва маблағни аяш ўз келажагига болта уриш демакдир“, деган ибратли умрбоқий ҳикмат заминида ҳам ҳар қандай ёвузликнинг, шу жумладан, террорчиликнинг олдини олишга қаратилган огоҳлик ва унга қарши курашга ҳамиша тайёр туриш лозимлиги ҳақидаги эзгу даъват ётибди.

### **Таянч иборалар:**

1. Экстремизм - ўз мақсади йўлида ҳар қандай кескин тадбир чоралар кўришга тарафдорлик.
2. Мутаассиблик - ўз ғоясини тўғри деб, бошқача фикр эгаларини тан олмаслик ва уларни бузғунчиликда айблаш.
3. Террор - (лотинча terror) кўрқитиш, даҳшат солиш.

### **Такрорлиш учун саволлари:**

- \* Ислом экстремизмининг ғоявий илдизлари нимадан иборат эди?
- \* Терроризмнинг мафкуралашуви деганда нимани тушунасиз?
- \* Ҳар қандай терроризмнинг моҳияти нимадан иборат?
- \* “Наркобизнес“ кимларга хизмат қилмоқда?
- \* Буюк мутафаккир Абу Мансур Мотурудий таълимоти ҳақида нималар биласиз?

## IV-дарс

# **МАВЗУ: МУСУЛМОН ДУНЁСИНИНГ ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМ ВА ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ КУРАШИ.**

### **РЕЖА:**

1. Аҳолисининг кўпчилигини мусулмонлар ташкил этадиган мамлакатлар: географик ва этномаданий тавсифлар, ислом омили..

2. Диний экстремизм ва терроризмнинг олдини олиш мусулмон мамлакатлари учун энг долзарб вазифалардан бири сифатида.

3. Мусулмон дунёси мамлакатлари томонидан диний экстремизм ва терроризмнинг олдини олиш ва унга қарши кураш борасида олиб борилаётган ҳаракатлар.

1. Ҳозирги дунёда ислом динига 172 та мамлакатда яшовчи 1,3 миллиард киши эътиқод қилади. Дунёдаги барча мусулмонларнинг учдан икки қисмидан кўпроғи Осиё қитъасида, қарийб 30% и Африкада истиқомат қилади. Мусулмон жамоалари мавжуд бўлган 120 дан ортиқ мамлакатларнинг 40дан зиёдида мусулмонлар мазкур мамлакат аҳолисининг кўпчилигини ташкил қилади. Масалан, Индонезияда - 210 миллион, Покистонда - 150 миллион, Бангладешда - 110 миллион, Нигерияда - 80 миллион, Эрон ва Туркияда - 65 миллиондан, Мисрда - 60 миллион, Мароккаш ва Жазоирда - 30 миллиондан, Саудия Арабистонида - 17 миллион, Ҳиндистонда - 140 миллиондан ортиқ мусулмонлар истиқомат қилади.

Шунингдек, Кавказ (Озарбайжон) ҳамда Россиянинг Татаристон, Бошқирдистон, Шимолий Кавказ (Чеченистон, Ингушетия, Кабардин-Балқар) каби бир қатор минтақалари, Марказий Осиё давлатлари аҳолисининг кўпчилигини мусулмонлар ташкил қилади.

Арабистон ярим ороли, Шимолий Африка ва Осиёда жойлашган ва мусулмонлар аҳолисининг кўпчилигини ташкил этадиган давлатлар, минтақалар ҳаётида ислом дини муҳим мавқени эгаллаб келмоқда. Бу эса ўз навбатида, мураккаб тарихий вазиятларда ислом омилининг ижтимоий-сиёсий саҳифадаги фаоллашувига замин яратиб келмоқда. Буни қуйидаги мисолларда кўришимиз мумкин:

Саудия Арабистонни. 1960 йилларда нефть қазиб олиш ва экспорт қилиш бўйича дунёдаги бой мамлакатлар қаторига чиқиб олди. Мамлакатда таълим соҳасининг ўсиб бориши, саноатнинг замонавий технологиялар билан таъминланиши, хўжалик ва маъмурий иш юритишнинг янги шакллارининг вужудга келиши, саудияликларнинг гарб мамлакатларига бориб таҳсил олишлари, шунингдек, ажнабий мутахассисларнинг мамлакатга келиб ишлашлари, радио, телевидение

ва компьютерлардан фойдаланиш Саудия Арабистонида диний уламоларнинг таъсирини бирмунча камайтирди.

Эронда ҳам XX асрнинг сунгги чорагигача бундай таъсир бирмунча сусайган бўлса-да, асло йўққа чиқмади. Шиалик руҳонийлар 1978-79 йиллардаги инқилобда давлатда асосий раҳбар кучга айланди. 1979 йилнинг мартада ўтказилган умумхалқ референдуми эса Эроннинг Ислом республикасига айланишига олиб келди. Шу тариқа кўпчилик шиа руҳонийларининг диний ва дунёвий ҳокимиятнинг ажралмас экани ҳақидаги ғоялари амалда ўз ифодасини топди.

Маълумки, XX асрда инсоният ҳаётида содир бўлган кескин ижтимоий ўзгаришлар, фан-техника тараққиёти дин, унинг жамият ва кишилар ҳаётидаги ўрни масаласида ҳам ўз ифодасини топди. Натижада руҳонийлар орасида ғоявий жиҳатдан ажралиш содир бўлди:

- 1). Анъаначилар,
- 2). Фундаменталистлар,
- 3). Модернистлар

Бу учала йўналишга ҳам давлатни бошқаришда асосий масъулият руҳонийларнинг елкасида бўлиши лозим деган қараш хосдир. Бироқ, замонавий илоҳиётчилар орасида диний ва сиёсий ҳокимият руҳонийларнинг қўлида жамланиши шарт эмас, бунда энг асосийси, бири иккинчисига тазйиқ ўтказмаслиги учун диний институтлар ва ҳукумат орасида ҳокимиятни қатъий тарзда тақсимлаб бериш лозим, деган қарашларни ҳам учратиш мумкин.

Мусулмон мамлакатлари ҳаётида исломнинг ўрни ҳақида фикр юритар эканмиз, ҳозирги вақтда унинг давр ўзгаришларига мослашув жараёни давом этаётганини таъкидлаш зарур. Масалан, ислом судхўрликни (фоиз олишни) тақиқлайди. Лекин ҳозирги замон иқтисодиёти сармоя бозорисиз фаолият кўрсата олмайди. Чунки уни фойда олиш тизими бошқаради. Бундай вазиятда диний талабни айланиб ўтишга хизмат қиладиган ва айни пайтда, фоиз вазифасини бажарадиган банк хизмати учун бадал (взнос) йиғиш тартиби ўйлаб топилди.

Тарихий тажриба иқтисодиётда мувозанатнинг бузилиши, ижтимоий соҳада эса кучли табақаланишнинг юзага келиши, аҳолининг қашшоқлашуви каби омиллар диний экстремистик ҳаракатлар ўз фаолиятнинг дастлабки даврида ижтимоий масалаларга алоҳида эътибор бериш орқали ўз тарафдорларини кўпайтиришга интилади. Кейинроқ, мустаҳкам оёққа туриб олгач, уларнинг асосий мақсад-муддаолари ўзини намоён қила бошлайди. Масалан, Мисрда ташкил топган “Мусулмон биродарлари” ҳам илк даврда камбағалларга

ёрдам бериш, бепул мактаб очиш ва тиббий ёрдам курсатиш ишлари билан шуғулланган ва бундай тадбирлар ташкилот аъзоларининг кўпайишига ҳамда унинг омма орасида обрўсининг ошишига олиб келган эди.

Бугунги кунда эса кенг ижтимоий таянчга ва ўз гоёларини ташвиқот қилиш учун катта нашр имкониятларига эга бўлган диний экстремистик ҳаракатлар Саудия Арабистони учун ҳам жиддий ташвишга айланганини унутмаслигимиз керак.

Минтақада содир бўлган воқеалар мисолида шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, диннинг сиёсий омилга айланиши, диний экстремистик ҳаракатлар салбий оқибатларининг ёрқин мисолини бериш билан бир қаторда улар билан мурося қилишга интилиш нималарга олиб келиши мумкинлигининг ҳам яққол намунасини беради. Масалан, Миср Президенти Анвар Садат коммунистик гоёлар ва даҳрийликка қарши курашда фойдаланиш учун 1971 йилнинг ёзида “Мусулмон биродарлари” билан алоқа ўрнатди ва ушбу ташкилотнинг асосчиси Хасан ал-Банно билан фахрланишини эълон қилди. Берилган имкониятлар экстремистлар томонидан янгидан-янги талабларнинг қўйилишига замин яратди. Бу ўз навбатида диний ташкилотлар фаолиятининг давлат томонидан янгидан қатъий назорат остига олинишига, диний маърузалар устидан цензура ўрнатилишига олиб келди. Оқибатда Анвар Садат ўз рақибларига қарши курашда фойдаланишга интилган исломий гуруҳлар томонидан ўлимга маҳкум этилди.

Ислом омили минтақа мамлакатларининг ташқи сиёсатида ҳам муҳим ўринни эгаллайди. Масалан, Фаластин муаммосини ҳал қилишда давлатлар ислом омили билан ҳисоблашишга мажбур бўлмоқдалар.

Афғонистонда шўро қўшинларига қарши олиб борилган ҳаракатнинг ушбу минтақа мамлакатлари томонидан мужоҳидларнинг ислом учун “атеизм” ва “коммунизм”га қарши олиб борган кураци деб қаралгани ва фаол қўллаб-қувватланганини ҳам ислом омилининг ушбу мамлакатлар ташқи сиёсатида таъсирини кўрсатувчи мисол сифатида кўришимиз мумкин.

Ислом омилининг ўрни ва унга хос хусусиятларни ушбу мамлакатларда турли мазҳабларга эътиқод қилувчи мусулмонларнинг мавқеи масаласида таъкидлаб ўтиш жоиздир. Буни Ироқ ва Саудия Арабистонида шиа мусулмонларига бўлган муносабат мисолида кўриш мумкин. Яқингача Ироқда шиалар турли даражадаги босим остида яшаб келган бўлсалар, саудияликларнинг шиаларни кам маъош тўланадиган ишларда ишлатишлари, ҳаттоки, шариат судларида шиалар томонидан бериладиган маълумотлар эътиборга олинмаслиги

бундай муносабатни якқол намоёиш этади.

Шу билан бирга, ислом омили амалдаги сиёсий партиялар мафкуравий дастурларида ҳам муҳим урин эгаллаганини қайд этиш лозим.

II. Инсоният жамияти табиатдан ажралиб чиққандан буён сон-саноксиз террорларни бошидан кечирган: Зеро, терроризм бугунги кунда нисоният равнақига энг катта хавф солаётган таҳдид бўлиб қолмоқда. Халқаро миқёсида фаолият кўрсатаётган терроризмга қарши дунё прогрессив кучлари бирлашиб кураш олиб бормаса, бу офат Ер юзида инсоният бошига кўз кўриб, қулоқ эшитмаган кулфатларни келтириши мумкин.

Терроризм тушунчаси фалсафий, ижтимоий ва сиёсий мазмунга эга бўлиб, биринчиси-энг умумий, иккинчиси-кенгроқ маънода учинчиси эса нисбатан торроқ маънога эга.

Фалсафий маънода террор-табиат, жамият ва инсон ҳаётида амал қилувчи зўравонлик, бузғунчиликка асосланган фаолиятни англатади. Экстремизм ва терроризм инсоният тарихида содир бўлган қонли урушлар, халқ исёнлари, ҳарбий фитналар, ғалаёнлар кўринишида ҳам амал қилиб келган. Миллий айирмачилик, этник, диний экстремистик, сиёсий, иқтисодий терроризм, ахборот терроризми каби шаклларда намоён бўлмоқда.

Миллий айирмачилик, этник характердаги терроризм нисбатан оз сонли этник гуруҳларнинг ўз манфаатларини ҳимоя қилиш, ўзга миллат ҳукмронлигига қарши кураш усули, воситаси сифатида қўлланилмоқда.

Этник характердаги терроризм диний экстремистик мазмундаги бузғунчилик ғоялари билан қоришиб кетган. Кичик Осиёда Исроил ва Фаластин давлатлари ўртасидаги, Ҳиндистонда, Покистонда, Туркияда, Россияда, Буюк Британияда, Болқонда, Африка ва Лотин Америкасининг бир қатор мамлакатларида содир қилинаётган террористик хуружлар шулар жумласидандир.

Халқаро терроризмнинг яна бир кўриниши диний экстремистик мазмундаги бузғунчи ғоялар асосида содир бўлмоқда. Айниқса, ислом мамлакатларида ислом дини байроғи остида уюшган ваҳҳобийлик, “Ҳизбут-таҳрир”, “Ҳизбуллоҳ”, “Мусулмон биродарлари”, “Ислом озодлик партияси”, “Ат-такфир вал Хижра”, “Жунуд Аллоҳ”, “Жиход”, “Туркистон ислом ҳаракати” каби диний экстремистик руҳдаги оқим ва террористик ташкилотлар дунёнинг кўплаб мамлакатларида қўпурувчилик хуружларини амалга оширмоқдалар.

Сиёсий характердаги терроризм эса бевосита, тўғридан-тўғри сиёсий ҳоқиямийатни эгаллашга қаратилган бўлади. Ушбу мулоҳазалар яқин Шарқ ва собиқ Усманийлар империяси ўрнида вужудга келган

бошқа мамлакатлар бугунги кунда нима учун нотинч улкаларга айланиб қолганини тушунтиришга ёрдам беради.

Араб дунёси ҳозирги кишиларнинг хотирасидан олдинги даврда 1517 йилдан 1917 йилгача бирорта ҳам каттароқ фуқаролар урушини бошидан кечирмаган ва бу ҳолат албатта, шарқликларга хос вазминлик тимсоли эди. Бугунги кунга келиб эса у сайёрамизнинг энг беқарор минтақаларидан бирига айланиб қолди. Мусулмон дунёсининг ҳозирги аҳволи ва кейинги ўн йилликлар давомида вужудга келган, анъанавий тарзда тафаккур қиладиган мусулмонлар учун характерли бўлиб туюладиган диний экстремизм ва терроризмнинг турли шакллари, биз асосий фактни -1948 йили Исроил давлатини ташкил этиш учун фаластинликларнинг ери тортиб олиниб, ўз ватанидан қувғин қилинганини эсда тутмагунимизча тушунарсиз бўлиб қолаверади. Мусулмон дунёсида “ан-Накба”, фалокат деб аталадиган ушбу воқеа ғарбнинг минтақага оид тушунчаларини тезда ўзгартириб юборди. Араблар худди немисларнинг жинойтлари учун тавон тўлаётгандай эди. Агар яҳудийларга Германиянинг бир қисми, Масалан, Бавария берилганида мусулмонлар бу иш адолатдан бўлди, дейишлари мумкин эди. Аммо фаластинликларга нисбатан этник тозалаш ўтказиш беъмани ва хато иш эди. Араб дунёси кутилмаганда янги ва душман давлат ўзини иккига бўлиб ташланганини кўриб қолди. Қўшни мамлакатлардаги демографик вазият юзлаб, минглаб фаластинлик қочқинлар келиши билан ёмонлашиб кета бошлади. Масалан, Ливан аҳолиси бир ой ичида 20%, Иордания аҳолиси эса 30-35 % кўпайди. Исроилнинг кучи олдида ожиз қолган араб режимлари обрўси тутдай тўкилиб кетди.

Экстремизм ва терроризмнинг офати 18-асрнинг охирларида Марказий Арабистон чулларида вужудга келган Ваҳҳобийлик оқимида айниқса аянчли намоён бўлди. Ислоннинг дастлабки асрида Тамим маҳаллий қабиласи экстремист хорижийлар сектаси учун кўплаб ёшларни ўз тарафига оғдириб олди. Улар ўз сектасига мансуб бўлмаган кишиларни кофир деб билар ва уларни зудлик билан ўлдириш керак деб ҳисоблар эди. Гуноҳга йўл қўйган ҳар бир мусулмон кофир деб эълон қилинар ва ўлимга ҳукм этилар эди. Яқин Шарқдаги хорижийлик ҳаракати хижрий III асрга келиб инқирозга юз тутди. Аммо ваҳҳобийлар мана шу тамойилни қайта тирилтирди. Унинг асосчиси Муҳаммад ибн ал-Ваҳҳоб, мусулмон дунёси мажусийликка юз тутди, деб ҳисоблаб, тез орада янги давлат барпо этди. Улар Марказий Арабистон бўйлаб юришлар қилиб, муқаддас шаҳарлар бўлиши Макка ва Мадинани ҳам забт этди. Бундан бутун мусулмон дунёси даҳшатга тушди. Улар ўзларининг Кромвелча



ваколатига мос равишда ваҳийга мос келмаган ҳар бир бинони бузиб ташладилар. Гумбаз миноралар кўзига балодай кўрингани учун ер билан яксон қилинар эди. Авлиёлар ва Расулulloҳ оила аъзоларининг мақбаралари вайрон этилди. Анъанавий уламо ваҳший судга тортилди, баъзилари эса ўлдирилди. Тўртта анъанавий фикҳ мактаби таълимлари таъқиқлаб қўйилди. Кейинчалик Усмонлилар империяси Мисрдан у ерга қўшин жўнатиб, ваҳҳобий қабилаларини мағлуб этди ва анъанавий динни қайта тиклади. Бироқ уларнинг илдиэлари таг-томири билан қўпориб ташланмаган эди.

Эътибор қилиш керак бўлган яна бир ҳолат Афғонистон масаласидир. XX-асрнинг 80-йилларида стратегиг жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга бўлган бу мамлакат қизил армия ва ғарб ўртасидаги уруш саҳнасига айланиб қолди. Бу урушда ғарб ислом фаолларини ўзининг танлаш қуролига айлантириб олган эди. 1989 йили Нажибулло режими қулагач, мамлакат фуқаролар уруши қаърига ғарқ бўлди, эндиги уруш мусулмонлар ва коммунистлар ўртасидаги олдинги зиддиятдан ҳам даҳшатлироқ эди. Бундай ҳолга сабаб чала ўлган илон каби ваҳҳобийлик ўрта низо ва адоват уруғларини авж олдирди. 1980 йилдан аввал бу мамлакатда ваҳҳобийлик йўқ эди, унинг аҳолиси тасаввуф тариқатига эргашувчи суннийлар, 12 имомга эътиқод қилувчилар (ғарб тарафида) ва исломийлардан иборат эди. Уруш бошлангач, ғарбнинг қурол-яроғи ва молиявий ёрдами кириб келиши учун асосий воситачи бўлиб келган саудияликлар эндиликди қабила-қабила бўлиб яшамаётган афғонлардан кичик милиция гуруҳлари тузади ва уларни нисбатан прогрессив бўлган ваҳҳобийлик эътиқодига ўтишга кўндиради. Тез орада бошқа афғонлар ҳам тишидан тирноғигача қуролланган ва хориждан келган, кўпинча ваҳҳобий бўлган минг-минглаб кучайтирилган мана шу гуруҳларга қўшила бошлайди. Айни пайтда қизил армияга қарши жанглarning асосий оғирлиги Ахмадшоҳ Масъуд ва Бурҳониддин Раббоний тасаввуф тариқатчиларига хайрихоҳ бўлган анъанавий мусулмон ҳаракатлари вакиллари зиммасига тушган эди. Қобулдаги марказий ҳокимият қулаши билан Хикматёр қўшинларининг илгариги муҳолифат гуруҳлари уни бош вазир қилиб тайинламагани учун норозилик белгиси сифатида шаҳарни ўққа тута бошлади. Ваҳҳобийлар шаҳарнинг атрофида ҳандақ қазиб, уни бомбардимон қилдилар.

III. Ваҳҳобийликнинг ватани бўлган Саудия Арабистонининг ўзидаги вазият ҳам эндиликда фoш бўлиб қолмоқда. Саудия подшоҳларининг анъанавий стратегияси, исломчилар эътиборини мамлакатдаги коррупциядан чалғитиш учун, уларни чет мамлакатларда миссионерлик фаолиятини олиб боришга жалб этиш мақсадида суяк иргитишдан

иборат бўлиб келди. Бу иш бир неча усул билан амалга оширилди. Улардан энг асосийси ҳажга келган мусулмонлар онгига ваҳҳобийлик гоёларини сингдиришга уринишдир. Бунинг учун турли тилларда буклетлар чиқариб тарқатилади, уларда “соф” исломий ҳақида тушунтирилади ҳамда тасаввуф ва анъанавий диндорликнинг турли шаклларига қарши қаҳр-ғазаб утлари сочилади. Ҳаж давомида махсус чодирлар ўрнатилади ва ваҳҳобий воизлар “Аллоҳнинг меҳмонлари”га хизмат қилишади. Бу мамлакатга келиб ишлаётган чет эллик мусулмон ишчиларига нисбатан шунга ўхшаш, ҳатто унданда баттар усуллар қўлланилади.

Саудия Арабистонидаги ваҳҳобийлик пайдо бўлган марказий вилоятлар: Нажд ва Қассимда номоз вақти кўчада юрган кишилар ҳибсга олиниб, зўрлик билан масжидга олиб борилади. Аммо 1990-1991 йиллардаги кўрфаз урушидан сўнг ҳукумат ўзи яратган ваҳҳобийлик ҳаракатининг босимига учрай бошлади. Ғарб кўшинларининг подшоси икки муқаддас шаҳарнинг қўриқчиси ҳисобланадиган мамлакатда сезиларли ва узоқ туриб қолиши ваҳҳобийлар назарида тоқат қилиб бўлмайдиган провакация эди.

Шундай қилиб, террорчиларнинг илк бомбаси Риёд шаҳрида портлади, натижада тўрт нафар америкалик ҳарбий маслаҳатчи қурбон бўлди. 1996 йили эса мамлакат шарқидаги Даҳран шаҳрида жойлашган ҳарбий базанинг юк машинасига ортилган бомба портлатиб юборилганида 19 нафар америкалик ер тишлади. Айбдорлар қийноққа солинаётган ва ўлимга ҳукум қилинаётганига қарамасдан бу жараён давом этмоқда.

Саудия давлатининг қонунийлигини таъминлаб турган ваҳҳобийлик ақидаси ўзига хўрак бўлган қўлни тишлаб олмоқда.

Шундай қилиб Саудия Арабистонининг ўзи ҳам ваҳҳобийлик мутаассиблигига қарши тазйиқлар йўли билан курашаётган давлатлар рўйхатидан жой олди. Илоҳиётшунос Сафар ал-Хавалийнинг бошига тушган воқеа жуда аянчлидир. Ал-Хавалий 70-йилларда режимнинг тасаввуф ва анъанавий диндорликка қарши курашдаги энг катта қуроли бўлган эди. У “Ашъарийча ақидавий методологияни танқид” китобида илоҳиётшунослик сунний мазҳабининг ал-Ахзар сингари улкан марказларида азалдан ўқитилиб келинган ашъария таълимотига ҳужум қилади. Бу китоб Саудия Арабистонининг элчихоналари ва ташкилотлари орқали араб дунёсига бепул тарқатилади. Чала ҳақиқатлар, ёлгон интиқослар ва ҳиссий мурожаатлардан, алмойи-жалмойи гаплардан иборат бу китоб кўрьон ва ҳадисдан сўнгги энг ишончли манбаа деб ҳисобланади ва унда мусулмонларнинг интеллектуал анъанаси инкор этилади. У шу тариқа ҳақиқий

муслмончиликка путур етказиб, ваҳҳобийлик ақидаси қабул қилинишига йўл очиб беришда муҳим роль ўйнайди. Бироқ подшоҳ оиласига қарши ваъзлар айтиб юрган Ал-Ҳаволийнинг ўзи ҳам бугунги кунда худди бошқа етакчи арбоблар қатори қамоқда ўтирибди. Давлат жинни қайтадан кўзага қамашга уриниб кўрмоқда, аммо энди вақт ўтиб кетмадимикин? Афғонистондаги террорчи гуруҳларга барҳам беришнинг тинч йўллари, афсуски, самара бермади. Айнан шунинг учун ҳам халқаро ҳамжамият охирги чорани қўллашга мажбур бўлди. Унинг номи ҳам мазмун-моҳияти ҳам ўта хунук, бу - ҳарбий ҳаракатлар, содда қилиб айтганда уруш эди. Чунки ҳар қандай ҳарбий ҳаракатлар мазмун-моҳияти билан инсон табиатига зид бўлган офат ва қурбонлар келтиради. Афғонистонда бўлиб ўтган аксилтеррор амалиёти ҳам ушбу аччиқ ҳақиқатни исботлади.

Афғонистон - тоғли мамлакат, унинг қоқ ўртасидан Ҳиндукуш тоғ тизмаси кесиб ўтган. Шунинг учун ҳам экспертларнинг фикрига кўра, урушнинг анъанавий услублари ва тактикаси бу жойда ҳар доим ҳам кутилган натижани беравермайди. Буюк Британиянинг XIX-XX асрларда Афғонистондаги бир нечта ҳарбий интервенцияси бунга мисол бўла олади. Режалаштирилган амалиётлар кетма-кет амалга оширилиши лозим бўлган уч босқичдан иборат эди.

1-босқич - ҳаво ҳужумлари;

2-босқич - ҳарбий иттифоқчи пиёда қўшинларининг Афғонистондаги ҳаракатларга қўшилади;

3-босқич - террорчиларнинг мустаҳкам ўрнашиб олган жойлари аниқланиб, уларнинг узил-кесил яксон этилиши бўлган. Шундай ҳам бўлди, натижачи?

Ҳаётнинг ўзи кўрсатаётганидек, одатда, мағлубиятга учраган террорчилар худди ғарқ бўлаётган кемани тарк этишга шошилган каламушлар каби турли туман ҳудудларга тарқалиб қочишга улгурдилар. Бунинг натижасида эса янги-янги ҳудудларда тинчлик, барқарорликка қарши террорлар бошланди.

Бугун оддий одамларни ташвишга солаётган масала бу террорчиларнинг қўшни мамлакатларга жиҳод эълон қилиш пўписасидир. Дарҳақиқат, ушбу масаланинг исломий жиҳатидан ташқари, соф ҳарбий томони ҳам борки, ҳалқимиз ундан яхши хабардор бўлмоғи лозим. Бир сўз билан айтганда, террорчилар ва уларга паноҳ бўлган сиёсий кучларнинг қўшни давлатларга уруш эълон қилиш давоси, исломга мутлақо хилоф бўлгани каби, ҳарбий нуқтаи назардан ҳам ўта асоссиздир. Биринчидан, кейинги ўн йилликлар давомида Афғонистон ҳарбий-сиёсий беқарорлик ҳамда норкабизнеснинг асосий марказига айланиб қолганлиги сабабли,

ҳаётнинг ўзи у билан қўшни мамлакатларни ўз ҳарбий қудратини ошириш ва Афғонистон билан чегариларни мустаҳкамлашга мажбур этди. Иккинчидан, тарихдан яхши маълумки энг қудратли давлатларнинг ҳам бир вақтнинг ўзида бир неча йўналишларда уруш ҳаракатлари олиб боришга интилишлари, беистисно, уларнинг ҳалокати билан тугаган.

Юқоридаги мисоллардан кўришиб турибдики регрессив дунёвий режимларни, диний муҳолифатни қийнаш уни йўқ қилиб юборади, деган умидлар муваффақият келтириши даргумон. Бундай ҳолларда у диний муҳолифатнинг янада экстремистик шакллари учиртиб юборади. Режимлар системасини тинчлик йўли билан ислоҳ қилишга уринаётган мўтадиллик тарафдорларини менсимайдиган бўлса, обрўсини йўқотади, ёшлар эса экстремизм ва қуролли кўзғолон иштиёқида ёна бошлайди.

Муаммонинг биринчи ечими матбуотни эркинлаштириш ва исломий туйғуларни ифода қилишга йўл беришдир. Масжидларга ислом дунёсида асрлар оша мавжуд бўлган анъанавий озодлик ва улар бажариб келган вазифа қайтариб берилиши керак, яъниким, улар коррупция ва вахшийликлар танқид қилинадиган жой бўлиб қолиши лозим.

Иккинчидан, биз аксил ислоҳотнинг мусулмонча кўриниши ибтидоси шоҳиди бўлиб турибмиз. Шишадан иборат фундаменталист шаҳарлар яратиш йўлини излаётган, бироқ фуқаролар урушини келтириб чиқарган, режимларни, репрессиянинг кесим шакллари қўллашга мажбур этаётган Звингличлар (швецария протестантлик реформациясининг муҳим ислоҳотчиларидан бири. Улрих Звингли (1484-1531 й) издошлари ва Калвинчлар Француз илоҳиётшуноси Жан Калвин (1509-1564) издошларига, улар барча мусулмон мамлакатларининг кулини худди Афғонистон ва Жазоир сингари кўкка совурмасдан бурун қаршилик кўрсатиши керак. Ақидапарасларнинг чиқишларига, ҳақиқий ислом нуқтаи-назаридан келиб чиқиб, муносиб жавоб қайтариш учун ушбу аксил-ислоҳотга эркинлик ва етарли маблағ бериш зарур бўлади. Бугунги кунда динни ўз чегарасидан ташқарида туриб тарғиб қилаётган иккита давлат: Эронда ҳам, Саудия Арабистонида ҳам классик исломнинг ишонч ёрлиғи йўқ экани мусулмон дунёсининг улкан фожеасидир. Динга қизиқадиган ва ваҳҳобийлик каби жуда хавфли жинни кўзадан чиқариб юборганини тушуна бошлаган бошқа мусулмон мамлакатлари ҳаракатини ҳимоя қилиш ва анъанавий уламоларга қарши чоралар кўриш учун ижозат бериш керак. Ҳақиқий динни ҳимоя қиладиган, ваҳҳобийлик ҳаракатларига эса зарба берадиган китоблар жуда кўп, араб дунёсида айни пайтда диний китобларни чоп этишга бўлган чекловларни олиб ташланиши лозим. Мўтадиллик тарафдорлари ҳам сунъий йўлдош телевиденияси ва радиосидан фойдаланиш имкониятига эга бўлиши лозим.

Бир сўз билан айтганда, халқаро ҳамжамиятнинг сабр косаси батамом тўлди. Ҳаётий воқеялик шундайки, ҳар қандай қилмиш-қидирмиш, охир-оқибат, ўзига яраша жазога сазовор бўлиши муқаррардир. Ушбу жазонинг амалга оширилиши фақат вақт омили ҳамда унинг учун тўланажак товон билан боғлиқ, холос. Бугун халқаро ҳамжамият XXI аср вабоси дея баҳоланаётган хатарли таҳдидга узил-кесил барҳам бериш учун ҳар қанча тўловга тайёр эканлигини билдирмоқда. Ҳамжамиятнинг ушбу эзгу мақсадига эришишига шубҳа йўқ. Биз ана шу ҳақиқатни чуқур идрок этишимиз, тинч ва фаровон эртамиз, фарзандларимизнинг порлоқ келажаги айнан шу билан чамбарчас боғлиқ эканлигини доимо ёдда тутишимиз лозим. Содда қилиб айтганда, мафкуравий таҳдидларга қарши курашга тайёрлик-кундалик турмушимизнинг ажралмас қисми бўлиб қолиши ҳаёт тақозосидир.

### Таянч иборалар:

1. “Исроил”- (қадимги иврит. Исро-банда, ийл-худо) Яаъқуб алайҳиссаломнинг иккинчи номлари, яҳудийлар унга нисбат бериб, “Исроил болалари” деб атадилар.
2. “Ан-Накба” - Фаластин-Исроил мажароларини келтириб чиқарган “Фалокат” номли террористик акт.
3. “Ваҳҳобийлик” - XVIII-аср ўрталарида Арабистон ярим оролида вужудга келган фундаменталистик оқим.
4. “Даъват”- (араб-чақириш). Динга тарғиб қилиш.
5. “Звингличлар” - Швецария протенстанлик реформациясининг ислохотчиларидан бири Улрих Звингли издошлари.
6. “Калвичлар” - Француз илоҳиётшуноси Жан Калвин издошлари

### Такрорлаш учун саволлар:

- \*Диний экстримизм ва терроризмнинг олдини олишда мусулмон мамлакатлари олдида қандай долзарб вазифалар бор?
- \*Кейинги йилларда бу мамлакатларда экстремизм ва терроризмга қарши қандай амалиётлар қўлланилмоқда?
- \*Экстремизм ва терроризмнинг фалсафий маъноси нима?
- \*Экстремизм ва терроризмнинг қандай шакллари бор?
- \*Исроил ва Фаластин воқеаларининг вужудга келишига қандай сабаблар асос бўлган эди?
- \*Ваҳҳобийлик оқимининг террористик ҳужумлари қай йўсинда вужудга келди?
- \*XX асрнинг 80-йилларида Афғонистонда қандай террористик ҳаракатлар бўлиб ўтди?
- \*Аксилтеррор амалиётининг асл моҳияти нимадан иборат эди?

## **МАВЗУ: ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМ ВА ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ КУРАШНИНГ ХАЛҚАРО СИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ**

### **РЕЖА:**

1. Ўзбекистонда диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг сиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан асосланиши.

2. Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашда халқаро ҳамкорлик.

3. Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашда халқаро маънавий-маърифий алоқалар.

1. Диний экстремизм ва терроризм ўта мураккаб жиноий ҳодиса бўлиб, деярли барча давлатлар қонунлари билан ҳимояланган турли ижтимоий муносабатларга таъжовуз қилишдан иборат ҳаракат ҳисобланади. Айниқса, террорчиликдек мураккаб жиноятни, дунёдаги террористик гуруҳлар ёки ташкилотларнинг мақсади нималардан иборат экани, уларга нисбатан барча давлатлардаги мавжуд қарашлар, ғояларни ва ниҳоят, қонунчиликнинг мазмун-моҳиятини чуқур англамасдан туриб, террорчиликка қарши курашнинг ҳозирги йўл-йўриқларини англаб етиш қийин. Уларнинг ҳаммаси тергов ва суд амалиётида бу турдаги жиноятларни тўғри квалификация қилишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Бугунги кунда “Террор”, “Терроризм”, “Террорчилик акти” каби юридик атамаларнинг ҳар бирини таҳлил қилишга эҳтиёж сезилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг VIII-боб 155-моддасида терроризм жинояти ҳақида тўхталиб ўтилиб, жиноятнинг диспозицияси ҳамда санкцияси кўрсатилган. Бу моддада - халқаро муносабатларни чигаллаштириш, уруш чиқариш учун игво қилиш ёки Ўзбекистон Республикасидаги вазиятларни беқарорлаштириш мақсадида давлат, халқаро ташкилот, жисмоний ёки юридик шахсни бирон ҳаракат содир этишдан ўзини тийишга мажбур қилишга қаратилган ҳаракатлар, ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш, мол-мулкни босиб олиш ёки қўлда тутиб туриш ёки шахсни гаров сифатида ушлаб туриш билан қўрқитиб, халқаро ҳимоя остида бўлган чет давлатлари ваколатхоналарининг ёки халқаро ташкилотларнинг хизмат биноларига, уларга қарашли ёки улар ижарага олган уй-жой биноларига ҳужум қилиш билан боғлиқ ҳолда содир этилса, жиноий жавобгарликка тортиш кўрсатиб ўтилган ва жазолар тури ҳам белгиланган эди. Бироқ 2001 йилда “жиноий жазоларни либераллаштириш” муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексига ҳам ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилди.

Инсонпарварлик тамойилига асосланган бундай қўшимча ва ўзгартиришлар жумладан, Жиноят Кодексининг 155-моддаси билан боғлиқ бўлиб, қуйидагича ўзгартирилди.

23) 155-моддаси: Биринчи қисм қуйидагича баён этилсин:

“Терроризм халқаро муносабатларни мураккаблаштириш давлатнинг суверенитети, ҳудудий яхлитлигини бузиш, хавфсизлигига путур етказиш, уруш ва қуроли можаро чиқариш, ижтимоий ва сиёсий вазиятни беқарорлаштириш, аҳолини қўрқитиш мақсадида давлат органи, халқаро ташкилотларни, уларнинг мансабдор шахсларини жисмоний ёки юридик шахснинг бирон бир фаолиятини амалга оширишга ёхуд амалга оширишдан тийинишга мажбур қилиш учун зўрлик, куч ишлатиш, ёки мол мулкига тажовуз каби хавф туғдирувчи бошқа қилмишлар, ёхуд уларни амалга ошириш таҳдиди, шунингдек, террорчилик ташкилоти мавжуд бўлишини, ишлаб туришини, молиялаштиришни таъминлашга, террорчилик ҳаракатларини тайёрлаш ва содир этишда террорчилик ташкилотларига, ёхуд террорчилик фаолиятига кўмаклашаётган ёки бундай фаолиятда иштирок этаётган шахсларга бевосита ёки билвосита ҳар қандай маблағ, воситалар ва ресурслар бериш ёки бошқа хизматлар кўрсатишга қаратилган фаолият деб эътироф этилади. Санкция қисмида эса саккиз йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.<sup>11</sup>

Иккинчи ва учинчи қисмлари санкциялардаги “мол-мулкни мусодара қилиниб” деган сўз чиқариб ташлансин.

Қуйидаги мазмундаги тўртинчи қисм билан тўлдирилсин:

“Терроризмни тайёрлашда иштирок этган шахс, агар у ҳокимият органларига ўз вақтида хабар бериш ёки бошқа усул билан оғир оқибатлар юзага келиши ҳамда террорчилик мақсадларини амалга оширилишининг олдини олишга фаол кўмаклашган бўлса, башарти бу шахснинг ҳаракатларида жиноятнинг бошқа таркиби бўлмаса, жинойий жавобгарликдан озод этилади” деб таъкидлаб ўтилган.

Мазкур жинойий ҳаракатни амалга оширишдан мақсад ҳокимиятни эгаллашга қаратилган бўлиши шубҳасиздир. Энди террорчиликни жиноятнинг бир тури деб қарайдиган бўлсак, ўрганилган юридик адабиётларда ёки халқаро ҳуқуққа оид манбаларда бу ҳақидаги умумий тарзда эътироф этилган бир аниқ, лўнда тушунча мавжуд эмаслиги кўринади. Аммо террорчиликнинг жисмоний қилмиш эканлиги жаҳондаги давлатларнинг ички қонунлари ёки кодексларида

<sup>11</sup>Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексига шарҳлар. “Адолат” нашриёти Тошкент. 1997 йил 187-бет.

одолида нормада акс эттирилган бўлиб, мазкур жиноий ҳаракатни содир этганлик учун жазо белгиланган. Қизиғи шундаки, террорчилик турли давлатлар миллий қонунчилигида турлича таърифланган. Уларни ўрганганда миллий қонунларни такомиллаштиришга эҳтиёж борлиги сезилди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекснинг “Тинчлик, хавфсизликка қарши жиноятлар” деб номланган иккинчи бўлимидаги қилмиш - оддий таркиб тушунилади. (155-модда 1-қисм)

Бундан ташқари, ушбу модданинг кейинги иккинчи ва учинчи қисмларида айна оғирлаштирувчи ва ўта оғирлаштирувчи ҳолатлар, яъни “Вазиятни барқарорлаштириш ёки давлат органлари томонидан қарор қабул қилишига таъсир кўрсатиш, ёхуд сиёсий ва бошқа ижтимоий фаолиятга тўсқинлик қилиш мақсадда давлат ёки жамоатчилик фаолияти муносабати билан унинг ҳаётига суиқасд қилиш ёки унинг баданига шикаст етказиш:

а) одам ўлдиришга;

б) бошқа оғир оқибатларни келиб чиқишига сабаб бўлган қилмишни жиноят деб топилади.

Қайд этилган террорчилик кўп объектли жиноят эканлигини кўрсатади. Бу жиноятнинг содир этилиши биринчидан, халқаро муносабатларнинг чигаллашувига, иккинчидан, давлатдаги вазиятнинг беқарорлашувига, учинчидан, давлатлар ўртасида уруш келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкинлигини қонунчилик кўзда тутди.

Террорчилар ўзларининг қилмишларини амалга оширишда турли усулларни қўллайдилар. Террорчилик ҳаракатларини содир этишда қўлланиладиган усулларга портлатиш, ўт қўйиш, шахсларни гаров сифатида ушлаш, ҳаёт учун муҳим объектларни айниқса, аҳоли яшайдиган жойларни сув остида қолдириш, иссиқлик электр энергияси билан таъминланишни батамом узуб қўйиш ва аҳоли орасида ваҳима, қўрқув пайдо қилишга сабаб бўладиган бошқа ҳаракатлар киради.

Умуман, терроризм ҳаракати ҳамма вақт ўзини-ўзи реклама қилиш мақсадида содир этилади, ҳокимият ва аҳолига руҳий таъсир кўрсатиб, уларда қўрқув пайдо қилишни кўзлайди.

II. Зўравонликдан чарчаган халқаро ҳамжамият экстремизм ва терроризмнинг ҳар қандай кўринишини таг-томири билан суғуриб ташлаш йўлида бирлашишга ҳаракат қилмоқдалар. Бу йўлда давлатлараро ҳамкорлик ўтган асрнинг 30-йилларида бошланган. Масалан, 1934 йилда Мадридда бўлиб ўтган жиноятчиликка оид қонунларни унификациялаштириш (бир ҳиллаштириш) муаммоларига бағишланган конференцияда терроризмнинг “Аҳолини даҳшатга солиш ва ҳар қандай ижтимоий ташкиллашувни йўқ қилиш мақсадида



бирор бир воситани қўллаш“ деган маънодаги таърифи қабул қилинишига эришилган эди.

1937 йилда 20 дан ортиқ давлат терроризмнинг олдини олиш ва бундай ҳаракатлар учун жазолаш ҳақидаги Конвенцияни имзолади. Унда терроризм “давлатга қарши қаратилган, муайян шахслар ёки аҳоли ўртасида кўрқувни келтириб чиқариш мақсадини кўзлаган жиноий фаолият” деб таърифланган эди.

Айни чоғда, террорчиларни жиноий жавобгарликка тортиш учун 13 давлат суверен тенгликни чегараловчи “Халқаро жиноий судни ташкил этиш” ҳақидаги Конвенцияни ҳам имзолади. Бироқ, бу ҳужжатларда халқаро терроризмларни тутиб бериш масаласи умуман қўйилмаган, терроризмнинг таърифи эса ҳаддан ташқари кенгайиб кетган эди. Бундай камчиликлари туфайли ушбу Конвенциялар зарур миқдордаги ратификацияларни тўплай олмади ва кучга кирмай қолиб кетди. Лекин бу ҳужжатлар давлатлараро ҳамкорликка озми-кўпми ижобий таъсир кўрсатган.

Иккинчи Жаҳон урушидан кейинги давр террорчилик гуруҳларининг сон ва сифат жиҳатидан ўсиши билан фарқланади. Уларнинг ичида “Штерн”, “Иргут” (Исроил), “Яҳудийларни ҳимоя қилиш лигаси” (АҚШ), “Тамил Илам”ни озод қилувчи йўлбарслар”, “Баадер-Майнхоф”, “Қора интернационал”, “Бутун дунё национал-социалистик иттифоқи”, “Арманистонни озод қилиш махфий арман армияси” каби уюшмалар кўпчиликка маълум эди. Ҳозирги кунда эса дунёнинг 60 га яқин мамлакатларида шундай гуруҳлар мавжуд. Жумладан, Европада ҳам “қизил бригадалар” (Италия), “қизил Армия фракцияси”, “Жангари Коммунистик гуруҳлар” (Бельгия), “Аксъон директ” (Франция), “ЭТА” (Испания) каби кўп сонли террорчилик уюшмалари фаолият олиб бормоқда.

1973 йилнинг декабрида БМТ Бош Ассамблеяси халқаро муҳофазадан фойдаланадиган шахслар, жумладан, дипломатик агентларга қарши қаратилган жиноятларнинг олдини олиш ва жазолаш бўйича Конвенцияни қабул қилди. Унинг 1-моддасига мувофиқ хорижий мамлакатда бўлиб турган давлат ва ҳукумат бошлиқлари, ташқи ишлар вазири, уларга ҳамроҳлик қилаётган оила аъзолари халқаро муҳофазада бўладиган шахслар қаторига киритилган.

Кишилик жамияти ривожининг ҳозирги босқичида терроризмнинг глобаллашуви, уларнинг тобора халқаро миқёсдаги воқеликка айланиб бораётгани дунё ҳамжамиятининг мазкур муаммога бўлган эътиборини янада оширмоқда, унга бўлган муносабатини тубдан ўзгартирмоқда.

Бундай муаммоларнинг БМТ, ЕХҲТ, НАТО ва бошқа нуфузли

халқаро институтлар фаолиятидаги ўрни узлуксиз ошиб бормоқда. Хусусан, БМТ Хавфсизлик Кенгашининг охириги йилларда қабул қилинган 1368, 1373 ва 1377-қарорларини қамраб олган бўлиб, дунёнинг мутлақ кўпчилик давлатлари томонидан қизгин қўллаб-қувватланмоқда.

2001 йилнинг 11 сентябрида Нью-Йорк шаҳридаги қонли террорчиликдан кейин АҚШ халқаро ҳамжамиятга мурожаат қилиб, ҳар бир мамлакатдан террорга муносабатни белгилашни ва уни эълон қилишни сўради. Ушбу масала “Сиз ё биз билан, ёки биз билан эмассиз” деган қатъий, ҳатто ултиматив тарзда қўйилди. Бугунги халқаро ҳамжамиятнинг мутлоқ аксариятини ташкил этувчи мамлакатлар ушбу биров кескинроқ қўйилган талабга ижобий жавоб берганининг сабаби, айрим ғаразгўй сиёсий кучлар талқин қилаётганидек, “Америкага қуллуқ қилиш” истаги билан эмас, балки террорнинг дарҳақиқат қўрқинчли кўламлар касб этаётгани билан изоҳланишига шубҳа йўқ. Шундай қилиб, терроризм балосига чек қўйишга қаратилган бундай умумдунё яқдиллиги бугунги халқаро ҳаётни мувофиқлаштирувчи энг нуфизли ташкилотларнинг ҳақиқий ташвишига айланди.

Аслида 2001 йилнинг 11 сентябрида ўтказилиши режалаштирилган, бироқ фожиали террорчилик ҳаракати туфайли биров орқага сурилган, БМТ бош ассамблеясининг охириги мажлисидаги ушбу муаммо кун тартибидаги асосий масалага айланди: унда халқаро ҳамжамиятнинг терроризмга қарши ҳаракатлари маъқулланди, бу ҳақда махсус резолюция қабул қилинди.

Европа давлатлари ҳам бу муаммони ўз ташвиши деб қабул қилди, терроризм уяларига қарши барча саъй-ҳаракатларда фаол иштирок этишга тайёр эканлигини баён этди. Бир сўз билан айтганда, дунё барча сиёсий механизмларни ишга солиб юборди. Айтиш жоизки, халқаро экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг асосий жабҳаларидан бирини дипломатик фронт деб аташ мумкин бўлиб қолди. Дипломатия дегани фақатгина сиёсий механизмлар воситасида барча омилларни ҳаракатга келтиришни назарда тутди. Жумладан, терроризм ўз-ўзича фаолият кўрсата олмайди. Бўш қоп тик турмаганидек, халқаро терроризм тағ-заминида ҳам иқтисодий омил ётгани аниқ, албатта. Модомики шундай экан, халқаро терроризмнинг молиявий таянчлари нимада, деган савол туғилиши табиий.

Маълум бўлишича, унинг иқтисодий баъзаси шу қадар чуқур томир отган эканки, ҳатто бугун терроризмга қарши курашнинг ҳарбий чизиғида турган ривожланган ғарб давлатлари иқтисодига ҳам сингиб кетган. Қолаверса, “Пес моховни қаронғида топибди” деганларидек,

террорчилар озикланаётган бир жирканч охур-норкабизнесдир. Булар терроризмнинг молиявий таянчларига оид умумий мулоҳазалардир.

Айримлар бу ҳаракатни озиклантираётган ягона манба Усома бин Лодиннинг гўеки беҳисоб бойликларидир, деган содда тушунчага эга. Ваҳоланки, масала бу даражада жўн эмас. Чунки Бин Лодиннинг дунёси нечоғлик катта бўлмасин, ёлғиз еганга тоғ чидамас, у эртами кечми тугаши аниқ эди. Шунинг учун ҳам Бин Лодин ўзининг “Ал-қоида” (“Асос” ёки “Тағзамин”) деб номланган ташкилотини тузиш билан бир вақтда унинг халқаро миқёсдаги зўравонлик фаолияти молиявий таъминоти ҳақида ҳам қайғургани аниқ. Буни қуйидаги мисолдан кўриш мумкин. 11 сентябрь воқеалари содир бўлгунча АҚШ ва ғарбнинг бошқа мамлакатларида бемалол фаолият кўрсатиб келган қирқдан ортиқ йирик иқтисодий, молиявий ва тижорат муассасаларининг банклардаги ҳисоб рақамлари “музлатиб” қўйилди. Уларнинг “Ал-қоида” ва Бин Лодинга алоқаси борлигига шубҳа қилмагани учун ҳам шундай қилинди. Лекни ғарбу Шарқда фаолият кўрсатаётган бундай ташкилотлар фақат шулардангина иборатми, деган масала ҳамон очиқ қолмоқда, янада аниқроқ қилиб айтганда, уларнинг барчаси фош этилганига шубҳа йўқ.

Бундан ташқари, яхши маълум бўлганидек, Афғонистон охириги йилларда дунёда ишлаб чиқарилаётган наркотик моддаларнинг тўртдан уч қисмини “етказиб бермоқда.” Бу эса миллиардлаб АҚШ доллари миқдориди ҳаром даромад келтирмоқда.

Бундай маълумотларни ўқиган оддий кишилар онгида террорчиларнинг молиявий имкониятлари битмас-туганмас экан, демак уларни мағлубиятга учратиш ҳам амри маҳол деган нотўғри тушунча ҳосил бўлиши мумкин. Аслида эса, ҳақиқат мутлақо бунинг аксидир. Ёвузлик тимсоли сифатида барчанинг оғзидан шахсий бойлиги турли хил манбаларда 300-500 млн. АҚШ долларини ташкил этади, дейилмоқда. Дарҳақиқат, бу кичкина маблағ эмас. Лекин Бин Лодин ушбу маблағни чўнтагида олиб юрмайди, албатта. Унинг асосий қисми дунёнинг турли мамлакатларидадир. Лекин бу маблағ жаҳон ҳамжамиятининг қудрати олдида денгиздан бир томчи, холос. Аслида терроризмни молияловчи бош манба, юқорида таъкидланганидек, бу наркотик моддалар олди-соттисидир. Шунинг учун ҳам террористлар базалари ва уялари асосан Афғонистонда жойлашган. Маълум бўлишича, 500 мингдан зиёд афғон фермерлари кўкнори етиштирадилар.

Дунёнинг кўплаб минтақаларига тарқатишга улгурган диний экстремизм ва терроризмнинг келиб чиқиши ва унинг ривожланишини таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатадики, сўнги чорак асрда бу

террористик зиддиятларнинг кучайиши ва зўриқиши, бутунлай янги анча шиддатли тус олди. Шунинг учун ҳам БМТ томонидан жаҳондаги сиёсий ва демократик кучларни бу “XXI аср вабоси”га қарши бирлашиш заруратини ҳозирги давр кун тартибига қўйилди.

III. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, бугунги кунда дунё тинчлигига таҳдид солувчи хавф-хатарлар, зиддиятлар сақланиб қолмоқда.

Халқаро вазиятнинг қалтислигининг сабабларидан бири, муқаддам дунёдаги гегемон кучлар маркази асосан икки жойда - Вашингтон ва Москвада тўпланган, дунё икки қутбли бўлган бўлса, ҳозирги кунда вазият кескин ўзгарди: дунё кўп қутбли бўлиб қолди, уни назорат қилиш мураккаблашди. Ушбу мураккаблик 2005 йилга келиб, ўзини анчагина ёрқинроқ намоён этди. Америкалик стратеглар томонидан тактикавий чора сифатида танлаб олинган “рангли инқилоблар” деб аталувчи технология Шарқий Европа, Украина ва Грузияда муваффақият билан қўллангандек қўринсада, Қирғизистонда (2005 йил март ойидаги тўнтариш) ўзининг бутунлай ортиқчалигини кўрсатди ва Ўзбекистонда, 2005 йил май ойида Андижон воқеалари пайтида бутунлай барбод бўлди. Ўзбекистон ҳукумати тезкор ва пухта иш кўра олишинигина эмас, балки ғарб разведка хизматларининг Марказий Осиёда ишга солаётган инқилобий услубларига қарши самарали ва муносиб жавоб бериши мумкин бўлган омил ва имкониятларга эга эканлигини намоён этди.

Иккинчидан, турли даражада ривожланган мамлакатлар ўртасида ижтимоий-иқтисодий нстинчлик ва зиддиятлар ўсиб бормоқда. Қудратли куч марказларининг (АҚШ, Европа), ривожланаётган мамлакатларнинг асосий бойлиги ҳисобланган табиий ресурсларни ўз қўлига олишга, назорат қилишга интилиши кучайди. Дунёнинг катта қисмида иқтисодий заиф аҳоли яшаётган мамлакатлар мавжуд. Улар ўртасида илмий-техникавий билимлар, илғор технология, эркин сармояларни тўплаш ва жойлаштиришда тафовут бор.

Учинчидан, маҳаллий, минтақавий, этник можаролар ва давлатлар ичидаги жангари сепаризм (айирмачилик) ва бошқа хавф-хатарлар давом этмоқда.

Тўртинчидан, диний экстремизм ва фундаментализм нафақат ислом, балки барча динлар доирасида хавфсизликка таҳдид солмоқда.

Бундай сиёсат хавфи халқаро, давлатлараро, элатлараро қарама-қаршилиқни, можароларни келтириб чиқаришда намоён бўлмоқда. Шовинистлар кичик давлатларнинг, эндигина истиқлолга эришган давлатларнинг халқаро ҳуқуқ, ички давлат суверенитетини рўёбга чиқаришга қаршилиқ кўрсатади, ташқи иқтисодий алоқаларни чегаралашга ва камситишга уринади. Масалан, британиялик машҳур

сиёсатшунос доктор Ширин Анинернинг гувоҳлик беришича, Андижонда Ўзбекистондаги мавжуд ҳокимиятни ағдариб ташлашга қаратилган хатти-ҳаракатлар содир этилган. Ғарбнинг мафкура ва разведка доиралари вакиллари бўлмиш халқаро ташкилотлар мутасаддилари бу фожеанинг юз беришидан аввалдан яхши хабардор бўлганлар. Россиялик сиёсатшунос Галина Майкова ҳақли равишда таъкидлаганидек: “Ислом Каримов Вашингтоннинг тактикавий мақсадларини аввалдан била олди. Қирғизистонда бўлгани каби халқаро текширувни молиявий-иқтисодий имтиёзлар ва Ўзбекистоннинг бундан кейинги халқаро-сиёсий мавқеига боғлайдиган ғарбнинг кучли танқидий тазийқлари олдида бўш келмади. Шу тариқа доно ва оқил сиёсатчи сифатида ўз шаънининг ерга урилишига йўл қўймади.”

Бугун Марказий Осиё минтақасида турли сиёсий, иқтисодий, ҳарбий, транспортга ва экологияга оид муаммолар тўпланиб қолган. Шу нуқтаи-назардан қараганда, ривожланишни таъминлаш ва можароли вазиятларнинг олдини олиш учун ҳозирги кунда ички ва ташқи мувозанатни сақлаш ва қўллаб-қувватлашгина бирдан-бир мақбул тамойилдир. Минтақада геосиёсий мувозанатни ва барқарорликни сақлаган тақдирдагина мазкур муаммоларни ҳал этиш имкони туғилади.

Бугунги дунёнинг мафкуравий манзараси, ундаги ғоялар кураши, мафкуравий полигонларнинг бутун-бутун жалқлар тақдирига таъсири билан боғлиқ масалалар ана шундай оламшумул аҳамиятга эга.

Бугунги кунда аксарият ривожланган давлатларнинг мафкураси умуминсоний қадриятлар ва демократик тамойилларга асосланади. Уларда тинчлик ва тараққиёт, инсон ҳақ-ҳуқуқларга ва эркинлиги, миллий ва диний тотувлик ғоялари устувордир. Бу тамойилларга асосланган эзгу ғоялар умуминсоний манфаатлар, башариятнинг асрий орзуси бўлган ёруғ келажак учун хизмат қилади.

Халқаро террорчи кучлар қайтадан бирлашиб бош кўтараётган, ўта маккор ва ёвуз услубларни қўллаётган бугунги мураккаб вазиятда ҳаётнинг ўзи халқаро ҳамжамият, жумладан, минтақамизда жойлашган барча давлатлардан бу балога қарши курашда ҳамкорликни кучайтиришни, бир ёқадан бош чиқариб, бундай урушларга кескин зарба беришни, ҳар қандай тажовуз ва террорчиликнинг ҳужумларини олдини олиш ва аввало, соғлом тафаккур учун курашни тақозо этмоқда.

2001 йил 11 сентябрь воқеалари муносабати билан Президентимиз берган баёнотидаги фикрини келтириш ўринлидир. Жаҳондаги 100 дан ортиқ давлат ўз фикри, позициясини баён қилганининг ўзи бу

иллатга қарши курашда ҳеч бир давлат четда қолмаслигини билдиради. Терроризмга қарши коалиция ташкил қилинди. Бу таклиф биринчи бўлиб Ўзбекистонда кун тартибига киритилган эди. Коалицияга таркиби ва мавқеидан қатъий назар, ҳар қандай давлат аъзо бўлиши мумкин эди. Шу боис ушбу коалицияга араб ва мусулмон давлатлари қўшилаётгани диққатга сазовор ҳолдир. Ўзбекистон келиб чиқиши ва ҳудудий жойлашишидан қатъий назар ҳар қандай кўринишдаги терроризмга қаршидир.

Ҳозирги кунда диний эстремизм мафкурасига, қўпоровчилик ва террорчиликка қарши курашдаги асосий вазифа - аҳоли ўртасида, айниқса ёшлар билан олиб бориладиган тарғибот-ташвиқот ва тарбиявий ишларни изчил, чуқур ўйланган тизим асосида ташкил этиш ва уларнинг таъсирчанлигини кескин кучайтиришдан иборат.

Юртимизда миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш учун, тили, дини, миллатидан қатъий назар одамларни ўзаро меҳр-оқибатли бўлиши, ёрдамга муҳтож одамларнинг ўзини ёлғиз сезмаслиги учун барчамиз ўз ҳиссамизни қўшишимиз лозим. Бу олижаноб мақсадга етишиш учун демократик ислохотларни амалга оширишда ёрдам бераётган давлатлар ва халқаро ташкилотлар, яқин ва узоқ қўшниларимиз билан ҳамкорликни янада кучайтириш, демократик тамойиллар ва қарашларни одамларимизнинг тафаккуридан чуқур жой олишига эришмоғимиз лозим.

### Таянч иборалар:

1. Суверенитет - французча “олий ҳокимият” мазмунида, давлат суверенитети, халқ суверенитети.
2. Конфессия - лотинча, эътироф, эътиқод. Дин, диний эътиқод.
3. Мафкура - арабча, “мафкур”, нуқтаи назар ва эътиқодлар тизими, мажмуи.
4. Демократия - халқ ҳокимияти. (Қадимги юнон тили).
5. Менталитет - лотинча “меня” ақл, идрок.

### Такрорлаш учун саволлар:

- \*Терроризмга қарши курашда Ўзбекистон Республикаси халқаро майдонда қандай ишларни амалга оширмоқда?
- \*Халқаро ҳуқуқ ва халқаро сиёсат ҳақида фикрингиз қандай?
- \*Халқаро терроризм ва эстремизмнинг олдини олишда БМТ қандай ишларни амалга оширмоқда?
- \*Халқаро маънавий-маърифий алоқалар деганда нимани тушуниш мумкин?
- \*Анджон воқеаларига қандай муносабат билдирасиз?

## I-машғулот

### **МАВЗУ: МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ БАРҚАРОРЛИК ВА ХАВФСИЗЛИККА ТАҲДИД СОЛАЁТГАН ДИНИЙ ЭКСТРЕМИСТИК ВА ТЕРРОРИСТИК ТАШКИЛОТЛАР**

#### **РЕЖА:**

1. Мустақиллик йилларида ва ўтиш даврида маърифий ишларнинг устувор йўналишлари.

2. Диний экстремизм ва терроризмнинг Марказий Осиё минтақасида намоён бўлишининг ўзига хос хусусиятлари.

3. Марказий Осиёда фаолият кўрсатишга интилаётган диний экстремистик ташкилотлар.

4. Ёшлар ва хотин-қизлар орасида экстремистик ғояларнинг тарқатишга уринишнинг асосий сабаблари. Шаҳид тушунчаси.

1. Мустақиллик йилларида одамлар онгида янгича дунёқарашни шакллантириш, халқнинг Миллий руҳини уйғотиш ва тиклаш жамиятни барқарор ривожлантиришнинг муҳим шарти ва кафолатидир. “Бирон бир жамият маънавий имкониятларни, одамлар онгида маънавий ахлоқий қадриятларни ривожлантирмай ҳамда мустаҳкамламай туриб ўз истиқболини тасаввур эта олмайди”<sup>12</sup> - деб уқтиради. Президент Ислом Каримов.

Маълумки, мамлакатимиз бир неча бор ажнабий босқинчилар ҳужумига дучор бўлди, узоқ йиллар қарамлик зулми остида қолди, бироқ шунга қарамай, ўзлигини йўқотмади. Халқимиз аждодларининг бой маънавий меросини авайлаб сақлаб, уни бойитиб келди. Айниқса, сўнгги мустамлакачилик даврида маънавий меросга синфий нуқтаи назардан ёндашиш оқибатида миллий қадриятларимиз, урф-одатларимиз прогрессив ва реакцион блокларга бўлинади. Машҳур олимлар, адиблар, ва санъат усталари материалист ва идеалистга бўлинди. Реакцион идеалист деб, сунъий баҳоланиб, кўпгина алломаларимиз қораланди, тарихий ёдгорликлар бузилди, китоблар, қўлёзмаларни нашр этиш, ўрганиш ман этилди.

Мустақиллик шарофати билан халқимиз маънавий зулмлардан озод бўлди, эркин фикрга, миллий тафаккур қилишга ва миллий тикланишга кенг йўл очилди.

Мустақиллик йилларида маънавий ҳаётимизда уйғониш юз берди. Улуғ боболаримиз руҳи шод этилди. Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Усмон Носир каби Ватанимиз озодлиги йўлида шаҳид кетган халқ жигарбандларининг номи, иззат-икроми, ҳурмати ўз жойига қўйилди, уларнинг маънавий мерослари халқимизга қайтарилди.

<sup>12</sup>Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ... 137-бет.

Кўпгина алломаларимиз, буюк мутафаккирларимизнинг таваллуд топган кунлари байрамона нишонланди, уларга ҳайкаллар қўйилди. Қадамжолари таъмирланди, асарлари етарли нусхада нашр этилиб, китобхоналарга етказилди.

Мустақиллик шароитида Ўзбекистонда ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланди. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиши ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга бўлди. Юртимизда энди диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди.<sup>13</sup>

Бугунги кунда мустақил юртимизда одамларнинг минг йиллар давомида шаклланган дунёқараши ва менталитетига асосланган, айнаи вақтда шу халқ, шу миллатнинг келажагини кўзлаган ва унинг дунёдаги ўрнини аниқ равшан белгилаб беришга хизмат қиладиган, кечаги ва эртанги кун ўртасида ўзига хос кўприк бўлишга қодир бўлган ғоя бўлмиш жамиятимиз мафкураси яратилмоқда.<sup>14</sup>

2. Етук маънавиятли, маърифатли шахс жаҳолатдан йироқ бўлади. Терроризмнинг ҳар қандай кўриниши эса айнан маърифатсизликка асосланган жаҳолатнинг аччиқ меваси сифатида юзага келади. Терроризм жаҳолатнинг бир кўриниши экан, жамият ҳаётида унга ёндош бўлган ҳақсизлик, адолатсизлик, инсон қадр-қимматининг топталиши, ҳуқуқларининг поймол қилиниши, ижтимоий зўравонлик каби жаҳолат турлари у билан эгизакдир. Бири иккинчисини юзага келтиради ва бири иккинчисидан озикланади. Бу борада Марказий Осиё Республикаларида фуқароларни ўз таъсирига олишга ҳаракат қилаётган тоифалар ҳақида Ал-Бухорий номидаги Тошкент Ислом институти ректори Абдукарим Азимов шундай ёзади: “Баъзи маълумотларга қараганда, Марказий Осиё республикаларида шундай (экстремистик) тоифалардан баъзилари фаолият кўрсатишга уринишган. Улардан бири “Ахбош” деб номланади. Бу янги чиққан тоифанинг маркази Ливанда жойлашган. Уларнинг раҳбарларидан бири Аҳмад Тамим номли шахс Украинада ислом маркази очган. Тоифа ичида ихтилоф чиққандан сўнг, ҳозир “Ахбош”га Абдуллоҳ Хабохий бошчилик қилади. Бу шахс мазкур тоифанинг ҳам мафкурачиси, ҳам иш юритувчисидир. Мазкур тоифа ҳақида турли норозиликлар бўлишига қарамасдан, ҳозирча унга қарши расмий ҳужжат қабул қилинган эмас”.

1996 йил ҳаж мавсумида Робита-ал-аълам-ал-Исломи ташкилоти (штаб квартираси Макка шаҳрида жойлашган) томонидан турли мамлакатлардан ташриф буюрган атоқли уламолар йиғилиши ўтказилди. Бу йиғилишда турли тоифалар масаласи ҳам кўрилади. Уламолар йиғилиши “Робита ал-аълам-ал-Исломи” ташкилоти раҳбарларига мактуб йўллади ва “Ислом фикҳи академияси”нинг

<sup>13</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. 31-модда-15-бет.

<sup>14</sup> Каримов И. А. Жамиятимиз мафкураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин. “Тафаккур” журнали. 1998 йил, 2 сон.



навбатдаги мажлисидан бирида бу масалани атрофлича кўриб чиқиб, фатво чиқариш зарурлиги таъкидланди.

Яна шундай тоифалардан бири “Дорил Арқам” дир. Унинг маркази Малайзияда. Тоифа аъзоларидан эркаклари тўпигидан сал юқори турадиган узун кўйлак ва кичик салла билан, аёллари эса қора либос юзларига фақат кўзи очилиб турадиган ниқоб кийишлари билан ажралиб турадилар. Охириги йилларда “Дорил Арқам” тоифаси аъзолари Ўзбекистонга ҳам суқулиб киришга уриндилар. Аксарияти сармоядор ва тижоратчилар дир. Улар мамлакатимиздаги талайгина шахслар билан алоқа ўрнатдилар. Мазкур тоифа Сингапур, Индонезия, Таиланд, Покистон ва бошқа мамлакатларда ҳам ўзига тарафдорлар топди.

Марказий Осиёдаги мустақил давлатларнинг қарор топиши ва мустақамланиши даврида “Ислом омили”, “Ислом уйғониши”, “Қайта исломлашиш”, “Ислом феномени” каби иборалар тобора кўпроқ ишлатилиб, бу ҳолларнинг беқиёс фаоллашувини ўзида акс эттирди.

Бунинг устига, бизга чегарадош бўлган мамлакатларда Ислом фундаментализми ва экстремизмининг кучайиши, турли кадрларни тайёрлаб республикамизга ўтказиш, Марказий Осиёда ислом давлатини тузиш васвасаси ҳам ваҳҳобийлик, ҳизбуттаҳрир каби оқимларнинг республикамизга кириб келишига сабаб бўлди. Бу масалани тўла ёритишда ўқитувчи Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси XI сессияси материалларидан фойдаланса, дарснинг сифати янада ошади.

“Ислом миллий анъналарининг ислом маданиятининг тикланиш жараёни исломни ташқаридан ҳар қандай “Импорт” қилишдан воз кечиш, исломга сиёсий тус бериш ва сиёсатга ислом руҳини бахш этишдан воз кечиш тўғри эканлигини кўрсатади” дейди. Президент Ислом Каримов. XX асрга келиб кўрмай-нетмай ислом таълимоти номидан иш кўриш, ўз давлати сиёсатини Ислом воситасида “экспорт” қилишга уриниш, шу йўлда турли фитналар уюштириш ва бузғунчилик ҳаракатлари кучайди.

Экстремистлар ва террористлар Марказий Осиё ҳудудидаги ислом динига мансуб аҳолини давлат ва унинг органларига қарши қўйиш, диндорларни сиёсий ҳокимиятга қарши муҳолифат бўлишига ҳаракат қилмоқда. Шунингдек, экстремистлар ва террорчиларнинг асл мақсади Кавказдан Хитойгача бўлган ҳудудда сиёсий беқарорликни вужудга келтириш, жумладан, Марказий Осиёда тартибсизликларни юзага чиқариш бўлса, иккинчи томондан, Марказий Осиёда шаклланаётган хавфсизлик тизимига зарба беришдан иборат дир.

Мустақиллик йўлини собитқадамлик билан танлаган халқнинг ўзи танлаган йўлидан қайтмаслиги, ўтмишда халқимизнинг бир неча асрлар мустамлакачилик зулми остида яшаб ҳозирги даврда эркинликни тўла ҳис қилаётганлиги экстремист ва террорчиларнинг қора ниятларини пучга чиқариши аниқ дир.

3. Марказий Осиёда фаолият кўрсатишга интилаётган диний экстремистик ташкилотлардан бири, ақидапараст оқимиға мансуб ваҳобийликдир. Бу оқим тўғрисида И. Каримов шундай ёзади: “Турғунлик, танглик ва жамиятнинг парчаланиши йилларида ажнабий ваҳобийликнинг оммага ёқиш йўлидаги уринишлари адолатни юзаки тушуниб тарғиб қилишда ҳамда зеб-зийнатдан ва манфаатпарастликдан воз кечишни эълон қилишда намоён бўлмоқда. Афсуски, бундай даъватлар Марказий Осиёнинг айрим минтақаларида яқин ўтмишда ва ҳозирги кунларда ҳам кенг ёйилди ва қўллаб-қувватлаб келинди”.<sup>15</sup>

Ақидапарастликнинг кенг тарқалган кўринишларидан бири бўлмиш ваҳобийлик ханбалий мазҳаб таркибида шаклланади. Унинг моҳиятини чуқурроқ тушуниш учун ханбалий мазҳаби тўғрисида, ҳеч бўлмаса, умумий тасаввурга эга бўлиш керак. Ваҳобийликнинг ханбалий мазҳабидан етишиб чиқиши тасодифий эмасди. Бунга XVIII аср бошларидаги тарихий муҳит ва ханбалий мазҳаб ақидаларидаги ўзига хосликлар сабаб бўлди.

Юқорида зикр этилган суннийлик оқимидаги тўрт йирик мазҳабдан бири бўлган ханбалийликнинг асосчиси Аҳмад ибн Ханбалдир. Бу диний арбоб ҳақидаги маълумотлар унинг жияни Ханбал ибн Исҳоқнинг “Табақот ул-ханабила” китоби орқали бизгача етиб келган.

Ибн Ханбалнинг диний арбоб сифатида шаклланишида унинг ўқиш даври муҳим рол ўйнаган. У 15 ёшида пайғамбар ҳадисларини жиддий ўргана бошлайди. Бу даврда ҳадисларни махсус ўрганувчи диний фан-илм ал-ҳадис шаклланаётган бўлиб, ҳадислар турли томондан тадқиқ қилинаётган, қуръонга зид келиб қолган ҳадислар китоблардан чиқариб юборилаётган пайт эди. Ибн Ханбал ҳадисларни чуқур биладиган йирик фикҳ олими бўлиб етишишида унинг дастлабки устози Муқаддис Хушайм ибн ас-Суломийнинг хизмати катта. Ибн Ханбал унда олти йил таълим олиб ўзи ҳам муҳаддис, яъни пайғамбар (а.с) ҳадисларининг ровийси бўлиб етишди ва зиёрат қоидаларига бағишланган “Китоб ал-Хаж” ни ёзди. Бу китобга мингга яқин ҳадис ва қуръоннинг баъзи сураларининг тафсири кирди.

Ас-Суломий раҳбарлигида ибн Ханбал жаъми уч минг ҳадисни ўрганди ва ёд олди ҳамда “Китоб ал-Хаж” дан ташқари “Китоб ал-Ақайд” ва бир неча кичик тазкиралар ёзди. Кейин у сафарга чиқиб Куфа, Басра, Макка, Мадина, Санъо, Дамашқ шаҳарларида бўлиб ўша даврнинг кўзга кўринган муҳаддислари билан учрашди ва улардан таълим олди. Ибн Ханбалнинг сўнги сафари Санъо шаҳрига бўлиб, у бир мунча узоқ давом этди ва бу шаҳарда Абдураззоқ исмли муҳаддисдан таълим олди. XI асрда яшаган ханбалий уламо Абул-Хусайн ибн Аби Йаланинг таъкидлашича, ибн Ханбал жуда кўп устозлардан илм олган, лекин унинг устозлари ичида энг асосийлари

<sup>15</sup> Каримов И. А. “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ... Тошкент 1997 йил 42-бет”.

25 кишини ташкил қилади. Ўзларини ханбалӣ мазҳабини давомчилари сифатида кўрсатувчи айрим экстремистик ва террористик гуруҳлар унинг бу мавқеини суистеъмом қилган ҳолда давлат, ҳокимият, мол-дунёга ҳирс қўйган ҳолда унинг номидан дунёда турли туман ваҳшийликларни олиб бордилар. Улардан бири Муҳаммад ибн Абдулваҳҳоб ибн Сулаймон бўлиб, у 1703 йилда Арабистон ярим оролидаги Нажд вилоятининг Аяйна шаҳрида туғилди. Унинг отаси қози эди. Муҳаммад Абдулваҳҳоб 10 ёшида қуръонни ўқиб чиқди ва 12 ёшида тафсири илмини эгаллади. Жамоат ибодатида қатнашди ва уйланди. “Қўшни давлатлар” да, яъни Хижоз, Басра, Хас, Боғдод, Хамадон, Халоб, Дамашқ, Қуддус ва Қоҳирада бўлади. Уни ёшлигидан устози Абдулло ибн Иброҳим ибн Сайф-Ханбалӣ мазҳаби бўйича ваҳдоният (якка худолик) ақидасида тарбиялади ва бу соҳада жуда кўп китоблар билан таъминлади. Айниқса, унинг дунёқарашида ибн Таймия асарлари катта роль ўйнади, чунки ибн Таймия ҳатто ханбализмнинг ҳам баъзи томонларини инкор этувчи ашаддий ваҳдониятчи бўлиб, ундан 500 дан ортиқ китоб қолган.

Муҳаммад Абдулваҳҳоб таҳсил олаётган вақтларида инглиз жосуси Хемпер билан учрашиб, унинг таъсирига тушиб қолади. Буюк Британия қироллиги мустамлакалар вазирлиги ўша йиллари мусулмон шарқ мамлакатларига араб, форс, турк тилларини мукамал биладиган, ўзини мусулмон деб юритадиган кўплаб жосусларни юборганди. Кейинчалик Хемпер ўз хотираларида Муҳаммад Абдулваҳҳобни қандай учратгани ва уни ўз манфаатлари йўлида фойдаланиш учун қўлга олганлигини ёзади. Юқоридаги мавзуларда ваҳҳобийларнинг олиб борган ваҳшиёна хунрезликлари ҳақида тушунча берилган эди.

Мавзунини ёритишда ўқитувчи Президентимиз И. А. Каримовнинг “Ўзбекитон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” асарига ҳамда Олий Мажлисининг XI сессиясида сўзлаган нутқида таянади. Чунки ваҳҳобийликнинг Ўзбекистонда тарқалишининг ички ва ташқи омиллари уларда аниқ ва равшан ифода қилинган. Марказий Осиёда Ислом давлатини тузиш васвасаси ҳам ваҳҳобийликнинг республикамизга кириб келишига сабаб бўлди. “Ислом лашкарлари”, “Адолат” уюшмаси ва бошқа гуруҳлар қонунсиз фаолият кўрсатиб, ижтимоий тузумни зўрлик ишлатиш йўли билан ўзлаштиришни мақсад қилдилар. Халқнинг хавфсизлигига раҳна солмоқчи бўлдилар.

1989-1992 йилларда Наманган вилоятида турли сиёсий чиқишлар авж олди. Бунга Конституция талабларига зид ҳолда тузилган, диний оқимларнинг ғаразли ниятларига хизмат қилган “Адолат”, “Ислом лашкарлари”, “Тавба” ҳаракати ва бошқалар Ўзбекистонда Ислом давлати тузиш чақириқлари билан аюҳаннос солдилар. Зўравонлик, қотиллик йўлини тутдилар. Чунончи, ўтган 1997 йил мобайнида Наманган шаҳрида юзларида ниқоб билан қуролланган шахслар вилоят ҳокимиятининг муовини Эркин Маматқулов, ДАН ходими

Боқижон Убайдуллаев, собиқ жамоа хўжалиги раиси Набижон Абдуллаевларнинг уйларига бостириб кириб уларни ўлдирдилар, (Н. Абдуллаевнинг рафиқаси Ҳамидахон Абдуллаева ҳам ўлдирилган) сўнгра уларнинг уйларидаги қимматбаҳо буюмларини, автомашиналарини ўғирлаб олиб кетганлар. Айниқса, Боқижон Убайдуллаевни ваҳшийларча ўлдиришган ва бошини танасидан қирқиб олиб, уни вилоят ИИБ бошлиғининг биринчи ўринбосари ҳовлисининг дарвозасига илиб қўйишган, яъни “Энди сенга навбат”, деган маънони билдиришмоқчи бўлишган.

Олиб борилган қидирув ва тергов ишлари натижасида аниқ бўлишича, ушбу жиноятларни ваҳҳобийлик оқимига мансуб бўлган. О. Юлдашев, Т. Мамажанов, С. Холматов, А. Юлдашев, М. Нуритдинов, М. А. Абдурахмонов, Р. Охунов ва бошқалар содир этганликлари аниқланди. Улар қўлга олиндилар.

4. Ваҳҳобийлик ва уларнинг издошлари хизбуттаҳрир, акромийлик гояларини ўзларига қурол қилиб олган экстремистик оқимлар ўз гояларини амалга ошириш учун аҳолининг турли хил табақалари билан уларга мос бўлган услубда иш олиб бормоқдалар. Шулар орасида уларнинг қопқонига соддадиллик билан тез тушувчи гуруҳ бу - ёш жувонлар, қизлардир. Ёш хотин-қизлар психологиясидан аёнки, булар ҳис-ҳаяжон ила тез ишонувчан, тез таъсирланувчан ижтимоий гуруҳдир. Мана шу омил ваҳҳобийларга жуда қўл келмоқда. Худди шу тамойил ваҳҳобийлар муаллимларининг тарбия услубларидан бири сифатида гоявий универсалликка кўтарилади. Худди шу усулда улар кўп қўрралик услуб асосида ўз гояларини мўътадил мусулмонларга қарши қўядилар. Масалан, бир суҳбатдошнинг айтганидек, 15-16 ёшлардаги қизларни ўзига жалб этган ваҳҳобийлар мактабининг муаллимаси ўз тарбияланувчиларига “Сизлар ота-оналаринигиздан қуръонни ўқиш, уни мутоала қилишни талаб қилингизлар, агар улар сизларни таклифларингизни рад этсалар, уларни ишонтиришга, дўзах азоблари билан қўрқитишга ҳаракат қилинглар. Ота-оналарингиз сизларнинг фикр ва ҳаракатларингизга астойдиллик билан қаршилиқ кўрсатсалар, сизлар ўз интилиш ва даъватларингиздан қайтманглар. Агар охиروқибат падари бузрукворингиз ва онаизорингиз сизнинг бу хоҳишингизни амалга оширишни хоҳламасалар, улардан юз ўғирингиз, шунда албатта, жаннати бўласизлар”, деб уқтирган. Хўш, айтингчи, демократик жамиятда яшаётган, виждон эркинлиги адолат мезони даражасига кўтарилган мамлакатда фарзанд ўзининг ота-онасига “Менинг эътиқодимни қабул қилишингиз шарт, бўлмаса ё ҳаёт, ё ўлим” деб туришлиги нима кўргилик.

Бу нарса ниҳоятда нозик масала бўлиб, бир вақтлар АҚШ ўзининг Вьетнамдаги солдатларига “хизмат қиладиган” қизларни юборганлигини эслатди. Ваҳҳобийлар ҳам ёш қизларни ўз таъсирига олиб Тожикистондаги, Афғонистон ва Покистондаги лагерларда тайёргарлак кўраётган жангариларга “хизмат қилиш” учун юбормайди

деб ким кафолат беради.

Ислом дини эзгуликка, яхшиликка даъват этади. Аммо уни ниқоб қилиб, одамларга турли жоҳилона оқимларнинг қарашларини сингдирмоқчи бўлаётганлар ҳам йўқ эмас. Одамларимиз эса олий ўқув юртини тамомлаган ўқитувчининг гапларига шубҳа қилиши мумкин, аммо араб алифбосидан жиндай сабоқ олган, салгина исломий аҳкомларни ўрганганларга ишонишади. Айниқса, бу ҳолат қишлоқларда яққолроқ кўринади. Дин дарсини бераётган отин ойи ва устозларнинг барига бугун ўғил-қизларимизнинг тарбиясини ишонса бўладими? Уларнинг қарашларида нуқсонлар йўқми? Қуръони Карим илмини тўғри тушунтира олаяптиларми? Агар отин ойилар ҳар жиҳатдан билимли бўлса, нур устига аъло нур бўлар эди. Шунинг учун ҳам масжидларнинг имом хатибларини маълум вақтларда аттестациядан ўтказилаётгани каби, жойлардаги хотин-қизлар кўмиталари ва маҳалла фаоллари диний идоралар уламолари билан кенгашиб отин ойиларнинг билим даражаларини ҳам синовдан ўтказилса, фойдадан ҳоли бўлмас эди.

Дин ичига кириб олган ақидапарастлар дин ниқобида ўзларининг ёвуз ниятларини амалга оширишда халқнинг савияси юқори бўлмаган ҳисмини, айниқса хотин-қизлар, ёшларни ўз қуролига айлантиришга ҳаракат қилдилар. Ҳозирги бозор муносабатлари шароитида мамлакатдаги иқтисодий қийинчиликлар ҳам маълум маънода уларга қўл келади. Ҳозирги пайтда халқ орасида диний жаҳолатпарастликка қарши кураш олиб бориш, мафкуравий ишларни илмий асосга қўйиш муҳим вазифалардан биридир.

### **Такрорлаш учун саволлар:**

- \*Мустақиллик йилларида олиб борилаётган маънавий-маърифий ишларни қай даражада баҳолаш мумкин?
- \*Диний экстремизм ва терроризмнинг Марказий Осиёга тарқалишида қандай омиллар ўз таъсирини намоён қилди?
- \*Марказий Осиёда фаолият кўрсатишга уринаётган қандай экстремистик ва террористик ташкилотларни биласиз?
- \*Ваҳҳобийлик оқимининг келиб чиқишида қайси мазҳаб асосчисининг таъсири кўпроқ бўлган?
- \*Ваҳҳобийлик оқимига мансуб бўлган шахсларнинг Ўзбекистонда, хусусан Наманганда олиб борган хунрезликлари ҳақида нималарни биласиз?
- \*Ёшлар ва хотин-қизлар орасида экстремистик ғояларни тарғиб қилишда ислом ниқобидаги ақидапарастлар қандай ишларни амалга оширмоқдалар?
- \*Исломда шахид тушунчаси нимани билдиради?

## МАЗЗУ: ЎЗБЕКИСТОННИНГ ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМ ВА ХАЛҚАРО ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ КУРАШИ.

### РЕЖА:

1. Ўзбекистоннинг экстремизм ва терроризмнинг олдини олишда халқаро майдонда олиб бораётган қатъий сиёсатининг моҳияти.
2. Экстремизм ва терроризмга қарши курашдаги халқаро шартномаларда Ўзбекистоннинг иштироки.
3. Терроризмга қарши кураш бўйича минтақавий ташкилотлар фаолиятида Ўзбекистоннинг иштироки.
4. Террористик ва экстремистик ташкилотларнинг Андижондаги хунрезликлари тўғрисида.
5. Демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш Ўзбекистон тараққиётини таъминлашдаги устувор йўналишдир.

1. “Касални даволашдан кўра унинг олдини олган маъқул” дейди доно халқимиз. Терроризм жинояти содир этилгандан сўнг уни иштирокчиларини жазолаб, чора кўргандан кўра, уни олдини олган маъқулроқдир. Буни шу куннинг ҳаётий тажрибалари кўрсатиб турибди. Шуни айтиш мумкинки, бундай жиноятларнинг содир бўлишига нима сабаб бўлмоқда, биз нега бунга шароит яратиб беряпмиз, нима учун бунинг оқибатини ўйламаяпмиз, деган саволни ҳар биримиз ўзимизга беришимиз ва бундай муаммоли саволларни таҳлил қилишимиз лозим. Ёшларимиз терроризмга қарши кураш, айниқса, бунинг мамлакатимиз, Ўзбекистон учун жуда зарур эканлигини англаб етмоғимиз даркор, чунки, мустақиллигимиз қўлга киритилган вақтдан бошлаб энг катта хавф - бу ён қўшниларимиз бўлган Афғонистон ва Тожикистонда рўй берган қонли воқеалар таъсири бизга ҳам ўтмайди деган кафолатнинг йўқлигида эди. Шунинг учун ҳам аксилтеррор операциясида иштироки хусусида Ўзбекистон ўз позициясини аниқ баён қилиб берди. Бунда Ўзбекистон Афғонистондаги терроризмни, унинг базаларини таг-томири билан йўқотиш, бу хавф-хатарни минтақада йўқ қилиш ҳаракатини қўллаб қувватлашини билдирди. Жаҳондаги 100дан ортиқ давлатлар терроризмга барҳам бериш борасида бошланган ҳаракатни қўллаб-қувватлашларини ҳам маълум қилдилар.

Ўзбекистон Президенти Ислоҳ Каримов ўз баёнотида Ўзбекистон ҳукумати гуманитар масалаларда яқиндан ёрдам беришини таъкидлади ва бу билан ўзимизнинг инсонпарварлик, олийнасаблик ва ниятларимизнинг самимийлигини билдирди. Баённомадаги гапларни

амалиётга жорий этиш бўйича қатор ишлар амалга оширилмоқда. Бунинг яққол мисоли яқиндагина Термиз шаҳридаги Хайратон кўпригининг шу мақсадларда қайтадан очилишидир.

Мамлакатимиз Президенти И. А. Каримов 1993 йилнинг 28 сентябридаёқ БМТ бош Ассамблеясининг 48-сессиясидаги нутқида афгон муаммоси, наркобизнес, ақидапарастлик, экстремизм, террорчилик тамойилларининг тобора чигаллашиб бораётгани ва уларга қарши саъйи-ҳаракатларни мувофиқлаштириш вақти келганлиги ҳақида катта ташвиш билан гапирган эди. Ўзбекистон Президентининг ушбу йўналишдаги фаолияти йилдан-йилга кучайиб борди: 1995 йил 15 сентябрь куни Тошкентда бўлиб ўтган Марказий Осиёда хавфсизлик ва ҳамкорлик масалаларига бағишланган семинарда И. Каримов халқаро ҳамжамиятга мурожаат этиб, терроризм ва наркобизнесга доир маълумотларни марказлаштирувчи ягона ахборот тизимини яратишни таклиф этди. 1999 йилнинг ноябрида бўлиб ўтган Истанбул саммитида эса Президентимиз терроризмга қарши кураш халқаро марказини тузишни таклиф қилган эди. Лекин “танаси бошқа - дард билмас” деганларидек, то бош деворга тақ этиб теккунича эзгуликни кўзламаган ушбу даъватлар жавобсиз қолди. Аммо замоннинг ўзи буюк муаллим. У Ўзбекистон раҳбарининг чақириқлари нечоғлик ҳаётий эканлигини очиқ сабоқлар орқали кўрсатиб берди.

2. 2000 йилнинг апрель ойида Тошкентда Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг учрашуви бўлиб ўтди. Учрашувда диний экстремизмга ва халқаро террорчиликка қарши кураш концепцияси ишлаб чиқилди, шунингдек, босқинчи тўдаларга қарши кураш масалалари муҳокама қилинди. Тожикистон ҳукумати бу йўналишда биринчилар қатори фаол ҳаракатларни амалга оширди.

Май ойининг бошларида хавфсизлик кенгаши котиби А. Азимов, фавқулодда вазиятлар ва фуқаро мудофааси бўйича вазир М. Зиёев БМТ раҳбари Саид Абдулло Нурий Жума Намангоний билан унинг ўз жангариларини олиб, Тожикистондан чиқиб кетиши ҳақида музокаралар олиб боришди.

Террорчиликка қарши биргаликда курашиш ҳақида битим имзолангандан кейин унга фақат минтақадаги мамлакатлар эмас, балки бошқа давлатларнинг ҳам кучлари қарши туриши лозим эди.

Хўш, Тошкент учрашуви нима билан тугади? Ўзбекистон, Тожикистон, Қозоғистон ва Қирғизистон раҳбарлари жаҳон ҳамжамиятини ҳозирги Афғонистонга - ҳарбий полигонгина эмас, шу билан бирга, бугун унинг ҳарбий лагерларида тайёргарликдан ўтаётган, эртага эса дунёнинг истаган қайноқ нуқтасида пайдо бўла оладиган террорчилар ва ёлланма аскарлар маконига айланиб қолган давлатга

нисбатан ҳеч қандай чора кўрмаётганликда айбладилар.

Учрашувда “Олти плюс икки” гуруҳи доирасида 1999 йилги Тошкент декларацияси билан бошланган мулоқот Афғон муаммосининг асосий муҳим йўналишлари - томонларни яраштириш масаласида сушт кечмоқда, деган яқдил фикр билдирилди. Марказий Осиёда вазиятни соғломлаштиришга қодир эмас эканлиги маълум бўлди.

Мазкур гуруҳ 1997 йилнинг августида Тошкент ташаббуси билан тузилган эди. Унга Афғонистонга қўшни олтита мамлакат - Эрон, Хитой, Покистон, Ўзбекистон, Тожикистон, Туркменистон, шунингдек Россия ва АҚШ кирган эди. 1999 йил 19-20 июлда Тошкентда “Олти плюс икки” (Афғонистоннинг қўшнилари ва дўстлари) гуруҳида қатнашувчи мамлакатлар ташқи ишлар вазирлари ўринбосарларининг, шунингдек Афғонистондан келган икки делегация - Толибон ҳаракати Бирлашган фронт вакилларининг учрашуви бўлиб ўтди. Учрашув якунида “Афғонистондаги можарони тинч йўл билан бартараф этишнинг асосий тамойиллари тўғрисида декларация” қабул қилинди. Декларацияни ёпиқ эшиклар ортида “Олти плюс икки” гуруҳи аъзолари имзолади. Тошкент учрашувида АҚШ Толибонларнинг Бин Лодинни қўллаб-қувватлаши қораланишувидаги бирдан-бир муваффақият дейиш мумкин. Уруш ҳаракатларини тўхтатиш ҳамда коалицион ҳукумат тузиш режаси эса амалга ошмади.

Юқорида таъкидланганидек, апрель ойидаги Тошкент саммитидаги матбуот анжуманида Назарбоев, Акаев, Раҳмонов ва Каримовлар сўзга чиқдилар.

Ислон Каримовнинг чиқиши:

“Жаноблар! Сиз Афғонистондан жуда узоқда бўлган Европада яшайсиз ва афтидан, бизнинг Марказий Осиё давлатларидаги, энг аввало, Тожикистон ва Ўзбекистондаги вазиятни издан чиқараётган ташқи омилни тушунишингиз қийин. Шунинг учун агар ислоҳотларни жадаллаштирсангиз, шунинг ўзи эртанги фаровонлик масаласини ҳал қилиш учун кифоя, деб бизни ишонтиришга беҳуда уриняпсиз. Агар шундай бўлганда ҳам, бу қисман тўғри. Энг муҳими эса, биз шундоққина ёнимиздаги босқинчилар, қўпоровчилар лагерларида террорчилар тайёрланаётган, улар қўлида қурол билан юртимизда янги тартиб ўрнатмоқчи бўлаётган, жуда кучли мафкуравий босқинчилик юз бераётган бир вақтда муттасил хавф-хатар туғдириб турган таҳдидни бартараф этишимиз керак.

Минтақага қанчадан-қанча қўпоровчилик адабиёти кириб келаётганига, қанчадан-қанча тарғиботчилар муқаддас ислон



динимизга сиёсий тус беришга уринаётганига бир назар ташланг. Биз Афғонистонни хавфсизлигимизга ташқаридан бўлаётган жиддий таҳдид деб ҳисоблаймиз жаҳон ҳамжамиятидан бу муаммо билан жиддий ва тубдан шуғулланишни сўрашга ҳақлимиз.

Жаҳон ҳамжамияти сустрекчилик билан ҳаракат қилаётгани сабабли Марказий Осиёдаги тўрт давлат халқаро экстремизмдан, шу жумладан диний экстремизмдан ҳам биргалашиб ҳимояланиш учун ўз кучларини бирлаштиришга қарор қилишди. Шу мақсадда улар Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистондан қайси бирига бўлса ҳам таҳдид туғилган тақдирда уларнинг биргалашиб ҳаракат қилишини назарда тутувчи тўрт томонлама битимни имзолади.

Фарбдаги баъзи таниқли таҳлилчиларнинг фикрига қараганда Тошкент саммити биргалашиб ҳимояланиш маъносида бирон-бир амалий натижа олиб келиши мумкин эмас, чунки Қирғизистоннинг заифлиги очиқ кўриниб турибди, Тожикистон парчаланиб кетган, Қозоғистонга тўғридан-тўғри хавф солаётгани йўқ. Лекин саммит ташвиқотчилик родини ўйнади ва Россиянинг Ўрта Осиёдаги ҳозирлигини кучайтириш учун замин тайёрлади.

Шундай бўлсада, хотиржамликка асос йўқ. Ўша вақтда Ўзбекистон ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов Ўзбекистоннинг Фарғона водийсидан чиққан ёшларни ўз тузоқларига фаол жалб этаётган “Ҳизби ҳаракати жиҳод”, “Даъватул-иршод”, “Покистон Ислом уламолар жамияти” сингари диний ташкилотларнинг номларини тилга олиб, бу ташкилотларнинг аъзоларига террорчилик ишларини амалга ошириш усуллари ўргатилмоққа, улар орасидан келажакда Ўзбекистонга ташлаш учун махсус гуруҳлар тайёрланмоқда (ИНФО-ТАСС 16-02-1998 й) деди. Ўзбекистондаги маълумотларга қараганда, бундай ўқув тайёргарлиги Покистоннинг Рейванд шаҳридаги (Лахор вилояти) “Даъват-Таблик” ислом марказида, Жума ал-Санифия мадрасасида (Исломобод шаҳри), Табон мадрасасида (Пешовор яқинидаги Мардон шаҳри) олиб борилмоқда. Ҳарбий лагерлар Арбат-роуд яқинида (Пешавор шаҳри) Жалхоз, Шамшати (Карачи яқинида) ва Окули Хата (Пешавор яқинида) қишлоқларида жойлашган “Жиҳод” партиясининг 1998 йил бошларида Покистонда бўлиб ўтган қурилтойида Ўрта Осиёдан чиққан жангариларга қурол-яроғ, анжомлар ва пул билан мунтазам ёрдам бериш ҳақида қарор қабул қилинган эди. Бу қарорни “Даъватул-иршод” партияси ва “Покистон ислом уламолари (партияси) жамияти” қўллаб-қувватлади. Покистон махсус хизматлари ҳомийлигида Ислом Тожиқ қўмитаси (Пешавор

<sup>16</sup> Коммерсант Daily, 18-02-1998 й.

<sup>17</sup> Левитин Л., “Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида” Т., 1998, 277-309 бетлар.

шаҳри) ва Ислом Ўзбек маркази (Атток шаҳри) тузилган. Қароргоҳи Карачида бўлган “Самарқанд-Бухоро” ўзбек миллатчи ташкилоти ҳам сезиларли даражада фаол иш олиб бормоқда.

Шундай қилиб, бевосита ҳарбий хавфлар тўғрисида, улар Афғонистон ва Тожикистонга жойлашиб олган халқаро террорчиларнинг босқинчи тузилмалари билан боғлиқ Россия ва Американинг махсус хизматлари берган маълумотларга қараганда, бу босқинчи тузилмалардаги жангариларнинг умумий сони 12 минг кишига яқин, шу жумладан Т. Йўлдошев ва Ж. Хожиев раҳбарлик қилган жангариларнинг сони 4500 киши бўлган.

4. Хуллас Президент Ислом Каримовнинг олдиндан қилган башорати тўғри бўлиб чиқди. 2005 йилнинг 12-13 май кунлари террорчиларнинг ғаразли мақсадлари туфайли Андижон шаҳрида навбатдаги фожиали хунрезликлар бўлиб ўтди. Воқеадан сўнг бўлиб ўтган тергов давомида Андижондаги террорчилик ҳаракатлари ташқи бузғунчи кучлар томонидан Ўзбекистоннинг мустақил сиёсатига, унинг миллий манфаатларига қарши пухта режалаштирилган ва ташкил этилган ҳуруж бўлиб, мавжуд конституциявий тузумни ўзгартириш ва бу кучларнинг геосиёсий манфаатларига тўлиқ жавоб берадиган ислом давлатини тузишга қаратилгани аниқланди. 2004 йилнинг август ойидан бошлаб бу бузғунчи кучлар “Туркистон исломий ҳаракати”, “Хизбуттаҳрир” ва унинг оқимларидан бири бўлган “Акромийлар” халқаро террорчилик ва диний экстремистик ташкилотларни жалб қилган ҳолда, 2005 йил май ойида ҳокимиятни эгаллаш ва Конституциявий тузумни ағдариш мақсадида Ўзбекистонда террорчилик ҳаракатлари содир этишни режалаштирган. Андижон ҳокимиятини зудлик билан эгаллаш мақсадида ҳар бирида 9 кишидан 22 кишигача бўлган 20 та ҳужум гуруҳи тузилган. Бу гуруҳларнинг бошлиқлари ҳужум уюштириладиган объектларнинг схемаларини батафсил ўрганган, зарур қурол аслаҳа, портловчи моддалар ва ўқ дориларни олдиндан тайёрлаб қўйилган. 12 майдан 13 майга ўтар кечаси Қирғизистон фуқароларидан тайёрланган ва қуролланган 60 нафар жангари Ўзбекистон ҳудудига бостириб кирган ва террорчилик ҳаракатларида фаол иштирок этган. Террорчилик ҳуружи билан бир вақтнинг ўзида Ўзбекистонга қарши ахборот уруши ҳам тайёрланган.

Террорчилик оқибатларида жами 187 киши ҳалок бўлган, улардан 60 нафари тинч аҳоли бўлиб, уларнинг 2 таси вояга етмаган болалар ва биттаси аёлдир. Террорчилар томонидан 31 нафар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходими ва ҳарбий хизматчилар ўлдирилган. 287 киши турли даражадаги тан жароҳати олган, уларнинг 91 нафари тинч фуқаро, 49 нафари ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи ходимлари ва 59 нафари ҳарбий хизматчилардир. Террорчиларга қарши қўрилган тадбирлар давомида 94 террорчи йўқ қилинган, 76 нафари яраланган.

Террорчилик ҳаракатлари давомида жиноятчилар 70 кишини гаровга олиб, улардан 15 нафарини ваҳшиёна ўлдирганлар. Террорчилар томонидан эгалланган 334 дона ўқотар қуролдан 255 таси, шу жумладан 180 та автомат, 59 та пистолет, 11 та милтиқ, 4 та пулемёт, 1 та гранатомёт қайтарилди. Бундан ташқари, террорчилар Қирғизистондан олиб ўтган 16 дона ўқотар қурол ҳам олинган. Уларнинг орасида рақамлари ўчирилган 7 та Калашников автомати ва иккита снайпер милтиғи, АҚШда ишлаб чиқарилган АК-15 ярим автоматик милтиқ бор. Қамокдан ноқонуний чиқариб юборилган 587 шахснинг 496 нафари қайтарилди, террорчилик ҳаракатларида иштирок этган 6 нафари ўлдирилди, қолган 25 кишига нисбатан тезкор-қидирув тадбирлари олиб борилмоқда. Террорчилик ҳаракатларида бевосита иштирок этган 106 нафар иштирокчи устидан тергов ишлари олиб борилди“ дейилади Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси матбуот хизматининг “Халқ сўзи“ 2005 йил 7 сентябрида берилган мақоласида.

Тергов ишлари якунланди, суд жараёни Ўзбекистон Республикасининг суқароларига очиқ-ойдин намоиш қилинди. Айбдорлар ўз қилмишларига яраша жазоландилар. Бироқ чучварани хом санаган юқоридаги Ватанфуруш хоинларнинг хунрезликлари халқимиз томонидан кўп йиллар давомида лаънатланиб эсга олинадиган ҳолат юз берди.

5. XX асрнинг сўнги ўн йиллиги ва XXI асрнинг боши ўзбек халқининг асрий орзу умидлари рўёбга чиққан давр-миллий мустақилликка эришган ва уни ҳар жиҳатдан мустаҳкамлаш даври бўлиб, у Ўзбекистон Республикасининг дунё харитасида янгидан пайдо бўлиши билан характерланади. Бу қисқа даврдаги ривожланиш юз йилларга тенг бўлди, десак муболаға бўлмайди. Мустақиллик даври Ўзбекистон мамлакатини жаҳон ҳамжамиятидан ўзига муносиб ўрин олиши туфайли ҳам тарихга олтин харфлар билан ёзилди. Миллий мустақиллик даврида мамлакат Президенти И. А. Каримов раҳбарлигида давлатимиз, ҳукуматимиз ва халқимиз томонидан улкан яратувчилик ишлари амалга оширилмоқда.

Ўзбекистонда Миллий мустақилликни мустаҳкамлашга доир ислоҳотлар натижасида фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат барпо этиш учун мустаҳкам замин ва пойдевор пайдо бўлди. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларни янада чуқурлаштириш жараёнлари натижасида дунёвий жамият ва давлат шаклланди. Биз жаҳондаги барча эзгу ниятли, тараққийпарвар халқлар ва миллатлар билан баҳамжиҳат бўлиб, нафақат ғарб, балки Япония, Жанубий Корея, Малайзия, Хитой каби ривожланган шарқ мамлакатларида бўлганидек эркин ва фаровон ҳаёт қуришга интилмоқдамиз. Илғор, ривожланган давлатлар Ўзбекистонда амалга оширилаётган сиёсий-иқтисодий, ижтимоий соҳалардаги ислоҳотларга ўз хайрихоҳлигини

билдирмоқдалар ва қўллаб-қувватламоқдалар. “Мамлакатимизни демократик тамойиллар, илм-фан ютуқлари, юксак технологиялар асосида модернизация қилиш билан бирга, муқаддас динимизни, миллий ўзлигимизни асраб-авайлаб яшашни мақсад қилиб қўйганмиз. Бу эзгу мақсадларни рўёбга чиқариш учун юртимизда мавжуд бўлган салоҳият ва бойликларни ишга солиш, улардан оқилона фойдаланиш, аввало ўз куч ва имкониятимизга, ота-боболаримиздан қолган бебаҳо мерос, миллий урф-одат ва анъаналарга суяниш, қадриятларимизни тиклаш, бир-биримизга елкадош бўлиш эҳтиёжини халқимиз бугун ҳар томонлама тушуниб етди”.

Экстремистлар ва террорчилар ҳануз Марказий Осиё ҳудудида ислом динидаги аҳолини давлат ва унинг органларига қарши қўйиш, диндорларни сиёсий ҳокимиятга қарши муҳолифат бўлишига ҳаракат қилмоқдалар. Шунингдек, экстремистлар ва террорчиларнинг асл мақсади Кавказдан Хитойгача бўлган ҳудудда сиёсий беқарорликни вужудга келтириш, жумладан Марказий Осиёда тартибсизликларни юзага чиқариш бўлса, иккинчи томондан, Марказий Осиёда шаклланаётган хавфсизлик тизимига зарба беришдан иборатдир.

Мустақиллик йўлини собитқадамлик билан танлаган халқимиз ўзи танлаган йўлдан қайтмаслиги, ўтмишда халқимизнинг бир неча асрлар мустамлакачилик остида яшаб, ҳозирги даврда эркинликни тўла ҳис қилаётганлиги экстремистик ва террорчиларнинг қора ниятларини пучга чиқариши, маънавият-маърифат йўли билан фаоллик кўрсатиши аниқдир. Халқимизни фуқаролик жамияти қуриш йўлидан ҳеч ким қайтара олмайди.

### Такрорлаш учун саволлар:

- \* Ўзбекистон Республикаси экстремизм ва терроризмни олдини олиш борасида халқаро майдонда қандай тадбирларни амалга оширмоқда?
- \* Бу борадаги халқаро шартномаларда Ўзбекистоннинг иштироки қандай?
- \* Терроризмга қарши курашда минтақавий ташкилотлар билан қандай шартномалар имзоланди?
- \* Андижон воқеаларининг содир бўлишида кимларнинг қўли бор деб ҳисоблайсиз?
- \* Ўзбекистонда фуқаролик жамияти барпо этишда қандай саъйи-ҳаракатлар олиб борилмоқда?

<sup>18</sup> Каримов И. Ватанимизнинг тинчлиги ва хавфсизлиги ўз куч-қудратимизга, халқимизнинг ҳамжамиятлиги ва букилмас ифодасига боғлиқ. Т., 2004, 8-бет.

# КУРС БЎЙИЧА ЁЗМА ИШЛАР (ИНШО, РЕФЕРАТ) МАВЗУЛАРИ:

1. Эътиқод тушунчаси. Диний ва дунёвий эътиқод.
2. Дин эътиқоднинг ўзига хос кўриниши сифатида.
3. Диннинг бағрикенглик, толерантлик хусусияти ва моҳияти.
4. Дунёвий давлат ва унинг динга муносабати тамойиллари.
5. “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонун (янги таҳрири).
6. Ўзбекистонда виждон эркинлигининг конституциявий асослари.
7. Ўзбекистонда диний ташкилотларни рўйхатга олиш.
8. Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган диний ташкилотлар.
9. Диний қадриятлар ва уларнинг жамият ҳаётидаги роли.
10. Жаҳон динлари тизимида христианлик.
11. Христианлик динида асосий йўналишлар, оқим, гуруҳ ва секталар.
12. Буддавийлик дини.
13. Жаҳон динлари тизимида Ислом.
14. Ислом динидаги асосий йўналишлар ва масҳаблар.
15. Ханафийлик - исломдаги энг мўътадил масҳаб.
16. Мотурудия таълимотида диний билимларнинг улуғланиши.
17. Шиалик - исломдаги йирик йўналишлардан бири.
18. Суннийлик - ислом динидаги асосий йўналишлардан бири.
19. Суфийлик - исломдаги диний-фалсафий оқим.
20. Исломгача бўлган даврда Марказий Осиёда динларнинг ривожланиши.
21. Зардуштийлик - Марказий Осиёда исломгача мавжуд бўлган монотеистик диний таълимот.
22. Ислом динининг ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида тарқалиши.
23. Имом Бухорий ва унинг ислом илми ва маданияти ривожигаги ўрни.
24. Имом Термизий ва унинг ислом илми ва маданияти ривожигаги ўрни.
25. Бурҳониддин Марғиноний ва унинг ислом илми ва маданияти ривожигаги ўрни.
26. Имом Мотурудий ва унинг ислом илми ва маданияти ривожигаги ўрни.
27. Абу Наср Фаробий ва унинг ислом илми ва маданияти ривожигаги ўрни.
28. Тасаввуф таълимотининг пайдо бўлиши ва тараққий этиши омиллари.
29. 29. Тасаввуф илми ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари: бунёдкорлик ва бағрикенглик.
30. Ҳозирги дунёда ислом.
31. Мусулмонлар аҳолисининг кўпчилигини ташкил қиладиган мамлакатлар.
32. Исломнинг Европада тарқалиши.
33. Америка Қўшма Штатларида ислом.
34. Исламофобия.
35. Диний экстремизм: мазмун-моҳияти ва келиб чиқиш сабаблари.
36. Экстремизмнинг кўринишлари ва намоён бўлиш сабаблари.

37. "Мусулмон биродарлари" диний уюшмаси: мақсади, вазифаси, амалий фаолияти.
38. "Хизбут таҳрир ал-исломий" ("Ислом озодлик партияси").
39. "Ал-қоида" ("Асос") диний экстремистик ташкилот.
40. "ХАМАС" ("Ҳаракат ал-муқавама ал-исломия" - "Ислом қаршилиқ ҳаракати").
41. "Хизбуллоҳ" ("Аллоҳ партияси").
42. Марказий Осиёда диний экстремистик ташкилотлар.
43. Диний экстремизмнинг мусулмон дунёси учун хавфи.
44. Терроризм: моҳияти, пайдо бўлиш сабаблари, намоён бўлиш шакллари.
45. Жаҳонда диний экстремизм ва терроризмнинг молиявий манбаалари.
46. Терроризмга қарши халқаро майдондаги ҳаракатлар.
47. Ўзбекистонда диний экстремистик ташкилотлар фаолияти.
48. Замонавий экстремизм ва терроризмга қарши кураш стратегияси ва тактикаси.
49. Диний экстремизмнинг мусулмон дунёси учун хавфи.
50. Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашда халқаро ҳамкорлик.
51. Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг халқаро сиёсий-ҳуқуқий асослари.
52. БМТнинг экстремизм ва халқаро терроризмга қарши кураш фаолияти.
53. Ўзбекистоннинг экстремизм ва халқаро терроризмга қарши кураш сиёсати.
54. Ўзбекистоннинг экстремизм ва терроризмга қарши тузилган халқаро шартномаларда иштирок этиши.
55. Ўзбекистоннинг терроризмга қарши кураш бўйича минтақавий ташкилотларда иштироки.
56. Ўзбекистонда конфессиялараро муносабатларда виждон эркинлиги ва толериантлик тамойилларининг роли.
57. Фуқароларда диний экстремизм ва терроризмга қарши мафкуравий иммунитетни шакллантириш.
58. Ваҳҳобийлик: тарих ва ҳозирги замон.
59. Халифалиқ: тарих ва ҳозирги замон.
60. Андижондаги террорчилик ҳаракатлари: ҳақиқат ва игво, ижтимоий-сиёсий оқибат.

#### АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. - Т.: "Ўзбекистон", 2003.
2. "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида (янги таҳрири)" Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Т.: Адолат, 1998.
3. Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд.-Т.: "Ўзбекистон", 1996.
4. Каримов И. А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд.-Т.: "Ўзбекистон", 1996.
5. Каримов И. А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-жилд.-Т.: "Ўзбекистон", 1996.
6. Каримов И. А. Бунёдкорлик йўлидан. 4-жилд.-Т.: "Ўзбекистон", 1996.
7. Каримов И. А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. 5-жилд.-Т.: "Ўзбекистон", 1997.

8. Каримов И. А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлидан. 6-жилд.-Т.: "Ўзбекистон", 1998.
9. Каримов И. А. Биз келажикимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. 7-жилд.-Т.: "Ўзбекистон", 1999.
10. Каримов И. А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. 8-жилд. - Т.: "Ўзбекистон", 2000.
11. Каримов И. А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. 9-жилд.-Т.: "Ўзбекистон", 2001.
12. Каримов И. А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашамиз. 10-жилд.-Т.: "Ўзбекистон", 2002.
13. Каримов И. А. Биз танлаган йўл демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11-жилд.-Т.: "Ўзбекистон", 2003.
14. Каримов И. А. Ватанимизнинг тинчлиги ва хавфсизлиги ўз куч-қудратимиз, халқимизнинг ҳамжиҳатлиги ва букилмас иродасига боғлиқ. - Т.: "Ўзбекистон", 2004.
15. Каримов И. А. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. - Т.: "Ўзбекистон", 2005.
16. Миллий истиқлол гоёси: асосий тушунчалари, тамойиллар ва атамалар (қисқа изоҳли тажрибавий лугат). - Т.: Янги аср авлоди, 2002.
17. Абдуллажонов О. Диний ақидапарастликнинг келиб чиқиши, моҳияти ва Ўзбекистонга кириб келиши. - Т.: Академия, 2000.
18. Бағрикенглик тамойиллари Декларацияси.-Т.: 2002.
19. Жўраев Н. Халқаро терроризм ва минтақавий можаролар.-Т.:2000.
20. Ирисов Б. Дин, ақидапарастлик ва таҳдид.-Т.: Маънавият, 2000.
21. Ислом: бағрикенглик ва мутаассиблик.-Т.: Университет, 1998.
22. Ислом ва дунёвий давлат (халқаро илмий-назарий конференция материаллари). Т.:2003.
23. Ислом. Энциклопедия.-Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2004.
24. Каримов И. А. Дунёвийлик даҳрийлик эмас ёхуд "Хизбут таҳрир"нинг даъволари хусусида мулоҳазалар.-Т.: "Тошкент ислом университети" нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2005.
25. Отамуродов С., Мамашокиров С., Холбеков А. Марказий Осиё: гоёвий жараёнлар ва мафкуравий тақдидлар.-Т.: 2001.
26. Раджапова М. Диний экстремизм ва террорчилик.-Т.: 2000.
27. Раҳматов О. Огоҳлик - муқаддас бурч. -Т.: Мовароуннаҳр, 2000.
28. Саидов А. Х. Религиозная толерантность и светское государство в Узбекистане.-Т.: 2002.
- 29.Тарозий А. М. Олам узра тарқалган ислом.-Т.: 2001.
30. Хорун Яҳё. Ислом террорни қоралайди.-Т.: Мовароуннаҳр, 2003.
31. Экстремизм, терроризм, гуруҳий жиноятчиликка қарши кураш муаммолари. Илмий-амалий анжуман материаллари.-Т.: 1999.
32. Якубов О. Қашқирлар галаси: Терроризмнинг қонли изи.-Т.: 2000.
33. Куръони Карим маъноларининг таржима ва тафсири. - Т.: "Тошкент ислом университети" нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2004.
34. Ҳусниддинов З. Ислом: йўналишлар, мазаблар, оқимлар. -Т.: Мовароуннаҳр, 2000.
35. Ҳусниддинов З. М., Абдусатторов А. Исломдаги оқимлар: хорижийлик ва шиалик.-Т.: Тошкент ислом университети, 2003.
36. Жаҳолатга қарши маърифат. Андижон воқеалари: ҳақиқат ва игво. Т.: 2005
37. Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари. Т., 2006.

## МУНДАРИЖА

1. Сўз боши.....	3
2. “Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари” курсини ўқитишдан кўзланган мақсад.....	4
3. Курснинг асосий вазифалари.....	4
4. Курснинг ўқитилиш ҳажми.....	4
5. Курсни янги технологиялар асосида ўқитиш.....	5
6. “Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари” курсининг мавзулари, дастури ва ўқув режаси.....	5
7.Биринчи дарс.....	6
1-савол.....	6
2-савол.....	8
3-савол.....	9
8. Иккинчи дарс.....	13
1-савол.....	13
2-савол.....	16
3-савол.....	19
Илова 1.....	22
9.Учинчи дарс.....	25
1-савол.....	25
2-савол.....	27
3-савол.....	29
Илова 2.....	31
10.Туртинчи дарс.....	35
1-савол.....	35
2-савол.....	38
3-савол.....	40
11. Бешинчи дарс.....	45
1-савол.....	45
2-савол.....	47
3-савол.....	51
12. 1-семинар машғулотлари.....	54
13. 2-семинар машғулотлари.....	61
14. Курс бўйича ёзма иш (иншо, реферат) мавзулари.....	68
15.Адабиётлар.....	69
16.Мундарижа.....	71



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**М. Нишонов, И. Турғунов**

**ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМ  
ВА ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ КУРАШНИНГ  
МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ  
АСОСЛАРИ**

**Муҳаррир: М. Акмалов.**  
**Техник муҳаррир: Ш. Мамажонов.**  
**Компьютерда**  
**Саҳифаловчи: Ж. Азимбоев.**  
**Мусаҳҳиҳ: С. Мамажонова.**

Теришга берилди - 3.07.2006. Босишга рухсат этилди - 24.08.2006  
Бичими А-5, Ҳажми 4,5 босма тобоқ. Бичими 60x84. 1175-буюртма.  
Адади 2000x28-2006 й. Баҳоси келишилган нарҳда.  
“Ибрат номли босмаҳона” ОАЖда офсет усулида босилди.  
Наманган шаҳри, Навоий кўчаси, 36-уй.